

Рахматов Норқобул

СУВ ОМБОРИ ГИДРОУЗЕЛИ ИНШООТЛАРИ



Тошкент – 2023

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ТАЪЛИМ, ФАН ВА
ИННОВАЦИЯ ВАЗИРЛИГИ

“ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ
МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУХАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ” МИЛЛИЙ
ТАДЌИҚОТ УНВЕРСТЕТИ

Рахматов Норқобул

СУВ ОМБОРИ ГИДРОУЗЕЛИ ИНШООТЛАРИ

Дарслик

Тошкент-2023

“Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш мухандислари институти” миллий тадқиқот университети Илмий Кенгашининг 2023 йил

“_____” даги № _____ – сонли мажлис баёнига асосан тайёрланган дарсликни чоп этишга рухсат этилган.

УЎК 626 / 627. 004. 67 (075.8)

Рахматов Норқобул

Сув омбори гидроузели иншоотлари. – Тошкент, 2023 – 190 б. (дарслик).

Тақризчилар: “Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш мухандислари институти” миллий тадқиқот университети профессори, т.ф.д. Уралов Б.Р.

ТАҚУ ““Гидротехника ва геотехника мухандислик технологиялари” кафедраси профессори, т.ф.д. Файзиев X.

Ушбу дарслик 60730900 - «Гидротехника қурилиши (сув хўжалигида)» ва 60812500 - “Гидротехника иншоотлари ва насос станциялардан фойдаланиш” бакалаврият таълим йўналишлари ўқув режасидаги “Гидротехника иншоотлари” фанига қўшимча адабиёт сифатида тайёрланган. Мазкур дарсликда Республикаиз территорииясида мавжуд бўлган сув омборларининг тарихи, вазифаси ва уларнинг таркибига кирувчи иншоотларни конструкциялари ёритилган. Ушбу дарсликдан сувомбори тизимда фаолият қўрсатаётган ишчи – хизматчилар ўзлариниг малакасини ошириш мақсадида фойдаланиш мумкин.

© “Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш мухандислари институти” миллий тадқиқот университети, 2023 йил

Кириш

Инсон ҳаётида сув ҳар доим муҳим омиллардан бири бўлиб келган. Шу боис қадимдан одамлар асосан дарё қирғоқларида истиқомат қилишган. Улар ичимлик манбаи сифатида сувдан ичишган бўлса, озуқа манбаи сифатида балиқ овлаганлар ҳамда ўзаро сув йўллари сифатида ҳам фойдаланиб келганлар. Ўрта Осиёда илк сув омборларининг яратилиш тарихи узок ўтмишга бориб тақалади. Археологияни тарракий этиши билан минтақадаги юксак маданиятдан далолат берувчи сув омбори тўғонлари ирригацион тизимлари топилди. Сугориладиган майдонларни кенгайиши, қишлоқ хўжалиги самарадорлигини ошириш, ерларнинг мелеоратив ҳолатини яхшилаш ва янги ерларни ўзлаштириш, сувдан энергетика ва бошқа мақсадларида фойдаланиш ҳамда сув оқимларини ростлашда сув омборларини ташкил этиш йўлга қўйила бошланди. Хозирги кунда республикамизда 300 га яқин йирик гидротехник иншоотлар, шу жумладан 20 млрд. m^3 сифимга эга бўлган 60 та дан ортиқроқ сув омборлари ва сел сув омборларидан фойдаланиб келинмоқда. Республикадаги мавжуд гидротехника иншоотлари эксплуатацияси жумладан, сув омборларидан самарали ва хавфсиз фойдаланиш, уларга ўз вақтида техник қаровни амалга ошириш, ўз вақтида таъмирлаш-тиклаш ва реконструкция қилишга боғлиқ. Бу эса гидротехника иншоотларидан фойдаланувчи ташкилотлар зиммасига катта маъсулият юклаб, сув омборлари эксплуатациясини такомиллаштиришни талаб қиласди. Айниқса 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг қабул қилиниши муҳим ҳисобланади. Ҳаракатлар стратегиясининг мақсади олиб борилаётган ислоҳотлар самарадорлигини тубдан оширишдан, давлат ва жамиятнинг ҳар томонлама ва жадал ривожланишини та’минлаш учун шарт-шароитлар яратишдан, мамлакатни модернизациялаш ва ҳаётнинг барча соҳаларини эркинлаштиришдан иборатdir. Ушбу кўлланмани тайёрлашда Ўзбекистон Республикасининг “Гидротехника иншоотларининг хавфсизлиги тўғирисида”ги қонуни, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, Соҳавий вазирлик ва ташкилотларни меъёрий ҳужжатлари ва кўрсатмаларидан фойдаланилган.

I. Сув омборлари ва уларнинг ривожланиш тарихи

Ўрта Осиёда илк сув омборларининг яратилиш тарихи узоқ ўтмишга бориб тақалади. Археология тараққий этиши билан минтақадаги юксак маданиятдан далолат берувчи сув омбори тўғонларининг ирригацион тизимлари топилди. X – XII асрларда тоғ дараларида баҳорги сел оқимларини ушлаб қолиш учун қурилган сув омборлари суғоришининг ривожланишида катта аҳамиятга эга бўлган. Мисол тариқасида Фориш туманида X асрда Осмон сойида қурилган Хон тўғонини, Каттақўрғон туманида XII асрда қурилган ғишт тўғонни ва Нуротанинг шарқ томонидаги Ахчоп сойида қурилган Абдуллахон тўғонларини келтириш мумкин.

Хон тўғони икки томони қаттиқ тоғ жинсларидан иборат бўлган Осмон сойининг тор ерида барпо этилган бўлиб, унинг узунлиги 50 м, баландлиги эса 15,2 м ни ташкил этган.

Хон тўғонини қуришда қаттиқ тоғ жинслари (тошлар) ишлатилган, улар ганч ёрдамида бирлаштирилган. Сув омборидаги сув сатҳи узунлиги 700 м, тўғон олдидаги кенглиги 50 м, сув дами етиб борган ердаги кенглик 200 м га тенг бўлиб, ҳажми 1,5 млн. м³ ни ташкил қилган. Бу эса Калтепа чўлидаги 2...3 минг га ерни суғориш имконини берган. Тошқин вақтида тўпланган сувларни сув омборидан чиқариш ва ундан экинларни суғориш мақсадида фойдаланиш учун тўғоннинг ўнг томонига, қирғокқа яқин қилиб равоқ шаклида кенглиги 50 см ва баландлиги 7 м бўлган қувур ўрнатилган. Тўғон ҳозирги вақтгача сақланиб қолган, бироқ сув омбори асрлар давомида Осмон сойидан оқиб келган тош ва лойқа ҳисобига ўз ҳажмини йўқотган.

Абдуллахон тўғони XVI асрда қуриб битказилган бўлиб, ўзининг тузилиши ва конструкцияси жиҳатдан жуда ҳайратланарлидир. Тўғоннинг баландлиги 15 м, устки қисмининг узунлиги 73 м, эни 4,5 м, таг қисмининг узунлиги 73 м ва эни 15 м ни ташкил этади. Тўғон олдидаги сув чуқурлиги 15 м бўлганида сувнинг дами 1250 м масофагача сув омборида тўпланган сув 2,5...3,0 минг га ерни суғориш имконини берган, Абдуллахон тўғони ортиқча сувларни чиқариб юборгич (ташлама) вазифасини бажарган. Суғориш эҳтиёжлари учун эса сув омборидан сув чиқариш бошқариладиган қувурлар орқали амалга оширилган.

Ҳар иккала сув омбори ҳам ҳақиқий инженерлик иншоотларидир. Республикаизда, табиатни ва хўжаликни тубдан ўзгартирувчи, замонавий босқичдаги сув омборлари қурилиши ўтган асрда бошланган.

1940 йили Зарафшон дарёси водийсида Каттақўрғон сув омбори қурилиши бошланган. Бу Ўзбекистондаги биринчи сув омбори бўлиб, уни тўлдириш 1941 йилнинг январида амалга оширилди. Худди шу йили Фарғона водийсида Ўртатўқай (Косонсой) сув омбори қурилиши бошланди. 1941 – 1950 йиллар мобайнида Каттақўрғон – 662 млн.м³, Ўртатўқай (Косонсой) – 100 млн.м³,

Қамаши – 17,6 млн.м³, Фарход – 330 млн.м³ каби сув омборлари фойдаланишга топширилди. 1950 – 1960 йилларда Республикаизда сув омборлари қуриш ишлари жадал суръатларда амалга оширилди ва бу даврларда: Учқизил (1954 й.), Қуйимозор (1957 й.), Дегресс (1958 й.), Тошкент (1959 й.), Чимқўрғон (1959 й.) каби сув омборлар фойдаланишг топширилди. Суғориладиган майдонларни кенгайиши, қишлоқ хўжалиги самарадорлигини ошириш, ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ва янги ерларни ўзлаштириш, сувдан энергетика мақсадларида фойдаланиш ҳамда сув оқимларини ростлаш мақсадларида йирик сув омборлари ташкил этиш йўлга қўйила бошланди. 1960-1980 йиллари Ўзбекистондаги сув омборлари сони 17 тага (Жанубий Сурхон - 800 млн.м³, 1962 й); Чарвоқ -2006 млн.м³, 1970 й.), Андижон -1900 млн.м³, 1978 й.), Талимаржон -1525 млн.м³, 1974 йил ва бошқалар) кўпайди.

Шундай қилиб 2020 йилларга келиб Республикаизда умумий сифими 20, милярд м³ га яқин бўлган 56 та сув омбори барпо этилди. Ҳозирги кунда лойиҳаланаётган, қурилиши ёки реконструкция қилинаётган сув омборлари замонавий ҳисоблаш усуллари асосида, замонавий техникалар ёрдамида, янги қурилиш ашёларидан фойдаланиб қурилмоқда.

II. Тўғонлар, уларнинг турлари, конструктив элементларига қўйиладиган талаблар

2.1. Грунтдан барпо этиладиган тўғонлар тўғрисида умумий маълумотлар.

Қурилиш жойида қазиб олинадиган ва режали ташишни талаб қилмайдиган материаллар маҳаллий деб айтилади. Материалларнинг бу турига қурилиш материаллари сифатида иншоот қуриладиган (грунтли иншоотлар) ёки замин сифатида фойдаланиладиган грунтлар ҳам киради.

Грунт ер қобиғининг устки қисмида жойлашган ва тоғ жинсларининг кимёвий ҳамда физикавий таъсири остида емирилиш натижасида ҳосил бўлади. Грунтлар майдаланиш (дисперслик) хоссаси билан тавсифланади, уларнинг алоҳида зарралари мустаҳкам бирикмаган, агар бириккан бўлса, бу боғланишнинг мустаҳкамлиги зарраларнинг ўзини мустаҳкамлигидан бир неча бор кичик ҳисобланади. Бундай грунтлардан қурилган тўғонлар грунтли тўғонлар деб аталади. Ушбу тўғонларнинг эскича номи тупроқ тўғонлар деб юритилар эди. Бироқ, бундай ном улар бунёд этилган материалга мос келмайди. Чунки, тупроқ деганда қурилиш материали сифатида фойдаланилмайдиган ер юзасининг устки, тупроқли қатлами тушунилади.

Гидротехника қурилиши амалиётида сунъий майдалаш йўли билан олинадиган маҳаллий қурилиш материали - тош ҳам тўғон барпо этишда қўлланилмоқда. Тошдан барпо этилган тўғонлар “тошли тўғонлар” деб номланади ва бу атамадан кейинги вақтларда кенг фойдаланилмоқда.

Механик таркиби бўйича бир жинсли ёки ҳар хил жинсли грунтлардан барпо этиладиган сув димловчи иншоотларга *грунтли тўғонлар* деб аталади.

Грунтли материаллардан барпо этилган тўғонлар бизнинг эрамизгача ҳам мавжуд бўлган. Аммо, уларни лойиҳалашнинг назарий асослари янги фан соҳалари-грунтлар механикаси, фильтрация назарияси, қояли жинслар механикаси ва бошқалар базаси аосида ишлаб чиқилди. Транспорт воситаларининг ривожланиши ва тўғон қурилишда тупроқ ишларини механизациялаш грунтдан қурилаётган тўғонларнинг кенг тарқалишига сабаб бўлди. Бу иншоотларнинг ўлчамлари ҳам йириклишди: агар ўтган асрнинг бошида баландлиги 20...30 м гача бўлган тўғонлар қурилган бўлса, ҳозир эса улар 300 м ва ундан юқори қилиб қурилмоқда. Тўғонларни барпо этишда сунъий грунт қоришимасини ишлатиш имконияти мавжуд (грунтнинг донодорлик таркиби баъзи бир фракциялар билан бойитилади), бу ўз навбатида грунтли материаллардан қурилаётган тўғонлар сифатини анча яхшилаш имконини беради.

Грунтли тўғонлар сув димловчи иншоотларнинг энг кўп тарқалган турларидан биридир. Улар сув олувчи, энергетик, сув транспорти, сув омбори ва комплекс гидроузеллар таркибида киради.

Грунтли тўғонлар турли вазифаларни бажариш учун қурилади. Тўғонлар катта ёки кичик ҳажмли сув омборларини ташкил этиб, уларда маълум миқдордаги сув ҳажми йигилади ва сув танқис бўлган пайтларда халқ хўжалигининг турли тармоқларида ишлатилади. Шунингдек, грунтли тўғонлар тоғ олди зоналарида, сел келиш эҳтимоли бор жойларда қурилиб, улар аҳоли яшайдиган жойларни, қишлоқ хўжалик экин майдонларини ва халқ хўжалик обьектлари ва бошқаларни сел талофатидан сақлайди.

Грунтли тўғонлар дарёдан сув оладиган иншоотлар таркибида киради, ҳамда дарё ўзанининг ортиқча қисмини беркитиш учун хизмат қилади. Баъзан дарё оқимини маълум томонга йўналтириш мақсадида ҳам шундай тўғонлар қурилади.

Грунтли тўғонларнинг асосий ва муҳим афзаллиги шундан иборатки, уларни барпо этишда маҳаллий қурилиш материали грунт ишлатилади. Бу материални қазиб чиқариш учун карьеерлар юзаларини очиш ишларига маблағлар сарфланади ва бу маблағлар иншоот умумий баҳосининг бир қисминигина ташкил этади.

Қуйидаги афзалликлар бўйича грунтли тўғонлар кенг тарқалган:

- 1) ҳар қандай географик худудларда қуриш мумкинлиги;
- 2) сейсмик худудларда мустаҳкамлик ва устиворликни таъминлаш имконияти борлиги;
- 3) қурилиш худудида мавжуд бўлган ҳар қандай грунтни ишлатиш имконияти мавжудлиги;
- 4) грунтни қайта қўмиш, кўчириш, ётқизиш ва зичлаштириш ишларини механизациялаштириш мумкинлиги;
- 5) вақт мобайнида грунт танасидаги грунтларнинг илгари хоссаларини йўқотмаслиги; 6)

бошқа тўғонларга кўра арzonлиги;

- 7) ҳар қандай баландликдаги тўғонни барпо этиш мумкинлиги.

Шу билан бир қаторда грунтли тўғонлар қуйидаги камчиликларга эга:

- 1) тўғон устидан тошқин сувларини ўтказиб бўлмаслиги;
- 2) тўғон танаси орқали фильтрация сувларининг ўтиши, унинг танасини деформациялашишга шароит яратиб бериши;

3) баъзи бир грунтлар учун катта миқдордаги фильтрация сувларининг йўқолиши фильтрацияга қарши маҳсус қурилмаларни қуришни тақозо этади.

Грунтли тўғонларнинг лойиҳасини тузишда ва уларни қуришда куйидаги асосий талабларни инобатга олишимиз керак:

1) тўғоннинг турли хил ишлаш шароитларида унинг ён қияликлари сирпаниб кетмаслиги, ҳамда унинг заминини мустаҳкам бўлишни назарда тутиб, унга тегишли кўндаланг кесим ўлчамлари берилиши;


2) тўғон танаси ва унинг қирғоқ билан туташган жойидан сизиб ўтадиган фильтрация сувлари дренаж қурилмаларига тутиб қолиниб, пастки бъефга тушириб юборишни таъминлаш;

3) тошқин сувлари тўғон устидан ошиб ўтмаслиги учун сув ташловчи иншоотлар максимал тошқин сувларини ўtkазиб юборишни таъминлаш;

4) шамол таъсирида ҳосил бўладиган тўлқин ва атмосфера таъсирида тўғон қияликларини бузилишдан сақлаш мақсадида улар қопламлар билан мустаҳкамланиб қўйилиши зарур;

Грунтли материаллардан қуриладиган тўғонлар доимо устидан сув ўтказмайдиган бўлади: уларнинг устидан сув ўтказиш фақат баландлиги паст бўлган тўғонлар учун йўл қўйилади (мувофиқ чоралар кўрилганда).

Тўғон створининг юқори қисмидаги сув оқимларини гидроузел юқори бъефи, створдан пастдагисини пастки бъеф деб аталади. Тўғон ёрдамида юқори бъефда сув димланиши натижасида сув омбори ҳосил бўлади (2.1-расм).



2.1-расм. Грунтли материаллардан барпо этиладиган тўғонли сув омбори гидроузели схемаси:

1 ва 2-юқори ва пастки бъефлар; 3-тўғон; 4 ва 5 - сув омборидаги фойдали ва фойдаланилмайдиган ҳажмлар H - сув чукӯрлиги; H_T - тўғон баландлиги.

Сув омборида уч хил сув сатҳлари мавжуд: нормал димланган сатҳ (НДС), жадаллашган димланган сатҳ (ЖДС) ва фойдаланилмайдиган ҳажм сатҳи (ФХС). Юқори бъефдаги НДС ва ФХС орасидаги ҳажмга фойдали ҳажм, ФХС пастда жойлашгани – фойдаланилмайдиган (ҳажм) деб аталади


(2.1-расм). НДС ва ФХС белгиларни сув хўжалиги ҳисоблари бўйича белгиланади.

НДС белгиси оқим ҳажми, сув омборининг ҳавзаси топографияси ва талаб этиладиган фойдали ҳажмидан келиб чиқиб аниқланади.

ФХС белгиси сув омборининг хизмат қилиш муддатига ва уни лойқа босиш жадаллиги, санитария талаблари ва агар фойдали ҳажм асосан ўзи оқар суғориш учун ишлатиладиган бўлса, суғориш майдонига сувни эркин оқиб чиқиши сатҳларига боғлиқ бўлади.

Тошқин даврларида нормал сатҳдан юқорида бўладиган сатҳга жадаллашган сатҳ деб аталади. Сатҳни жадаллашганлиги гидроузел таркибидаги ростланмайдиган (автоматик) сув ташлаш мавжуд бўлган ҳолатлар учун зарур бўлади; у сув омборидаги тошқин гидрографини трансформация қилиш (шакллантириш) йўли орқали сув ташлаш иншоотларини асосий ва текшириш ҳисобларини камайтириш имконини беради.

Энг катта жадаллашган сув сатҳи белгиси одатда (берилган тўғон синфи учун энг катта бўлган) текширувчи тошқин сув оқимини ўтказиш шарти бўйича, сув омбори атрофидаги ҳудудни вақтинчалик сув босишидан келадиган зарарни ҳисобга олган ҳолда, қабул қилинади.



2.2-расм. Грунтли тўғон узунлиги бўйича характерли участкалар:

a ва b-дарё водийсининг қайирли ва қайирсиз участкаси створларида; 1,2 ва 3-мосравишида тўғоннинг ўзанли, қайирли ва қирғоқли участкалари; 4-тўғон тепаси

Тўғони лойиҳалашда дарё водийси шакли ҳисобга олинади, унда иккита характерли участка кузатилади (2.2-расм, а): ўзани-асосий сув оқимлари ўзани чегарасида ёз чилласидаги сарф оқади; қайирли - тошқин пайтларида қайирнинг сув босиб кўмиладиган участкаси. Тоғ дарёлари, кичик ва вақтинчалик сув оқимлари ўзанларида қайирлар бўлмайди. Бундай ҳолда тўғон ўзан ва қирғоқ участкаларидан ташкил топади (2.2-расм, б). Бундай участкаларнинг ҳар бирида фильтрация оқими характери ҳар хил бўлади,

шунинг учун тўғон танаси ва заминида фильтрацияга қарши ва дренаж қурилмаларни лойихалашда индивидуал ёндошиш лозим.

2.2. Тўғонларнинг турлари ва синфини белгилаш тартиби

Тўғонларни қуришда ишлатилган материалига, баландлигига, қуриш усулига ва иншоот синфига кўра қуйидаги турларга бўлинади:

Материаллар бўйича: *грунтли* - асосан қумли ва гилли грунтлардан; *тош-грунтли*, кўндаланг кесимнинг бир қисми йирик бўлакли, бошқа бир қисми – майда қумлардан ёки гилли грунтлардан бажарилади; *тош* - тўкма - фильтрацияга қарши қурилмалар грунтли материалдан бўлмаган йирик бўлакли грунтдан барпо этилади.

Баландлиги бўйича: грунтли тўғонлар тўғон олдида сув сатҳи 15 м гача бўлса *паст босимли*, 15...50 м га *ўрта босимли* 50 м дан ортиқ *юқори босимли*; тош - грунтли ва тош - тўкма тўғонларда эса - 20 м гача бўлса *паст босимли*, 20...70 м гача *ўрта босимли*, 50...150 м гача *юқори босимли* турларга бўлинади.

Қуриш усули бўйича: *кўтарма* (грунт қуруқ ҳолда тўкилиб механизмлар билан зичланади ёки сувга тўкилади); *ювма* (гидромеханизация воситалари билан); *тўкма* (баланддан йирик тошларни тўкиш ёки йўналтирилган портлатиш ёрдами билан).

Грунтли тўғонлар синфи, баландлиги ва заминдаги грунт турига кўра аниқланади ва 2.1-жадвалдан қабул қилинади.

2.1-жадвал.

Грунт тўғон синвлари.

Тўғон заминдаги грунтлар	Иншоот синвлари			
	I	II	III	IV
	тўғон бандлиги, м			
Қояли	100 дан ортиқ	70 дан 100 гача	25 дан 70 гача	25 дан кичик
Қумли, йирик бўлакли, қаттиқ ва ярим қаттиқ ҳолатдаги гилли				
Гилли, сувга тўйинган пластик ҳолатда	50 дан ортиқ	35 дан 75 гача	15 дан 35 гача	15 дан кичик
	50 дан ортиқ	25 дан 50 гача	15 дан 25 гача	15 дан кичик

Эслатма: түгөнда юз берииши мумкин бўлган авариянинг катострафик оқибати масштабини асослаган ҳолда түгон синфини ошириши мумкин.

2.3. Грунт тўғонлар заминларига қўйиладиган талаблар ва уларнинг створини танлаш

Грунтли тўғонлар заминларига қўйиладиган талаблар. Грунтли тўғонларни қояли, ярим қояли ва қоямас заминларда қуриш мумкин. Заминда илли ва қўп намланган гилли грунтларнинг бўлиши, уларда ғоваклардаги босимнинг пайдо бўлишига олиб келади, шу билан бирга грунтларнинг силжишига қаршилигини камайтиради ва заминда дренаж қурилмаларни ўрнатиш тавсия этилади, ўз навбатида тўғонни қуриш жадаллиги пасаяди. Унча катта бўлмаган бундай қатламли грунтлар олиб ташланади ва тўғон азалдан мустаҳкам бўлган грунтларда қурилади. Тўғон заминида чириш даражаси 50% дан кам бўлмаган торф мавжуд бўлса, тўғоннинг кучли чўкиши мумкинлигини ҳисобга олиш лозим. Бунда чиримаган ўсимликлар илдизлари, ер остида яшовчи жониворлар ҳосил қилган йўлакларни олиб ташлаш талаб қилинади ёки бу грунтларни кейинроқ нотекис чўкиши рўй бермаслиги аниқ бўлса, гербицидлар билан ишлов берилган маҳсус сув ўтказмайдиган элементлар билан тўйинтирилади.

Қояли заминлар сифатини баҳолашда катта ёриқлар мавжудлиги ва улар тез ювиладиган майда фракцияли грунтлар билан тўлдирилмаганлиги ва тўлдирилганлиги, тектоник бузилишлар, кучсизланган зоналарнинг борлигига эътибор беришимиз керак.

Тўғон створини танлаш. Тўғон қуриладиган жой гидроузел таркибига кирувчи асосий иншоотлар жойлашуви вариантларининг техник-иктисодий таққослаш асосида танланади. Бунда қуйидаги асосий омиллар ҳисобга олинади;

1) топографик, тўғон узунлиги ва баландлигини аниқлайди. Бошқа бир хил шароитларда тўғон створи сув оқимлари ўзанининг тор ерида горизонталларга тик қилиб жойлаштирилади. Ушбу ҳолатда иш ҳажмлари энг кам миқдорда бўлади.

2) муҳандислик - геологик, грунтларнинг мустаҳкамлик тавсифлари, уларнинг сув ўтказувчанлиги ва қатламланиш ҳосил бўлиш баҳоланади. Сув омборлари ҳавзаларидаги грунтларнинг сув ўтказувчанлиги, уларнинг ўзаро жойлашуви ва қатламларнинг пассайиши (тушиши) катта аҳамиятга эга. Кўпинча сув омбори ҳавзаси ва тўғон заминидаги грунтларнинг муҳандислик - геологик тузилиши тўғон створини танлашда ҳал қилувчи асосий омиллардан бири ҳисобланади;

3) гидрогеологик, сув омборини тўлдириш, тошқин пайтидаги ортиқча сувларни пастки бъеф тушириб юбориш масалаларини ҳал қилади.

4) сув ташловчи иншоотнинг жойлашуви гидроузел нархига ва уни эксплуатация қилишга таъсир этади.

5) ҳар хил омиллар, бу қурилиш давридаги сарфларни ўтказиш, йўл тармоғи, санитар талаблар, электр энергиясини олиб келиш, иншоотларни қулай эксплуатация қилиш ва бошқалар.


Тўғон створини танлашда йўл тармоғининг мавжудлиги, гидроузелнинг қиймати нархи кўрсаткичлари, уни ишга тушириш муддати, иншоотни қулай эксплуатация қилиш, электр узатувчи тармоқлар, темир-бетон маҳсулотлари заводларининг узоқлиги ва бошқалар ҳисобга олинади. Барча бу омиллар вариантларни таққослаш йўли билан асосланади.

2.4. Тўғон ўркачи отметкасини аниқлаш

Тўғон тепасининг сатҳ белгисини аниқлашда ҳавзада шамол таъсирида пайдо бўладиган сув тўлқининг баландлигини ҳисобга олиш лозим. Тўғон тепаси сатҳининг сув омбордаги ҳисобий сув сатҳидан кўтарилиш баландлиги d куйидаги ифода бўйича аниқланади:

$$d = \Delta h_{set} + h_{run,1\%} + a, \quad (2.1.)$$

бунда Δh_{set} - шамол таъсирида сувнинг кўтарилиш баландлиги; $h_{run,1\%}$ - шамол тўлқинининг қияликка урилиб чиқиш бандлиги; a - конструктив захира қиймати, 0,5 м ва 0,1 $h_{1\%}$ - қийматлардан бирининг катта миқдори қабул қилинади; $h_{1\%}$ - тўлқинининг 1% таъминланганлик бўйича кўтарилиш баландлиги.



2.4 - расм. Тўғон тепасининг сатҳ белгисини аниқлаш схемалари:

а-парапетсиз; б-парапет билан; 1-ҳисобий статик сатҳ; 2-тўлқинининг ўртача чизиги; 3- тўғон тепаси; 4-парапет тепаси

(2.1) ифодани иккита ҳисобий ҳолат учун қўллаш мумкин:

1) сув сатҳи НДС да ёки ундан юқорида бўлган ҳолат учун (юкланиш ва таъсирларнинг асосий биримаси);

2) максимал сув сарфини ўтказишда сув сатҳи ЖДС бўлган ҳолат учун (юкланиш ва таъсирларнинг асосий бирикмаси).

Күтарилиши баландлигини НДС бўйича аниқлашда бир йил давомида кузатиладиган шамол тезлигининг 1% ли таъминланганлиги, ЖДС қўлланилганда - кузатиладиган максимал сатҳда 50% таъминланганлик бўйича қабул килинади.

Бунда ҳавза, чүкүр сув зоналари ($H > 0,5\lambda_m$), бунда ҳавза туби түлқин параметрларига таъсир қилмайды ва саёз сув зоналари ($H < 0,5\lambda_m$) га бўлинади.


Шамол таъсирида пайдо бўладиган тўлқин баландлиги кетма-кет яқинлашув услуби билан аниқланади.

$$\Delta h_{set} = K_\omega \frac{g_\omega^2 L}{g(H + \Delta h_{set})} \cos \beta, \quad (2.2)$$

бунда K_ω - шамол тезлигига боғлиқ коэффициент; ϑ_ω - сув сатхидан 10 м баландликдаги шамол тезлиги, м/с; L - шамол түлкүнининг ҳайдалиш узунлиги, яъни шамол йўналиши бўйича сув омбори узунлиги, м (2.5-расм); H - сув омборидаги сув чукурлиги, м; g - эркин тушиш тезланиши, м/с²; β - сув омбори бўйлама ўқи билан шамол йўналиши орасидаги бурчак

ϑ_ω , m/c	20	30	40	50
K_ω	$2,1 \cdot 10^{-6}$	$3 \cdot 10^{-6}$	$3 \cdot 10^{-6}$	$4,8 \cdot 10^{-6}$

(2.2) ифоданинг маҳражидаги Δh_{set} қиймати H га нисбатан жуда кичик бўлганлиги учун, уни нолга teng деб қабул қилинади ва ҳисоблар $\vartheta_\omega, L, H, \alpha$ ларнинг маълум қийматлари учун бажарилади.



2.5 - расм. Шамол параметрларини ҳисоблаш схемаси:

a-шамоллар тавсифи; *b*-сув омбори плани; 1-түйгөн створи; 2-ҳавза ўқи.

Чуқур сув зоналарида тўлқиннинг ўртача параметрлари $h_m(m)$, $\lambda_m(m)$ ва $T_m(c)$ қуийдаги тартиб аниқланади:

1. ўлчамсиз комплекслар ҳисобланади.

$$\xi = gL/\vartheta_\omega \text{ ва } \tau = gt/\vartheta_\omega,$$

бунда t - шамол таъсир этишининг давомийлиги, маълумотлар бўлмаганда $t = 21600$ сек қабул қилинади.

2) юқори букилган эгри чизик графиги 1 бўйича (2.6-расм) ε ва η қийматлари аниқланади, худди шундай τ қиймати бўйича ε ва η аниқланади.

3) ε_{\min} ва η_{\min} минимал қийматлари бўйича $T_m = \frac{\varepsilon_{\min}\vartheta_\omega}{g}$ ва $h_m = \frac{\eta_{\min}\vartheta_\omega^2}{g}$ ҳисобланади.


4) T_m нинг маълум бўлган қийматида ўртача тўлқин баландлиги аниқланади:

$$\lambda_m = gT_m^2/(2\pi). \quad (2.3.)$$

5) i % ли таъминлаш бўйича тўлқиннинг кўтарилиш баландлиги қуийдаги ифодадан аниқланади:


$$h_i = h_m K_i, \quad (2.4.)$$

бунда K_i - коэффициент, ξ қиймати ва i_d ҳисобий таъминланишдаги тўлқин баландлиги бўйича аниқланади (2.7-расм, а).



2.6 - расм. Шамол тўлқинининг параметрларини аниқлаш графиклари:

1-чукур сув зоналари учун букилган эгри чизиклар; 2-саёз сув зоналаридаги эгри чизиклар.



2.7-расм. K_i (а), ҳамда α ва β (б) коэффициентлари графиклари

Саёз сув зоналарида тўлқиннинг тахминий баландлиги $h_{d,est}$ ва унинг тахминий баландлиги $\lambda_{m,est}$ ва унинг ўртача баландлиги $\lambda_{m,est}$ ни қўйидаги ифодадан аниқлаш мумкин:

$$h_{d,est} = h_i \beta; \quad \lambda_{m,est} = \lambda_m \alpha, \quad (2.5)$$

бунда α ва β - коэффициентлар, графикдан аникланади (2.6-расм, б).

Шамол тўлқинининг қияликка урилиб чиқиш баландлигини 1% ли таъминланишдаги кўтарилиши қўйидаги формуладан аниқланади.

$$h_{run,1\%} = K_{ep} K_{sp} K_{run} K_\beta h_1, \quad (2.6)$$

бунда K_{ep} - қиялик қопламасининг тури ва нисбий ғадир-будирлик $\delta = d_{50} / h_{1\%}$ боғлиқ бўлган коэффициент; d_{50} - қиялик қопламаси материали заррасининг ўртача диаметри; бетонли (темир-бетонли) плиталар учун $K_{ep} = 0,9$; $\delta < 0,02$ бўлганда гравийли - галечникли қоришка, тош ва бетонли блоклар учун $K_{ep} = 0,9$ $\delta = 0,01$ $K_{ep} = 0,79$; $\delta = 0,02$ $K_{ep} = 0,72$; $\delta = 0,05$ $K_{ep} = 0,56$; $\delta = 0,1$ $K_{ep} = 0,45$; $\delta = 0,2$ $K_{ep} = 0,33$; K_{sp} - шамол тезлигини ва қияликнинг ётиқлиги $m_h = ctg \alpha_1$ ни хисобга оловчи коэффициент; $\vartheta_\omega \geq 20m/c$ ва $m_h = 1...2,3...5$ ва 5 дан ортиқ бўлса мос равища $K_{sp} = 1,4$; 1,5; 1,6; ётиқлик m_h нинг ўша қийматларида ва $\vartheta_\omega \leq 10m/c$ бўлганда $K_{sp} = 11; 1,1; 1,2$; K_{run} -қиялик ётиқлиги m_h ни ва тўлқиннинг ётиқлиги $\lambda_m / h_{1\%}$ ни тавсифлайдиган коэффициент, графиклар (2.8-расм) дан аникланади; K_β - тўлқин фронтининг тўғонга β бурчак остида келишини хисобга оловчи коэффициент [β -ҳавзанинг бўйлама ўқи билан шамол йўналиши орасидаги бурчак (2.5-расмга қаранг)], $\beta = 0...20^\circ$ бўлганда $K_\beta = 1...0,96$; $\beta = 20...40^\circ$ бўлганда $K_\beta = 0,96...0,87$; $\beta = 40^\circ$ бўлганда $K_\beta = 0,82...0,76$;

$i\%$ - ли таъминланишдаги шамол тўлқинининг қияликка урилиб чиқиш баландлиги

$$h_{ruu,i\%} = h_{ruu,i\%} K_{i,ruu}, \quad (2.7)$$


бунда $K_{i,ruu}$ - қияликка урилиб чиқиш баландлиги бўйича таъминланишни хисобга оловчи коэффициент, $i = 0,1; 1; 2; 5; 10; 30; 50\%$ бўлганда мос равища $K_{i,run} = 1,1; 1,0; 0,96; 0,86; 0,76; 0,68$.

Тўғон ўркачи отметкаси (TTC) қўйидаги формуладан аникланади

$$\nabla TTC = \nabla HDC + d \quad \text{ва} \quad \nabla TTC = \nabla ЖДС + d \quad (2.8)$$

Тўғон ўркачидаги бетонли ёки темир - бетонли парапетнинг ўрнатилиши, унинг юқори қисми хисобий сув сатҳидан d масофада баланд қилиб

ўрнатилади. Парапетнинг ўрнатилиш тўғон ўркачини пастроқ қилиб ўрнатишга имкон беради, бу ўз навбатида тўғон танаси ҳажмини камайтиришга олиб келади. Бунда тўғон ўркачи отметкаси максимал сув сарфининг энг юқори сув сатҳидан пастда жойлашмаслиги керак ўз навбатида НДС дан 0,3 м юқори ва ЖДС дан пастда бўлмаслиги керак.




2.8-расм. K_{zup} коэффициенти графиги:

a-0,1 дан 3,0 гача бўлганда қияликнинг ётиклиги $m_h = \operatorname{ctg} \alpha_1$; *б*- $m_h = 3$ дан 40 гача. Инишоот олдидағи чуқурлик $H < 2h_{1\%}$ бўлганда тўлқиннинг ётиклиги $\lambda_m / h_{1\%}$ қийматлари қавс ичida кўрсатилган бўйича аниқланади.

4.5. Грунтли тўғонларнинг таснифи ва конструктив элементлари

Умумий таснифдан ташқари грунт тўғонлар кўндаланг кесими конструкцияси, заминдаги фильтрацияга қарши қурилмалар ва тўғон танасига грунтни ётқизиш усули бўйича ҳам турларга бўлинади.

Күндаланг кесими конструкцияси бўйича грунтли кўтарма тўғонлар олти хил турга ажратилади: 1) бир жинсли – тўғон танаси бир хил жисндан ташкил топади (2.9-расм); 2) ҳар хил жинсли – тўғон танаси турли грунтдан ташкил топади; бунда грунтлар шундай жойлаштириладики, тўғоннинг сув ўтказувчанлиги юқори бъефдан пастки бъеф томонга ошиб боради (2.9-расм, б), баъзан сув ўтказмайдиган грунтни тўғон кесимининг марказий қисими жойлаштирилади; 3) грунтмас материалли экран билан - асфальтобетон, полимер плёнкалар ва бошқалардан (2.9-расм, в); 4) грунтли экран билан – тўғон танаси катта сув ўтказувчанликка эга бўлса, юқори қиялик бўйича жойлаштирилади (2.9-расм, г); 5) грунтли ядро билан – кўндаланг кесимини ўрта қисмига ёки юқори бъеф томонга силжитиб жойлаштирилади (2.9-расм, д); 6) грунтмас материалли диафрагма билан - бетон, полиэтилен плёнка, асфальтобетон, темир - бетон шу кабилардан бажарилади (2.9-расм, е).




2.9-расм. Грунт тўғон турлари:

а-бир жинсли грунтдан; б-ҳар хил жинсли грунтдан; в-грунтмас материалли экран билан; д-грунтли ядро билан; е-диафрагма билан; 1-юқори қиялик; 2-қиялик қопламаси; 3-тўғон тепаси; 4-пастки қиялик; 5-тўғон танаси; 6- дренаж банкети; 7-товоң; 8-ўтиши зоналари; 9-марказий призма; 10-ҳимоя қатлами; 11-экран; 12-юқори призма; 13-ядро; 14-пастки призма; 15-диафрагма; b_T - тўғон ўркачи кенглиги; B_T - тўғон пастки қисми кенглиги; H_T - тўғон баландлиги; $m_1 = \operatorname{ctg} \alpha_1$; $m_2 = \operatorname{ctg} \alpha_2$.

Заминдаги фильтрацияга қарши қурилмалар бўйича (2.10-расм) грунтли тўғонларнинг қуидагилари мавжуд: 1) тишили - чиқиб турадиган грунтли, сув ўтказмайдиган қатламгача етмайди; 2) қулфли - чиқиб турадиган

грунтли, заминдаги сув ўтказувчи грунт қатламини кесиб ўтади ва сув ўтказмайдиган қатlamга ўйиб киргизилади; 3) *диафрагмали* - деворли, заминдаги сув ўтказмайдиган грунт қатламини кесиб ўтади; 4) бирга қўшилган *тиши* ва *диафрагмали*, бунда заминдаги чуқур бўлган сув ўтказадиган қатламлар кесиб ўтилади; 5) *инъекцияли тўсиқ пардали* - фильтрацияга қарши деворли, заминдаги грунтга цемент ва бошқа боғловчи материални юбориш натижасида ҳосил бўлади; 6) *осилиб турувчи инъекцияли тўсиқ парда* - сув ўтказмайдиган қатламгача етмаган тўсиқ парда; 7) *понурли* - кам сув ўтказадиган горизонтал тўшак, одатда экран бирга қўлланилади.



2.10-расм. Грунтли тўғонлар заминларидағи фильтрацияга


қарши қурилмалар:

a-тиши; б-қулф; в-диафрагма (шпунтли девор); г-бирга қўшилган диафрагма ва тиши; д-сув ўтказмайдиган қатламгача етказилган инъекцияли тўсиқ парда; е-осилиб турувчи инъекцияли тўсиқ парда; ж-понур экран билан.

Грунтни ётқизиши усули бўйича грунтли тўғонлар қуйидагиларга бўлинади: 1) қуруқ ҳолда тўкилган грунтни қатламларга бўлиб механизмлар билан зичланади; 2) пионер усули билан барпо этиладиган - механизмлар билан зичланмаган грунт сувга тўкилади; 3) музлаган қўтарма тўғонлар - музлаган сочилувчан грунтдан барпо этилади ёки қуруқ ҳолда тўкилган грунт қатлами сув билан бостирилади ва уни механизмлар билан зичланади.

2.5.1. Түғоннинг кўндаланг профили ва унинг қияликларини белгилашга қўйиладиган талаблар

Түғонни лойиҳалашда мустаҳкам ва иқтисодий жиҳатдан афзал профил танланади. Түғон профилининг ўлчамлари түғон баландлигига, заминдаги грунтларнинг тавсифига, қурилиш шароитлари ва эксплуатация талабларига боғлик. Түғон кўндаланг профили трапеция шаклдаги зич грунтли кўтарма кўринишида бўлади. Түғон кўндаланг кесимининг характерли элементлари 2.11-расмда кўрсатилган.



2.11-расм. Грунтли түғон кўндаланг профили:

1-түғон танаси; 2-түғон товони; 3-юқори қиялик бермаси; 4-қоплама таянчи; 5-юқори қиялик қопламаси; 6-түғон тепаси; 7-пастки қиялик қопламаси; 8-пастки қиялик бермаси; 9-дренаж; 10-кулф; 11-грунтнинг табиий юзаси; 12-сув ўтказувчи грунт; 13-сув ўтказмайдиган қатлам.


Түғон тепаси. Одатда түғон тепасидан транспорт қатнайдиган йўл мўлжалланади, унинг ўлчамлари меъёрий хужжатлар талабларига амал қилинган ҳолда белгиланади. Түғон тепаси кенглиги йўл тоифасига боғлик. Ҳар хил категорияли автомобил йўллари кўндаланг кесимларининг асосий параметрлари 2.2 - жадвалда келтирилган.

2.2 - жадвал.

Автомобил йўллари кўндаланг кесимининг асосий параметрлари

Йўл тоифаси	Кенглиги, м		
	транспорт қатнайдиган қисм	йўл четлари	грунт тўкилган қисм
I	15,0	3,75	27,5
II	7,5	3,75	15
III	7,0	2,5	12
IV	6,0	2,00	10
V	4,5	1,75	8

Агар түғон тепасидан йўл мўлжалланмаса, унинг кенглигини, баландлиги паст ва ўрта түғонларда 4,5 м дан ва баландлиги юқори бўлган түғонлар учун 6 м дан кам бўлмаган қийматларда қабул қилинади. Транспорт қатнайдиган қисм қопламаси йўл тоифасига мувофиқ бажарилади. Уни кумли, гравийли ва шебенли грунтли тўшама устига ётқизилади. Агар түғон тепаси гилли грунтлардан ташкил топган бўлса, уни музлашдан ёки қуриб қолишдан сақлаш учун зарралари боғланмаган грунт қатлами ётқизилади. Тўғон тепаси ҳимоя қатлами қопламаси қалинлиги шу худуддаги грунтнинг мавсумий музлаш чуқурлигидан кам бўлмаслиги керак.



2.12-расм. Тўғон ўркачи конструкцияси:

1-темир-бетон плитали қоплама; 2-ёмғир, жала сувларини туширувчи қувур; 3-парапет; 4-кабелларни ётқизисиши канали; 5-асфальтбетон қоплама; 6-устунлар; 7-шагал-қум аралашмали тўшама.

Тўғон тепаси транспорт қатнайдиган қисмининг тўғри чизиқли учаскаларига икки томонга йўналган нишаблик берилади, унинг қиймати қоплама турига боғлиқ ҳолда 1,5...4% га teng қилиб қабул қилинади. Йўл четлари нишабликлари 1...3% га кўп бўлади. Тўғон тепаси четларида тўлқиндан ҳимоя қилувчи парапет (юқори бъеф томонидан) ёки йўл четларига ҳар хил кўринишдаги тўсувчи қурилмалар (устунлар, қозиклар, деворлар ва бошқалар) ўрнатилади. Тўғон тепаси конструкцияси 2.12-расмда келтирилган.

Тўғон қияликлари. Дастробеки лойиҳалаш босқичларида грунтли тўғонлар қияликлари ўхшаш бўлган иншоотлар қурилиш ва эксплуатациясига асосланиб қабул қилинади. Қабул қилинган қияликлар, қияликка таъсир этувчи кучларни ҳисобга олиб устиворликка текшириллади ва зарур бўлган ҳолларда аниқлаштириллади.

Заминидаги گрунт мустаҳкамлиги түғон танасидаги گрунтдан мустаҳкамлигидан кам бўлмаган гил ва қумли گрунтлардан курилган گрунтли түғонлар қиялигининг ўртача қийматлари 2.3-жадвалдан келтирилган.


2.3-жадвал.

Грунтли кўтарма түғонлар қияликларининг тахминий қийматлари

Қиялик	Тўғон танаси грунтлари	Тўғон баландлиги, м		
		5 гача	5 дан 10 гача	10 дан 15 гача
Юқори	$\begin{cases} \text{гилли} \\ \text{кумли} \end{cases}$	2,0	2,5	3
Пастки: дренажли	$\begin{cases} \text{гилли} \\ \text{кумли} \end{cases}$	2,5 ^x ; 2	3; 2,5 ^{xx}	3 ^x
дренажсиз	$\begin{cases} \text{гилли} \\ \text{кумли} \end{cases}$	1,5; 2	1,75; 2	1,75; 2
		1,75	2	2,25
		2	2,25	2,25

*x-экрансиз ёки экранни юпқа тўғонлар учун;
xx-тўғоннинг олди қисми соғ ва қумоқ گрунтлардан иборат бўлган ҳол учун*


Тўғон баландлиги ошган сари, уларнинг қияликлари ётикроқ олинади. Баландлиги 10 м гача бўлган тўғонлар қияликлари қиймати доимий қабул қилинади (2.13-расм, а). Кўтарма ҳажмини камайтириш учун қияликлар қийматини ўзгарувчан қабул қилиш мақсадга мувофиқдир, яъни замин яқинида каттароқ ва тўғон тепаси яқинида кичироқ. Тўғон баландлиги бўйича ҳар 10...15 м дан сўнг қияликлар ўзгариши белгиланади, ўзгариш юқори қиялик учун 0,5 м ва пастки қиялик учун 0,25 м қабул қилинади. Қияликлар ўзгаришини бермасиз (2.13-расм, б) ёки бермали (2.13-расм, в) қилиб бажариш мумкин.



2.13-расм. Түғон қияликлари:
а-доимий; б-бермасиз ўзгарувчан; в-бермали ўзгарувчан.

Түғоннинг юқори қиялиги баландлиги бўйича доимо сув остида бўлганилиги учун унинг қиялиги пастки қияликка нисбатан ётиқроқ бажарилади.

Бермалар (2.14 – расм) түғон қопламларининг ҳолатини кузатиш ва уларни таъмирлаш ишларини бажариш, ҳамда фильтрация йўлини узайтириш учун түғон замини кенгайтириш вазифасини бажаради. Бермалар юқори ва пастки қияликларда қурилади.



2.14-расм. Бермаларни түғон қияликларда жойлашувчи:

1-кювет; 2-сувни чиқариб ташловчи нов; 3-юқори қиялик қопламаси;
4-пастки қиялик қопламаси; 5-берма.

Юқори қияликка бермалар қурилиш шароитларидан келиб чиқсан ҳолда ўрнатилади. Бермаларда қияликка темир-бетонли плиталарни жойлаштириш учун кранлар ўрнатилади ва улар плиталарни қурилиш жойига етказишида автомобиллар учун йўл вазифасини бажаради. Бермаларни қиялик ўзгарган

жойларга ўрнатилади. Юқори қияликлардаги бермалар қопламалар учун тиргак вазифасини бажаради.

Пастки қияликни ёмғир ва қор сувлари ювіб кетмаслиги учун түғон баландлиги бүйіча ҳар 10...15 м дан кейин кенглиги 2...3 м, зарур бўлган ҳолларда кенглиги 6 м гача бермалар қурилади. Берма ички томонига пастки қияликдан оқиб келаётган сувларни ташлаб юбориш учун кюветлар ўрнатилади, улардан сув новга чиқарып юборилади. Берма четлари чим ёки бетон билан қопланади.

Юқори қияликларни мустаҳкамлаш. Юқори қияликка ҳар хил турдаги кучлар таъсир қиласы, уларнинг асосийларидан бири тўлқин таъсири кучаларидир. Тўғон юқори қиялигини бузилишидан сақлаш учун тош, бетон, темир-бетон, асфальт-бетон ва биологик қопламалари қўлланилади. Юқори қиялик икки хил тартибда: асосий (оғир) ва енгил конструкциялар билан мустаҳкамланади. Фойдаланиш даврида юқори қияликнинг сув тўлқинининг максимал кучи таъсири остида бўлган қисми оғир конструкциялар билан мустаҳкамланади.

Тўғон қияликлари тош билан мустаҳкамланганда аввало қиялик сиртига тескари фильтр ўрнатилади, ёки 60...70% қисми шағалдан иборат кум-шағал аралашмаси солиб тайёрланган қияликка тошлар ташланади (2.15-расм, а) ёки терилади (2.15-расм, б) ёки бетон қутилар тош билан тўлдирилади (2.15-расм, в). Қияликларни мустаҳкамлаш учун ишлатилади тошлар тури мустаҳкам, совуққа ҳамда сув таъсирига чидамли бўлиши керак.

Тўлқин таъсирига устивор бўлган тошнинг оғирлиги қуйидаги формуладан аниқланади


$$Q_T = \eta \cdot \mu \frac{\rho_T \cdot \rho_c h^2 \lambda}{(\rho_T - \rho_c) \sqrt{1 + m^2}} , \quad (2.9)$$

бунда η - захира коэффициенти, сараланган тўкилган тош учун 1,5, тоғ массаси учун 2 га teng; μ - рақамли коэффицент, тўкилган тош тош учун 0,025 га teng; ρ_T ва ρ_c - мос равищда тошнинг ва сувнинг ҳажм массаси.

Тўкилган тош қалинлиги $3D_{uu}$ миқдорида қабул қилинади, бунда D_{uu} – шарга келтирилган диаметр, қуйидаги формуладан аниқланади.

$$D_{uu} = 0,9\sqrt[3]{Q_T} . \quad (2.10)$$

Грунтли тўғонлар юқори қияликларини териб ётқизиладиган тош билан мустаҳкамлаш йўл қопламлари сингари бажарилади. Улар бир қатламли ва икки қатламли бўлиши мумкин. Тош томонлари 1:2 нисбатгача бўлади, у узунроқ понасимон шаклда бўлади.



2.15-расм. Грунтли түғонлар юкори қияликларини мустаҳкамлаштурлари:

а-түкілган тош; б-икки қатlam терилған тош; в-тош билан тұлдирилған бетон құтилар; г-бетон плиталар; д-биологияк мустаҳкамлаш; е-мустаҳкамлашнинг пастки охирги қисмидаги; ж-чок остига ўрнатылған тескари фильтр; 1-түкілган тош; 2-сараланған шағал; 3-құм-шағал аралашмаси; 4-құм; 5-плита; 6- тескари фильтр; 7-дренаж тирқиши; 8-арматура; 9-темир-бетон түшак; 10-түкілған грунт.

Түлкін таъсирига устивор бўлган териб ётқизиладиган тош
қатламининг қалинлиги қўйидаги формуладан аниқланади

$$\delta = 1,7h \frac{\rho_c}{\rho_T - \rho_c} \frac{\sqrt{1+m^2}}{m(m+2)} \quad (2.11)$$

Тошни териб жойлаштирилганда, унинг сарфи кам бўлади, лекин тўғон деформацияланса, терилган тошнинг конструкцияси бузилиб кетади. Бундан ташқари, тош терилганида у танлаб жойлаштирилади ва бу ишни механизациялаштириб бўлмайди. Паст босимли тўғонларда бундай конструкциядан фойдаланиш мумкин.

Бетон ва темир-бетон билан тўғон қиялиги яхлит ёки тайёр плиталар билан мустаҳкамланади. Плиталар қалинлиги 8...10 дан 15...20 см гача, ўлчамлари 1,5 x 1,5 дан 5,0 x 5,0 м гача қабул қилинади (2.15-расм, г).

Уларни тескари фильтр туридаги тушак устига ўрнатилади ва плиталар бир - бири билан шарнирли қилиб бирлаштирилади. Қияликка плиталар ўрнатилгандан сўнг, улар цемент қоришмалари билан бирлаштирилиб, катта плиталар ҳолига келтирилиши мумкин. Плиталар ўртасидаги чоклар асфальт-бетон ёки маҳсус тайёrlанган резиналар ёрдамида яхлитланиб. Агар плиталар ўртасидаги чоклар очик ҳолда бўлса, чоклар остига тескари фильтр ўрнатилади (2.15-расм, ж).

Бетон ва темир-бетон плиталарнинг ўлчамлари ҳисоблар асосида қабул қилинади. Бетон плита қалинлиги қўйидаги формуладан аниқланади.

$$\delta = 0,07\eta h \frac{\rho_c}{\rho_{n_l} - \rho_c} \sqrt[3]{\frac{\lambda}{B}} \frac{\sqrt{m^2 + 1}}{m}, \quad (2.12)$$

бунда B - плита ўлчами; η - коэффициент, момнолит плиталар учун-1,0, ийғма плиталар учун - 1,1 қабул қилинади; ρ_{n_l} - плита массасининг ҳажм оғирлиги.

Темир-бетонли плиталар ўлчами кран юк кўтариш қобилиятини ҳисобга олган ҳолда белгиланади.


Бетон қутиларга тош солиб, қияликни мустаҳкамлаш конструкцияси бетон қутилардан иборат бўлиб, улар шахмат қўринишида жойлаштирилади. Бу конструкциянинг бир қанча афзаликлари бор: 1) бетон қутиларни завод шароитида тайёrlаш, қутиларни тош билан тўлдириш, ҳамда тескари фильтрларни қуриш ишларини механизациялаштириш имкониятлари борлиги туфайли қурилиш ишлари арzonга тушади; 2) қиялик битта қути атрофида тузилади. Бу эса қимматга тушадиган таъмирлаш ишларини кескин қисқартиришга олиб келади.

Юқори қияликларни мустаҳкамлашда иккита чегара ўрнатилади: 1) юқори - ҳисобий сув сатҳидан баландда; 2) пастки - сув омборидан сув чиқарилганда минимал сув сатҳи остида. Юқори қиялик икки тартибда: оғир ва енгил конструкциялар билан мустаҳкамланади. Фойдаланиш даврида юқори қияликнинг сув тўлқини максимал сув таъсири остида бўлган қисми

асосий асосий оғир конструкциялар билан мустаҳкамланади. Асосий конструкциялар билан тўғоннинг тепасигача мустаҳкамланади, агар тўғоннинг тепаси билан сувнинг ҳисобий сатҳ белгиси орасидаги масофа катта бўлса, тўлқиннинг баландлигига қадар асосий конструкция билан ва қолган қисми енгил конструкция билан мустаҳкамланади.

Асосий мустаҳкамлашнинг пастки чеграси ФХС дан ҳисоблангандан $a = 2h_{run,1\%}$ га teng чуқурликда пастда жойлаштирилади ($h_{run,1\%} - 1\%$ таъминланганликда тўлқин баландлиги). Бунда мустаҳкамлашнинг пастки чегараси сув остидаги муз қиррасидан муз қатламиининг ярмига teng бўлган масофада бўлиши керак.

Мустаҳкамлаш тиргаклари. Мустаҳкамлашнинг устиворлигини ошириш учун тиргаклар қўлланилади. Уларни мустаҳкамланмаган қияликка ўтиш жойларида ва бермаларда ўрнатилади (2.16-расм). Улар қияликдаги қопламани ўпирилиб тушишига қаршилик кўрсатади ва унинг пастки қисмини ювилишдан сақлайди. Берманинг ўрнатилиши тиргакларни ўрнатишни осонлаштиради ва уларни ишончлироқ қиласди.




2.16-расм. Тиргак конструкциялари:

а, б, в-қияликда; г, д-бермада; 1-терилган тош; 2-тошли тиргак; 3-ёгочли тиргак (девор); 4-темир-бетонли плита; 5-бетонли тиргак; 6-қоплама остидаги тўшама.

Бермаларнинг ФХС дан юқори горизонтал участкалари тўғоннинг қияликлари сингари мустаҳкамланади. Бетонли тиргаклар монолит ва йифма бажарилади, уларни арматуралаш ва монтаж ишлари учун шароитлар яратиш кўзда тутилади.

Пастки қияликларни мустаҳкамлаш. Пастки қияликлар шамол, атмосфера ва бошқа таъсирлар натижасида нурайди. Бу таъсирлар натижасида қоплама билан ҳимояланмаган қияликлар деформацияланади. Пастки қияликларни мустаҳкамлашнинг энг оддий ва арzon усули ўт экиш ва чим бостиришdir. Гилли ва қумли грунтларда ўтларни тез ўсишини тезлаштириш учун қиялик юзасига 10...12 см қалинликдаги ўсимликли грунт қатлами тўкилади. Ўтлоқли қопламалар ўтларнинг илдиз тизими мустаҳкам ўрнашгандан сўнг, яни бир йилдан кам бўлмаган муддатда ўзининг ҳимоя хоссаларини намоён қила бошлайди. (2.17-расм, б).

Қияликларни ўт экиб ва чим бостириб мустаҳкамлашда ўтлар ўниб чиқиши учун қулай шароитлар бўлганда қўлланилади. Иқлими иссиқ ва кучли шамоллар бўлган худудларда қияликлар қалинлиги 10...20 см ли гравий - галечники грунтлар тўкиб ҳимояланади. Сув билан ювиладиган пастки қиялик участкалари юкори қиялик сингари мустаҳкамланади. Пастки қияликка сувнинг ўзгариши ва тўлқин таъсирлари чегарасида тошли ёки қия дренаж ўрнатилади (2.17-расм, в).



2.17-расм. Грунтли тўғонлар пастки қияликларини мустаҳкамлаш турлари:

а-ўт экиши; б-чим бостириши; в-тошли дренаж; 1-ўсимликлик грунт қатлами; 2-экилган ўт; 3-чим клеткалар; 4-ёғоч тахталар.

2.5.2. Тўғон танасидаги фильтрацияга қарши элементлар

Фильтрацияга қарши қурилмалар грунтли ёки грунт мос материалдан қурилади. Уларнинг вазифаси тўғон танаси ва замини орқали ўтадиган сувни фильтрацияга йўқолишларини камайтириш, гидравлик градиентларни

пасайтириш, ҳамда пастки қиялик устиворлигини оширишdir. Уларни қуриш учун оғир соғ тупроқлар, гиллар, гилли бетонлар, бетон ва темирбетон полиэтилен пленкалар қўлланилади.


Фильтрацияга қарши қурилмалар асосан грунтли тўғон турига, тўғон танаси ва заминдаги грунтлар тавсифига, қурилиш жойида кам фильтрация коэффициентига эга бўлган грунтлар борлигига, тўғон баландлигига, сув ўтказувчи қатлам қийматига ва ишни бажариш шароитига кўра танланади.

Грунтли ядролар гил ёки оғир соғ тўпроқдан барпо этилади. Ядро кўндаланг кесими ўқи одатда вертикал лойиҳаланади ва тўғон кўндаланг кесими ўқига тўғри келади (2.18-расм, а). Ядро ўқи тўғон ўқига нисбатан юқори бъеф томонга силжиган бўлиши мумкин ва у қия ҳолатда бўлади (2.18-расм, б).

Ядро кўндаланг кесими трапеция шаклида бўлиб тубига қараб кенгайиб боради. Ядрони қия қилиб бажарганда фильтрация кучи камаяди ва қуруқ грунт ҳажмини ошиши ҳисобига пастки қиялик устиворлигини ошириш мумкин. Ядро юқориси қалинлиги ишларини бажариш шароитида келиб чиқсан ҳолда 0,8 м дан кичик олинмайди, пастки қисми эса ядродан кейин дипрессия эгри чизиги сатҳи бўйича қуидаги формуладан аниқланади:

$$\delta_n = \frac{\Delta H}{J_{\dot{u},k}} , \quad (2.13)$$

бунда ΔH -ядродан олдин ва ундан кейин сув сатҳи фарқи; $J_{\dot{u},k}$ -йўл қўйиладиган градиент.



2.18 – расм. Вертикал (а) ва қия (б) ядроли тўғон:


1-ядро; 2-тии; 3-ўтии қатламлари

Ядро юқориси ЖДС дан юқори қилиб жойлаштирилади ва ўз навбатида унинг юқорисидан тўғон тепасигача бўлган масофа музлаш чукурлигидан кичик бўлмаслигини ҳисобга олиш керак. Ядро ва тўғон танаси ўртасига юқори ва пастки томонлардан ўтиш зоналари ўрнатилади, ҳар бир қатлам қалинлиги иш шароитларини ҳисобга олган ҳолда қабул қилинади.

Ўтиш зоналари кўп қаватли бўлганда тескари фильтр вазифасини бажаради. Фильтр қалинлигининг ҳар бири ҳисоб бўйича аниқланади. Баланд ва ўрта баландли тўғонларда ўтиш зоналари қалинлиги 3...4 м га етади, паст тўғонларда эса 0,6 м ни ташкил этади.

Грунтли экран ва понурлар (2.19-расм) кам сув ўтказадиган грунлардан бажарилади (одатда соғ тупроқлар, гиллар ёки гилли бетонлар). Грунтли экран юқори бъеф қиялиги томонидан жойлаштирилади. Экран тўғон танасига жойлаштирилганда экран сиртидаги ҳимоя қатламни силжишига устиворлигини, ҳамда экран билан бирга ҳимоя қатламни тўғон танаси бўйича устиворлиги таъминланиши керак. Экран юқориси қалинлиги 0,8 м дан катта ва тагининг қалинлиги (2.13) ифода ёрдамида аниқланади.

Экран юқориси сатҳ белгиси тўлқиннинг шамол таъсирида ҳайдалиш ва қияликка урилишини ҳисобга олган ҳолда ЖДС дан юқори қилиб белгиланади. Экран устига музлаш чукурлигидан кам бўлмаган зарралари боғланмаган грунт ётқизилади.



2.19-расм. Тўғон экран ва понур билан (а) ва понурсиз (б):


1-экран; 2-тиш; 3-понур; 4-ҳимоя қатлами; 5-депрессия эгри чизиги; б-понурсиз экранли тўғон; b_0 -экрандаги грунтни зичлайдиган коток кенглиги; Р -НДС дан ФХС гача пасайганда қарши босим.

Асфальтбетон экранлар гидротехник асфальт бетондан ёки полимер асфальтбетондан бажарилади. Улар бир вақтнинг ўзида юқори қиялик қопламаси вазифасини ҳам бажаради. Бир қатламли ва икки қатламли экранлар конструкцияси қияликларини мустаҳкамлаш конструкцияларига ўхшаш (2.15-расмга қаранг). Уч қатламли экранлар анча юқори босимлар ва юқори бъефдаги сув сатҳи ўзгариши катта бўлганда қўлланилади.

Экранлар текисланган қияликларга асфальт ётқизгич ёрдамида 2,0...2,5 м кенглика ётқизилади ва виброкатоклар билан 110...140⁰C иссиқ ҳолда зичланади. Механизмлар қиялик бўйича тўғон устида ўрнатилган чиғирлар ёрдамида силжитилади. Экранларда деформация чоклари ўрнатилмайди.

Плёнкали экранлар (полиэтиленли) плёнка матосини пайвандлаш, елимлаш йўли билан бажарилади. Бундай экранлар қалинлиги 0,3...0,5 м ли қумли тушама устига ётқизилади ва қалинлиги 0,5 м дан кам бўлмаган қумли ҳимоя қатлами билан қопланади. Ётқизиладиган ва қопланадиган грунт фракциялари йириклиги 6 мм дан кичик бўлмаслиги керак. Кемирувчилар ва ўсимликлар плёнкага зиён келтирмаслиги учун тушамага ва ҳимоя қатламига ишлатиладиган грунтларга маҳсус ишлов берилади. Тўғон танаси чўкиши натижасида плёнкани узилишига йўл қўймаслик учун компенсаторлар мўлжалланади.

Бетонли диафрагмалар В20 синфдан кам бўлмаган бетондан бажарилади. Баъзан уларнинг кўндаланг кесим ўқи қияликнинг юқори четидан ўтувчи вертикал қилиб жойлаштирилади (2.20-расм). Бу диафрагмалар юқори қисми қалинлиги 0,5...0,7 м белгиланади: ён қирралари вертикал ўққа бироз қия қилиб (20...1)...(10...1) нишабликда бажарилади. Диафрагмаларда ҳарорат - чўкиш деформациялари эҳтимоли бўлишни ҳисобга олиб, уларни бўйлама ва кўндаланг чокларга ажратилади.



2.20 - расм. Бетонли диафрагма:

а-диафрагма схемаси; б-диафрагма конструкцияси схемаси; 1-қоя; 2-гил; 3-дренаж; 4-сув чиқарувчи тармоқ; 5-инъекциялы түсік парда

Диафрагма кўп сув ўтказмаслиги учун унинг олди томони гидроизоляция билан қопланади. Диафрагма орқали сизиб ўтган сувларни тутиб қолиш учун, унинг пастки томонига баъзан йирик заррали материалдан бажарилган вертикал дренаж қатлами жойлатирилади. Баландлиги юқори бўлган тўғон бетонли диафрагмалари қўшимча вертикал қувурли дренаж билан таъминланади, шу билан бирга диафрагма танасида горизонтал назорат галерейлари ўрнатилади.

Асфальтбетон диафрагмалар вертикал ёки қия девор кўринишида бўлади. Диафрагмалар қўйма, пластик ёки зичланадиган майда заррали гидротехник асфальтбетондан бажарилади. Баъзида қўйма асфальтбетонга тош (унинг ҳажмидан 30...40 %, шу билан бирга тош ўлчами диафрагма қалинлигини учдан биридан катта бўлмаслиги керак) аралаштирилади. Асфальтбетон диафрагмалар қалинлиги (0,02...0,03) H га тенг қилиб олинади (бунда H - тўғонга таъсир қилувчи босим), аммо 04...0,6 м дан кам бўлмаслиги керак. Диафрагманинг юқори ва пастки томонларидан хар бирининг қалинлиги 0,5 м дан катта бўлмаган бир ёки бир нечта қумли ёки гравийли грунтли ўтувчи қатламлар ўрнатилади. Қатламлар сони тўғон таянч призмалардаги грунтнинг фракцион таркибига боғлиқ.

Металл диафрагмалар листли пўлатни пайвандлашдан ҳосил бўлган металл шпунтлар қатори кўринишида ёки тўсиқлар кўринишида бажарилади. Бундай диафрагмаларда металлни коррозиядан ҳимоялаш учун

гидроизоляция билан қопланади. Шпунтли диафрагмалар алоҳида қозиклари бир - бири билан тушаган жойларидан зичлагичлар ўрнатилиши керак.

Кўриб чиқилган у ёки бу турдаги фильтрацияга қарши қурилмаларни ушбу муайян ҳол учун юқорида келтирилганларни ҳисобга олиб, ҳамда тўғон танаси варианларини техник - иқтисодий таққослаш асосида қабул қилинади.

2.5.3. Тўғонлардаги дренаж тармоқлари ва уларнинг конструкциялари

Грунт тўғонларда дренажлар депрессияси эгри чизигини пасайтириш, фильтрация оқимини қияликка чиқишига йўл қўймаслик ва тўғон танаси орқали ўтадиган фильтрация сувларини пастки бъефга чиқариб юбориш учун хизмат қиласди.

Юқоридаги келтирилган дренаж бажарадиган ишлардан келиб чиқсан ҳолда, дренаж иккита асосий қисмга бўлинади: қабул қилувчи ва чиқариб юборувчи. Қабул қилувчи қисм бир неча қатламдан ташкил топган қум, шағал ёки шебендан, ҳамда ғовакли бетондан ёки синтетик толали материалли тескари фильтрдан иборат. У тўғон танаси ҳамда унинг заминидан келадиган фильтрация оқимини қабул қиласди. Чиқариб юборувчи қисм тирқишли қувурдан ёки тасмасимон йирик шебен ва тошдан ташкил топади. У фильтрангандан сувни тўғон чегарасидан чиқариб юборади.

Дренажларни лойиҳалашда тўғон танаси ва заминдаги грунтларнинг тавсифлари, уларни суффозия хоссалари ва дренаж зонасидаги фильтрация шароитлари ҳисобга олинади. Тўғон танаси ва заминини дренаж билан бирлаштиришда тескари фильтр ўрнатилади. Дренаж конструкциялари техник-иқтисодий варианларни таққослаш асосида қабул қилинади.

Гидротехника иншоотлари амалиётида жуда кўп дренаж конструкциялари қўлланилади. Қуйида уларнинг асосийларини келтирамиз.

Дренаж призмаси. Қурилиш худудида тошлар етарли бўлганда тўғоннинг ўзанли участкасида призма шаклида дренаж қурилади (2.21-расм, а). Дренажлар тош тўқмалар кўринишида бўлади ва улар пастки қиялик учун таянч вазифасини ҳам бажаради. Дренаж усти сатҳ белгиси, пастки бъефдаги сув сатҳи ва тўлқин баландлигини ҳисобга олган ҳолда 0,5 м захира билан таъминланади. Дренаж пастки бъефда сувнинг ўзгарувчан сатҳида ишлайди. Дренаж тепасининг кенглиги ишни бажариш шароитларини ҳисобга олиб 1,0 м дан катта қилиб ташланади ички қиялиги $m_{dp} = 1\dots 1,5$ ва ташқи қиялиги $m''_{dp} = 1,5\dots 2,0$ қабул қилинади.

Қатламли дренаж пастки қияликка тескари фильтр қатламларининг ётқизилиши кўринишида бўлади (2.21-расм, б). У дренаж сифатида ишламайди ва депрессия эгри чизигини пасайтирумайди. Қатламли дренаж пастки қияликни фильтрация деформацияларидан ҳимоя қиласади.

Комбинациялашган дренаж - дренаж призмаси билан қатламли дренаж бирикмасидир (2.21-расм, в). Пастки бъефда дренаж призмаси - бермасидан сув сатҳи қисқа муддатли юқорига кўтарилиганда қўлланилади.


Горизонтал ясси дренаж тескари фильтр қатламларидан ташкил топган тўшамадан иборат (2.21расм, г), у тўғон танаси ва заминни дренажлашга имкон яратади. Пастки бъефда сув бўлмаган ҳолларда қўлланилади ёки сув сатҳидан юқорида жойлаштирилади.

Қия-горизонтал дренаж (2.21-расм, д) пастки бъефда сув келиши эҳтимоли бўлганда қўлланилади.

Комбинацияланган дренаж – горизонтал ва дренаж призмаси бирикмасидир (2.21-расм, е), депрессия эгри чизигини пасайтириш ва заминни дренажлаш учун қўлланилади. Уни пастки бъефда қисқа муддатли сув кўтарилишда ҳам ишлатилади.

Тасмасимон дренаж горизонтал дренажнинг бир кўринишидир (2.21-расм, ж). Бунда кенг тўшама энсиз тасма билан алмаштирилади ва у қабул қилувчи қисм вазифасини бажаради. Бу турдаги дренажлар тасматага тушувчи фильтрация сувларини чиқариб юбориш учун мўлжалланади.


Қувурли дренаж пастки бъефда сув бўлмаган ҳолларда қўлланилади ёки сув сатҳидан юқорида ўрнатилади (2.21-расм, з). Дренажнинг қабул қилувчи қисми ғалвиракли (перфорацияланган) асбестоцемент, пластмасса ёки бошқа материалли қувурлардан иборат. Қувурнинг диаметри қувурдаги сувнинг босимсиз ҳаракати шарти бўйича ҳисоблар асосида белгиланади. Қувурнинг энг кичик диаметри 0,2 м қабул қилинади ва ҳар 50...200 м дан кейин дренаж йўналиши бўйича назорат қудуқлари ўрнатилади.



2.21-расм. Грунтли түғонлар дренажларининг асосий турлари:

а- дренаж призмаси; б-қатламли дренаж; в- дренаж призмаси билан қатламлы дренаж бирикмаси; г-горизонтал ясси дренаж; д-қия-горизонтал дренаж; е- дренаж призмаси билан горизонтал дренаж бирикмаси; ж-тасмасимон дренаж; з-қувурли дренаж; 1-депрессия эгри чизиги; 2-пастки қиялик қолламаси; 3-тасмасимон дренажсинг қабул қилувчи қисми; 4-тасмасимон дренажсинг чиқариб юборувчи қисми; 5- қувурли дренажсинг қабул қилувчи қисми; 6-дренажсинг чиқариб юборувчи қисми.

Фильтрация оқими дренаж зонасиға яқинлашишида босим градиентлари ошади ва бу ўз навбатида түғон танаси ва замин грунтларида фильтрация деформацияларининг юз беришига олиб келади. Дренажни бундай деформациялардан ҳимоя қилиш учун тескари фильтрлар ўрнатилади. Фильтр ҳимоя қилаётган грунтлар фильтр қатламларининг маълум бўлган $\gamma_{sp}, \gamma_m, \varphi, n$ тавсифлари асосида танланади. Бунда грунтларнинг донодорлик таркибини ифодоловчи эгри чизиклар кўрсаткичларидан ҳам фойдаланилади. Дренажларда қўлланиладиган тескари фильтрлар куйидаги асосий турларга бўлинади (2.22-расм).




2.22 - расм. Тескари фильтрларнинг турлари:

a-фильтрация оқими юқоридан пастга йўналган, грунт зарралари оғирлиги йўналишига тўғри келади; б-фильтрация оқими пастдан юқорига йўналган, грунт зарралари оғирлигига тескари; в-фильтрация оқими йўналиши тескари фильтр қатламларига паралел.

Фильтрларни танлашда иккита ҳолат бўлиши мумкин: биринчиси - карьеरдаги грунт параметрлари маълум ва таркибнинг донодорлик эгри чизиқлари берилган; ҳисоб бўйича бу грунтларнинг фильтрлар учун ишлатилиши аниқланади; иккинчиси - гранулометрик таркиб бўйича маълумотлар йўқ, уларнинг эгри чизиқлари фильтрация деформациялари бўлмаган ҳолат учун аниқланади.

Тескари фильтрларни танлаш услублари. Тескари фильтр қатламларига қўйиладиган асосий талаблар қўйилади: етарли даражада сув ўтказувчанлик, грунт зарраларининг бир қатламдан иккинчисига ўтиб кетмаслиги ва кольматация бўлмаслиги. Тескари фильтрларни В.С.Истомина ишлаб чиқсан графиклар бўйича танлаш мумкин (2.22 - расм).



2.22 - расм. Грунтли тўғонлар дренажлари учун тескари фильтр қатламларини танлаш графиклари:

a-пастга йўналган фильтрация оқими учун; б-юқорига йўналган фильтрация оқими учун; в-богланган грунтлар билан туташган жойда қатламларга ажralган ҳол учун; 2,1-мос равишда йўл қўйиладиган ва йўл қўйилмайдиган бўлмайдиган тавсифлар области; 3,4- мос равишда зарралари силлиқ ва қирралли грунтлар учун эгри чизиқлар.

Уларни қуриш график майдонини иккита областга бўлиш принципига асосланган - йўл қўйиладиган (эгри чизик пастида) ва йўл қўйилмайдиган (эгри чизик юқорисида). График бўйича грунт тавсифлари қўйилади; агар улар йўл қўйиладиган қийматлар областида кесишса, фильтр учун грунтни ишлатиш мумкин.


2.6. Тош - тўқма (тош) тўғонлар

Ишлаб чиқариш усулига кўра ва тўғон конструкциясининг кўндаланг кесими профили бўйича қуйидаги турларга бўлинади: тош - тўқма; ярим тўқма; уларда тўғон танасининг бир қисми, пастки қиялик томонидан тўкилган тошдан, юқори қиялик томонидан эса-қоришишмасиз ва қоришишли терилган тошдан бажарилади. Охирги иккита усул грунт материалли тўғон қурилишида кенг қўлланилади.

Фильтрацияга қарши қурилмаларни жойлашувига кўра тош-тўқма тўғонларнинг иккита тури мавжуд - экранли ва диафрагмали тўғонлар (2.23 - расм).

Экранли тўғонлар. Уларнинг хилма-хил конструкциялари мавжуд бўлиб, призма кўринишдаги тўкилган тошни ифодалайди. Уларнинг юқори қияликлари сув ўтказмайдиган бетон, темир - бетон, асфальтбетон, полимер материаллар, баъзида пўлат ёки ёғочдан бажарилган экран билан қопланади. Экран махсус тўшама қатлами экран остидаги тўшама устига ётқизилади.

Экран остидаги тўшама қоришишмасиз терилган тош, бетон ёки яхши зичланган майда тош ва шебендан бажарилади. Тўшама қалинлиги экран материалига, тўшама материалининг йириклигига, тўғон баландлигига ва ишлаб чиқариш шароитларига боғлиқ. У ўзгарувчан қалинликда бўлади, тўғон тепасида 1 м дан кам бўлмаслик шарти асосида қабул қилинади, асоси эса 0,005...0,08 тўғон баландлигига тенг белгиланади.




2.23 - расм. Тош-тўқма тўғон турлари:

а-грунтмас материалли экранли; б-диафрагмали; 1-тўғон танаси; 2-цементли тўсиқ парда; 3-бетонли тиши; 4-темир-бетонли экран; 5-экран остига терилган тош; 6-юқори призма; 7-диафрагма; 8-ўтиши қатламлари (зоналари); 9-пастки призма

Бикр экранларда бетон бевосита экран остидаги терилиганды тошга ёткизилади. Улар баландлыги унча катта бўлмаган қояли заминлардаги тўғонларда кўлланилади. Бикр экранлар ҳарорат чоклари билан 10...12 м ли панелларга бўлинган темир - бетон плитадан иборат. Плиталарга якка ёки жуфт арматуралар ўрнатилади. Арматураларнинг миқдори 0,5 дан 1 % гача етади. Экран остидаги таянчдан ажралиб қолмаслиги учун арматурани хар 1,2...1,5 м масофада ўрнатилган анкерга боғлаб қўйилади. Плиталар экран ости танячига ўрнатилган блокларга ўрнатилади.

Ярим бикр экранлар. Улар бикр экранлардан ҳарорат чоклари билангина эмас, балки эластик чўкиш ва сув ўтказмайдиган чоклар билан фарқланади. Пластиналар битум билан қопланган бетон плитага ўрнатилади. Экран ости таянчининг чўкишига қарамай, битум қатлами экраннинг ўзида сирпанишга имкон беради (2.24 - расм). Плиталар туташган жойлари эгилувчан ва сув ўтказмайдиган бўлиши керак. Чокларнинг шпонкалари мис пластиналардан ёки маҳсус профилли резинадан бажарилади. Чоклар асфальтбетон ва асфальтмастика ёки ғовакли резиналар билан тўлдирилади.




2.24 - расм. Ярим бикр темир-бетонли экранли тош-тўкма тўғон:

а-тўғон конструкцияси; **б-**экранни замин билан туташтириши; 1-тўклиганды тош; 2-қалинлиги $t = 1,0$ м ли текисланган шебенли тўшама; 3-битум мастикаси билан қопланган қалинлиги $t = 5$ см ли бетон тўшама; 4-экран; 5-бетонли тиши; 6-цементли тўсиқ парда; 7-гравий-қумли фильтр; 8-аллювий; 9-қоришмасиз терилиганды тош; 10-қоя; 11-агдарилган тупроқ қатлами; 12-ўт экилган ўсимликли грунт; 13-резинали шпонка; 14-ғовак резинали прокладка; 15-битумли мастика

Эгилувчан экранлар асосан сейсмик худудларда барпо этиладиган баланд тўғонларда қўлланилади. Улар бир нечта қатlam қилиб ўрнатилган, томонларининг узунлиги 3...9 м ва қалинлиги 8...18 см ли темир-бетон плиталардан иборат бўлади. Плиталар ўртасидаги ишқаланиш кучини камайтириш, экраннинг сув ўtkазиш қобилиятини камайтириш мақсадида плиталар ички юзаларини битум билан қопланади. Алоҳида плиталар ва экраннинг устиворлигини таъминлаш учун, уларни экран остидаги тўшама ўрнатилган анкерларга боғланади. Қатlamли экран схемаси 2.25 - расмда кўrsатилган.

Металл ва ёғоч экранлар нисбатан кам қўлланилади. Улар бошқа экранларга нисбатан қатор афзаликларга эга - тўкилган тош чўкиши билан бирга осон дефорацияланади, сув ўtkазмайди, тез барпо этилади. Экранни экран остига терилган тошга ўрнатилган анкерга бириктирилади.

Асфальтбетон экран чоксиз бажарилади. Улар бир ёки бир нечта қатlamли асфальтбитумли монолит қоплама кўринишида бўлади, уларнинг қалинлиги 8...10 дан 30 см гача ўзгаради.



2.25 - расм. Қатlamли экран схемаси:

1-ўзгарувчан қалинликдаги пастки плита; 2-зичлагичлари бўлмаган плита чоклари; 3-узлуксиз арматура; 4-доимий қалинликдаги юқори плита; 5-битум билан қопланган плита юзаси; 7-мис шпонка; 8-анкер


Полимер материалли экранлар кичик ва ўрта баландликдаги тўғонларда қўлланилади. Уларни қуриш учун полимер плёнкалар, алоҳида ҳолларда листли материаллар ишлатилади. Плёнкали экран рулонли ёки листли полимер материалларни пайвандлаш ёки елимлаш билан ҳосил бўладиган яхлит мато кўринишида бўлади.

Экранни полимер элементи қуёш нуридан тўлқин ва музларнинг механик таъсиларидан ҳимоя қилиш лозим. Бунинг учун экран плёнкасини

ёки листли материални ғрунтли химоя катлам билан қопланади ёки уни монолит ёки йифма-бетон плиталари орасига түшалади.

Дифрагмали түғонлар. Диафрагмалар асфальтбетон, полиэтилен плёнкалар ва баъзида темир - бетон ва бошқалардан қурилади (2.26 - расм). Асфальтбетон ва плёнкали диафрагмалар кенг қўлланилади. Асфальтбетон диафрагмалар конструкциялари ва улар билан бирлаштириш грунтли түғонлардаги қурилмалар билан бир хил. Плёнкали диафрагмалар вертикал түғри ёки эгри-буғри чизикли (зигзаг) қилиб бажарилади. Уларни қояли заминлардаги тиш билан маҳсус сиқадиган металл қурилмалар ёрдамида туташтирилади.

Экранни замин билан туташтириш. Ёриқлари күп бўлган қояли заминларда жойлашган тош - тўқма тўғонлардаги экран билан цементли тўсиқ пардалар узлуксиз яхлит деворни ифодалashi керак. Экран билан тўсиқ парда туташган жойда бетонли тиш ўрнатилади. Туташган жой бикр бирлаштирилади ёки шарнирли конструкцияли бўлади. Бикр туташтиришда экрандаги арматура бетонли тишга бирлаштирилади.



2.26-расм. Асфальтбетон диафрагмали түғон:

а-түгөн конструкцияси; б- диафрагмани түгөн замини билан бирлаштириши; 1-түкілган тош; 2-асфальт диафрагма; 3-ұтувчи қатлам (фильтр); 4-гравийлы призма; 5-цементли түсік парда; 6-бетонлы тиши; 7-гил; 8-қоя; 9-аллювий; 10-юқори қурилиши перемичкаси; 11-гравий-құмлы фильтр; 12-иссиқ асфальтлы мастика қатлами

2.7. Тош - грунтли түғонлар


Ишлаб чиқарыши усулига күра тош грунтли түғонлар күттарма, ташлама ва йүналтирилгандай портлатиш билан барпо этладиганларга бўлинади.

Конструкцияси ва кўндаланг кесимида жойлашган ўрнига кўра тош грунтли тўғонлар қуийдаги турларга бўлинади: грунтли экранли, грунли

ядроли юқорида жойлашган грунтли призмали, марказда жойлашган призмали, инъекцияли ядроли ёки транцеяли диафрагмали (2.27-расм).

Тош-грунтли түғонларда грунтли фильтрацияга қарши элементлар ва түғон танасидаги йирик бүлакланган материаллар орасига ўтuvчи зоналар (қатламлар) ўрнатилиши зарур. Ўтuvчи зоналарнинг алоҳида қатламларини донодорлик таркиби тескари фильтр қатламларини каби танланади.

Пастки бъеф томонидаги ўтuvчи қатламларнинг вазифаси грунтли фильтрацияга қарши элементларни фильтрацион мустаҳкамлигини таъминлаштириб. Юқори бъеф томонидаги ўтuvчи қатламлар фильтрацияга қарши қурилмалардан ёриқларни контакт қатламдаги майда заррали қумлар билан тўлдириш (колматация) учун мўлжалланган. Бундан ташқари, ўтuvчи қатламлар фильтрацияга қарши элементларга кучланишларни мувофиқ тарқалишини таъминлайди.




2.27-расм. Тош-грунтли түғон турлари:

а-грунт экранли; б-грунт ядроли; в-юқорида жойлашган грунтли призмали; г-марказда жойлашган грунт призмали; д ва е –йўналтирилган портлатиш билан барпо этилган тош-грунтли түғон, мос равишида инъекцияли грунт ядроли (диафрагмали) ва экранли; 1-қияликни мустаҳкамлаш; 2-грунтли экран; 3-ўтuvчи қатламлар; 4-грунтли ядро; 5,6-юқори ва пастки призмалар; 7,8-юқори ва марказий грунтли фильтрацияга қарши призмалар; 9-портлатиб ташлаш контури; 10-ҳисобий контур профили; 11-инъекцияли ядро; 12- инъекцияли тўсиқ парда; 13-понур.

Ўтувчи зоналар учун қумли, қумли - гравийли ва гравийли-галечникили, ҳамда шебенли материаллар ишлатилади. Ўтувчи зоналар қалинликлари ишлаб чиқариш шароитлари бўйича белгиланади, аммо 3 м дан кам бўлмаслиги керак. Тўғон тепасининг кенглиги кичик бўлганлиги учун, тўғон юқори қисмидаги қатлам қалинлигини бироз камайтириш мумкин.

Грунт экранли тўғонлар. Бундай тўғонлар гравий-галечникили грунтлар ва тўкилган тош тўкиб ҳимоя қилинган, грунтли экран юқори қиялиги бўйича ётқизилган тошли призмадан ташкил топади (2.28-расм, а).



2.28-расм. Тош-грунтли тўғонларнинг кўндаланг кесимлари:

а-экранли тўғон; 1-экран; 2,3,4-ўтувчи зонанинг қатламлари; 5-тўкилган тош; 6- цементланган юза; 7-цементли тўсиқ парда; 8-қояли замин; 9-қурилиши перемичкаси; 10-экран устига тўкилган грунт; б-ядороли тўғон; 1-қурилиши перемичкаси; 2-қум-гравийли тўкма; 3-ўтиши зоналари; 4- сог тупроқли ядро; 5-бетонли плита ва цементланган юза; 6-цементли тўсиқ парда; 7-қоя; 8-қияликни тўкилган тош билан мустаҳкамлаши

Қурилиш машиналари қатновини таъминлаш учун горизонтал бўйича ҳар бир қатлам кенглигини 3 м дан кам қабул қилинмайди. Экран ва экран устига тўкилган грунт қалинлигини грунтли тўғонлариники каби белгиланади. Экранли тўғонни йилнинг ҳар қандай вақтида ҳам барпо этиш мумкин.

Грунт ядроли тўғонлар. Бундай тўғонлар таркибий қисмларига тоштўкмали ён томонлардаги призмалар (ёки қум гравийли тўқма) ва грунтли ядро киради (2.28-расм, б).

Ядро тўғон ўқига симметрик ёки юқори биеф томонга бир оз силжитилади, у вертикал ёки бироз қияроқ қилиб бажарилади. Ядро юқориси қалинлигини грунтни тўкишда қулай ишлаш шароити бўйича белгиланади, лекин 3 м дан кам қабул қилинмайди. Пастки қисм қалинлиги эса ядро қирғоқларини $m=1,1$ кенгайишни таъминлаган ҳолда аниқланади.

Ядроли тўғонлар экранли тўғонларга нисбатан сиқилган қўндаланг профилга эга, шунинг учун уларнинг ҳажми 10...12% кам. Ядро қирғоқдаги қияликлар, хамда тўғонга туташган бетонли иншоотлар билан яхши туташади. Грунтли ядроларга тўғоннинг нотекис чўкишлари сезиларсиз тасир кўрсатади. Шунинг учун ядроли тўғонлар, экранли тўғонларга кўра кўп тарқалган.

2.8. Ювма тўғонлар


Умумий маълумотлар. Агар тўғон танасига грунтни етказиб берилиши ва ётқизилишини гидромеханизация воситалари ёрдамида бажарилса, бундай тўғонларни ювма тўғонлар деб аталади. Ювма тўғонлар гидротехник қурилишда кенг қўлланилади. Тўғонни бу усулда барпо этишда минимал ишчи кучи ва механизмлар ишлатиб катта ҳажмдаги ер ишларини қисқа муддат ичida бажаришга имкон яратади. Бунда ишларнинг баҳоси тўғонни қоришмасиз ётқизиб барпо этиш усулига қараганда анча арzon бўлади.

Тўғонни ювиш учун сув манбаси зарур бўлади, чунки грунт билан боғлиқ ҳамма операциялар сув билан бажарилади.

Таснифи. *Материали ва қуриш усулига кўра ювма тўғонлар қўйидаги асосий турларга бўлинади (2.29-расм):*

1) бир жинсли (ядросиз тўғонлар), булар учун ножинслилик коэффициенти уч-тўртдан катта бўлган қумли, қумлоқ ва лессли грунтлар қўлланилади. Бундай тўғонлар қияликлари ўраб олувчи дамбалар ёки бир ёки иккала қияликдан гидромассани эркин ёйилиб оқиши натижасида мажбурий шаклланади;

2) ҳар хил жинсли, ядро гилли грунтлардан ҳосил бўлганда қумли бўлганда ва гравийли (шебенли) ёки майдо заррали грунтлар ишлатилганда. Уларнинг қўндаланг профили мажбурий шакллантирилади, ювиш икки томонлама схема бўйича олиб борилади;



2.29-расм. Ювма түғон турлари:

a, б-бір жиснли; в, г-хар хил жиснли; 1-мустақамланған юқори қиялик; 2-дренаж банкеті; 3-ядро; 4,5,6-мос равишида оралиқ, ён томондаги ва марказий майда қумлы зона; 7-қатламлы дренаж.

3) хар хил жиснли қумлы грунтлар ишлатилғанда ва марказий зона майдың құмдан ҳосил бўлғанды. Уларнинг кўндаланг кесими мажбурий ҳосил қилинади, ювиш икки томонлама схема бўйича олиб борилади.

Түғонлар учун ишлатиладиган грунтлар. Ювиш учун боғланған ва боғланмаган грунтлар ишлатилади. Ювиш учун карьердаги грунтларни дастлабки баҳолаш учун донодорлик таркиби графигидан фойдаланилади (2.30-расм).



2.30 - расм. Түғонни ювиш учун ишлатиладиган грунтлар гурухи чегаралари.

Бу графикда грунтлар бешта гурухга бўлинган ва уларнинг ҳар бирини маълум бир түғон тури учун ишлатиш мумкин. Бу түғонларни ювишда қумлы грунтлар (I гурух) афзal; майда қумлы ядроли ёки майда қумлы марказий зонали ҳар хил жиснли түғонларни ювишда қумлы ва гравийли грунтлар (II гурух) мақул. Қумок (III), соғ тупрок (IV гурух), ҳамда гравийли

ва галечникли грунтлар (V грух) техник-иктисодий асослангандан сўнг ишлатишга йўл қўйилади. Бунда қумлоқ ва соғ тупроқлар лессли грунтлар бир жинсли ёки ҳар хил жинсли тўғонларни ядроли зоналарини ювиш учун, соғ тупроқ ва гил - тўғон ядросини ювиш учун, гравийли грунтлар-таянч призмаларни ювиш учун қўлланилади.

Кўндаланг профил. Ювма грунтли тўғонлар кўтарма тўғонлардан фақат грунтни ётқизиш усулига билан фарқ қиласди. Уларнинг кўндаланг профили сунъий зичланадиган кўтарма тўғонлардаги каби бўлади.

Юқори қияликлар ёнбағирлари уларни мажбурий шаклланишида, уларни статик устиворлиги шароити бўйича белгиланади, шунинг учун у кўтарма тўғонлардаги каби бўлади. Эркин ёйилиб оқиш йўли билан шаклланадиган қияликлар ёнбағирлари боғланмаган грунтлар учун ҳарактерлидир, тахминан 2.4-жадвалдан олинади.


2.4-жадвал

Грунт	Гидроқоришма сарфи м ³ /соат бўлганда қияликнинг ўртача нишаблиги		
	< 2000	2000...4000	> 4000
Кум:			
майда	0,025	0,02	0,01
ўртача йириклида	0,03	0,025	0,015
йирик	0,035	0,03	0,025
гравийли	0,055	0,04	0,035
Гравийли	0,07	0,055	0,045

Грунтни карерда қазиш ва пульпа (қуйқа) ни ювиш карталарига узатиш. Грунтни қазиш усули сув сатҳига нисбатан жойлашувига ва карьерни уни қурилиш майдонидан узоқлигига кўра танланади. Гидромеханизация воситалари билан грунтни қазишни иккита усули мавжуд: земснарядлар билан (сув остида қазиш) ва гидромониторлар билан (ковлаб олинадиган қуруқ жойларда сув устидан қазиш). Земснарядлар билан қазилган грунт, ювиш карталарига босимли пульпа ўтказувчилар бўйича тарнспортланади. Гидромонитор усулида грунтни қазишда уни босимли пульпа ўтказувчилар ёки новлар орқали ўз оқими билан транспортланади. Баъзи бир ҳолларда, агар карьер қулай топографик шароитларда жойлашган бўлса, грунтни босимсиз ювишдан фойдаланиш мумкин. Бундай усулда қазишда грунт етарли тезликда босимсиз оқим билан ювилади ва ўз оқими билан ётқизиладиган жойга транспортланади.

Амалиётда гидромеханизация усули билан қазиши транспортлашнинг куйидаги схемалари кўпроқ учрайди:

1) карьерлар ўзандаги ёки қайирда тўғон тепасидан пастга жойлашганда грунт замснарядлар билан қазилади ва ётқизиладиган жойга босимли пульпа ўтказувчилар билан транспортиланади (2.31-расм, а).



2.31-расм. Карьерларда грунтни қазиши ва пульпани ювиш карталарига узатиш схемалари:

1-карьер; 2-земснаряд; 3-босимли пульпа ўтказувчи; 4-ювиши карталари; 5-гидромонитор; 6-новлар; 7-насос станцияси; 8-вақтингачалик оралиқдаги грунт юоми.

2) карьерлар тўғон тепасидан юқорида қурилиш жойига яқин жойлашганда грунт гидромонитор билан қазилади ва ювиши картасига ўз оқими билан қазиладиган жой чегарасидан новлар ёки пульпа ўтказувчилар орқали транспортиланади (2.31-расм, б).

3) Карьер түғон тепасидан пастда дарёдан анча узокда жойлашган бўлса грунт гидромониторлар билан қазилади, пульпани ётқизладиган жойга узатиш эса босимли пульпа ўтказувчилар ёки земснаряд ёрдамида амалга оширилади (2.31-расм, в).

4) турли карьерлардан келган грунтларни аралаштириш зарурати пайдо бўлгандан ёки карьер түғондан узоқроқ жойлашган бўлса, кўтарма түғонларни барпо қилишда ишлатиладиган механизмлар ёрдамида қурилиш жойи яқиндаги грунт уюмига грунтни ташиш ва йиғиш иқтисодий жиҳатдан мақул бўлиши мумкин. Грунтни вақтинчалик грунт уюмига ташиш 2.31-расм а да келтирилган схема асосида амалга оширилади.

Грунтларни ювиш усуллари. Ювма түғонларни барпо этишда асосан эстакадали, эстадасиз ва паст босимли усуллар қўлланилади (2.32-расм).

Эстакадали ювиш усули. Тақсимлайдиган пульпа ўтказувчилар баландлиги 5 м ли ёғоч эстакадаларда ўрнатилади. Ювиш яруси баландлигини эстакада баландлиги бўйича аниқланади. Пульпа ўтказувчилар қувури кесимиининг пастги қисмида унинг узунлиги бўйича ҳар 6 м дан кейин диаметри 150...200 мм ли тирқиши кесилади. У задвижжалар ёки затворли патрубкалар билан жиҳозланади, улар орқали пульпа ёйилиб чиқарилади. Пульпани тақсимлаш қулай бўлиши учун ёғоч ёки металл новлар қўлланилиши мумкин, улар иншоот ювиш ярусини қисқартиради, сўнгра олинади ва ювиш бевосита патрубкалар орқали олиб борилади. Баландлиги унча катта бўлмаган эстакадада тақсимловчи новлар қўлланилмайди. Навбатдаги ярус ювилгандан сўнг, фойдаланилган эстакада устунлари иншоот танасида қолдирилади ва янги эстакада қурилди.


Эстакадали ювиш усулининг афзалликларига фронт бўйича пульпани ёйиб чиқаришда уни текис тақсимлаш ва ювиш жадаллигини пасайтириш имконияти борлиги киради.

Эстакадали ювиш усулининг асосий камчиликлари: жуда кўп миқдорда ёғоч материаллари ишлатилади (1000 м^3 грунтни ювишда $1,5 \text{ м}^3$ дан кам бўлмаган), эстакадани қуришда жуда кўп кўлда бажариладиган ишлар харажати, эстакада яқинида ўраб олевчи дамбаларни барпо этиш қийинлиги, тақсимловчи пульпа ўтказувчилар ва ювиш жараёнларини бошқариш мураккаблиги.

Эстакадасиз ювиш усули. Тақсимловчи пульпа ўтказувчи карта ўқига паралел ҳолда ювилган грунт устига ётқизилади. Тақсимловчи пульпа ўтказувчи звенолардан ташкил топган. Гидроқоришима охирги қувурдан чиқарилади. Талаб қилинган қалинликдаги грунт қатлами ювига бўлингандан сўнг, пульпа ўтказувчининг охирги звеноси олиб ташланади.

Тақсимловчи пульпа ўтказувчи қисқартирилганда ювиш қатлами қалинлиги 0,2...0,3 м, ва у кучайтирилганда 0,6...0,7 м.

Эстакадасиз усул бошқа усулларга қараганда күпроқ механизациялашган ва тежамкор, ҳозирги пайтда күпроқ тарқалган. Аммо у профили тор (кенглиги 5...10 м) иншоотларни ювишда ва ювиш жараёнида кранлар ҳаракат қилиш имкони бўлмагандаги гилли грунтларни ювишда қўлланилади.



2.32-расм. Ювиш усуллари схемалари:


а-эстакадали; б-эстакадасиз; в-паст босимли; 1-дастлаб барпо қилинадиган ўраб оловчи дамбалар; 2-лойиҳавий профиль; 3-эстакада; 4-тақсимловчи пульпа ўтказувчилар; 5-экаран; 6-паст таянчлар; 7-қайтарувчи тўсиқлар; 8-гидроқоришима оқимининг ҳаракати

Паст босимли ювиши усули. Бу усул пульпани күндаланг кесими 1/3...1/4 үлчамда бир-бирига силжиган пульпа ўтказувчининг 3-4 та звеноларини чиқиши жойидан чиқариб юбориш имконини беради. Пульпа ўтказувчи баландлиги 1,5 м гача бўлган танячлардаги ўраб оловчи дамбанинг пастки қисмидан 4...5 м масофада жойлаштирилади. Бундай усулда ювилганда қатлам қалинлиги 1...1,2 м га тенг бўлади.

Навбатдаги қатлам ювилгандан сўнг танячлар кўтарилади ва маҳсус универсал машиналар билан бурғуланган янги қудукка ўрнатиласди.

Ювишнинг асосий схемалари. Уларга бир томонга ювиш, икки томонга ювиш ва мозаикали ювиш схемалари киради.

Гидроқоришима эркин ёйилганда бир томондан ювиши. Пастки қиялик томонида ўраб оловчи дамбачалар қурилади, бунда дамбачалар дренаж призмаси сифатида ишлайди. Тақсимловчи пульпа ўтказувчилар ўраб оловчи дамбачаларнинг ички қиялигига туташтириб ётқизилади. Бунда гидроқориshmани тақсимлаш эстакадали, эстакададасиз ва паст босимли усуллар билан бажарилади. Пульпа ўтказувчилардан чиқарилган гидроқоришима пастки қияликдан юқори қияликка эркин ёйилади ва ётиқроқ ювиш қиялигини ҳосил қиласди (2.33-расм, а). Гидроқоришима эркин ёйилганда грунтни ювиш схемасини юқори қиялиги мустаҳкамланмаган дамбаларни барпо этиш ҳам, бетонли иншоотлар бўшликларини сув билан ювишда, иншоот заминини тайёрлаш ва қирғокларни мустаҳкамлаш бўйича тадбир сифатида қўллаш мумкин.



2.33-расм. Тўғонни бир томондан ювиш схемалари:

а-юқори қияликка гидроқоришима эркин ёйилганда; б-юқори қиялик мажбурий шаклланганда; 1-тақсимловчи пульпа ўтказувчи; 2-ўраб оловчи дамбалар; 3-ювилши қиялиги; 4-таянч призмалар (дастлабки ўраб оловчи дамбалар).

Эркин ёйилишда нишабликлар ўртача қиймати грунт ва гидроқоришманинг сарфига боғлиқ ва 0,025...0,045 чегарасида бўлади (кумларга нисбатан кичик, гравийли грунтларга нисбатан катта).

Маҳкамланган юқори қиялик билан бир томондан ювии. Тўғон юқори қиялиги лойиҳавий бўлганда бир томонлама ювишни бажариш мумкин, чунки грунтнинг йирикроқ фракциялари гидроқоришма чиқиши яқинида, майдароқлари эса юқори қияликка тушади (2.33-расм, б).

Пастки қиялик томонидан ўраб олувчи дамбачалар барпо этилади ва олдинги схемадаги каби пульпа ўтказувчилар ётқизилади. Ҳосил бўлган юқори қиялик бўйича фильтрация дамбачалари курилади, бунинг натижасида берилган кўринишдаги профил ҳосил бўлади.

Икки томондан ювии. Тўғон кўндаланг профили боғланган грунтли ядродан (2.34-расм, а) ёки майда кумли марказий зонадан иборат бўлади.


Ювиш жараёнида ҳосил бўладиган қияликлар бўйича ўраб олувчи дамбачалар барпо этилади. Гидроқоришмани етказиб берадиган пульпа ўтказувчиларни дамбачаларнинг ички томонига туташтириб кўндаланг профилнинг икки томонида жойлаштирилади. Гидроқоришма эркин ёйилиб тўғон профилининг ўртасига қараб ҳаракат қиласи. Қияликка туташган жойда ён томондаги призмаларни ҳосил қилувчи йирик фракциялар чўкади. Унинг изидан оралиқ зоналарни ҳосил қилувчи гидроқоришмадан майда кумли фракциялар тушади, ундан кейин тиндиригич-ховуз ҳосил бўлади, унда ядрони ҳосил қилувчи майда (гилли) фракциялар чўкади. Тиндиригич-ховуз ўртасига ташловчи кудук ўрнатилади, унга сув билан бирга грунтнинг майдароқ фракциялари киради ва сўнгра кетувчи қувурлар орқали оқим тўғон контури чегарасидан ташқарига чиқариб ташланади. Тўғонни ювиш тугагандан сўнг ташловчи кудук ўша таркибли грунт билан (ядродаги) бекитилади, кетувчи қувурлар эса тўғон асосида қолади. Ядро кенглиги ҳисоблар асосида аниқланади ва тиндиригич-ховуздаги сув сатҳи билан бошқарилади. Тўғон юқори қисмини қоришмасиз усул билан бажарилади ёки грунт бўйлами ювилади.

Мозаикали ювии (2.34-расм, б). Бундай ювиш грунтларни фракцияларга ажратилмасдан кўндаланг профиль бўйича бир жинсли тўғон ҳосил бўлишига имкон беради. Мозаикали ювишда қумли ёки гравийли грунтлар ёки уларнинг аралашмасидан фойдаланилади.

Мозанкали ювиш схемаси бир-бирига паралел ётқизилган бир нечта тақсимловчи пульпа ўтказувчилардан гидроқоришмани ёйилиб чиқишини таъминлайди. Гидроқоришма чиқсан жойларда конус шаклидаги ётқизиқлар ҳосил бўлади. Кейинги қатлам баландлигини ювишда пульпа ўтказувчилар

чиқиши жойларыда гидроқоришка аралаштирилади. Мозанкали ювишни паст босимли ювиш усули билан амалга ошириш мүмкін.

Сувни ювиш картаси ўқи бўйлаб жойлашган ташловчи қудук орқали чиқариб юборилади.




2.34-расм. Икки томондан ядроли (а) ва мозаикали (б) ювишлар:

1-тақсимловчи пульпа ўтказувчи; 2-ўраб оловчи дамбалар; 3-таянч призмалар (дастлабки ўраб оловчи дамбалар); 4-ён томондаги призмалар; 5-оралиқ зоналар; 6-тиндиригич-ховуз; 7-тиндирилган сувни чиқариб ташловчи вақтингачалик сув ташлаши қурилмаси; 8-ядро


Ювма тўғонларнинг ҳисоблари.

Тўғонни ювиш жараёнида ён томонлардаги призмалар устиворлик ҳисоблари М.М.Гришин ва Б.Н.Федоров услуби бўйича 2.35; 2.36 - расмларда келтирилган схемадан фойдаланиб бажарилади. Бунда призмага таъсир этувчи кучлар мувозанати шарти кўриб чиқилади. Призмага грунтли ядро босими Q (ҳисобда зичлиги γ_1 бўлган оғир суюқлик сифатида қабул қилинади) ва зичлиги γ_2 бўлган призманинг ўз оғирлиги G_2 таъсир қиласи.

Призманинг устиворлиги силжиш тезлигига ўтказилган нормал ва тенг таъсир этувчи актив куч орасидаги ψ бурчак билан аниқланади. DE бўйича силжиш текислиги олдиндан маълум эмас ва ψ бурчаги максимум бўлганда энг хавфлиси ҳисобланади. ψ бурчаги ҳисобий формулаларга кирувчи $h, z, \gamma_1, \gamma_2, \varepsilon, \alpha, \beta$ қийматлари билан функционал боғланган.



2.35-расм. Ядрони ювиш жараёнида ён томондаги призманинг устиворлиги



2.36-расм. Ядроли тўғонларда ташқи призмалар устиворлик ҳисоби схемаси:


1-замин-соғ грунт; 2-сув ўтказадиган замин; 3-ҳовузча.

Тўғонни икки томондан ювиш усули жараёнида, агар тиндиргич-ҳовузча сув билан тўлган бўлса, фильтрация оқими юз беради ва бир вақтнинг ўзида у билан бирга ёки томондаги призмаларга йўналган куч пайдо бўлади (2.30-расм), уни уларнинг устиворлик ҳисобларида аниқланади.

Ювма тўғонлар грунтининг зарралари (донодорлиги) таркибини олдиндан айтиш. Ювма тўғонлар мустаҳкамлик, деформацияланиш ва фильтрацион тавсифлари асосан уларнинг зарралари таркибига боғлиқ. Шунинг учун лойиҳалаш жараёнида кўрсатилган тавсифларни аниқлаш учун иншоотнинг ҳар хил зоналарида грунтининг зарралари таркибини олдиндан айтиб бериш керак.

Бир жинсли қумли тўғонларни барпо этишда ножинслилик коэффициенти $K_{60/10} < 3$ бўлган грунтлар ишлатилади. Бу ҳолда ювиладиган грунт зарраларини тақсимланиши юз бермайди ва карьердаги материалнинг заррали таркиби фақат майда фракцияларни ташлаш натижасида ўзгаради (одатда $d < 0,001$ мм ли зарралар ташланади).

Ядроли тўғонларда ($K_{60/10} > 3$) майда фракцияларни ташлашдан ташқари (бундай тўғонларда $d < 0,005$ ли зарраларни ювиб ташлашга ҳаракат қилинади, чунки ядродаги кучларни бирлашиш жараёни тез рўй беради) кўндаланг профилда грунт зарраларининг тақсимланишини ҳам ҳисобга олиш керак.



2.37-расм. Зарраларни тақсимланиш ҳисоби графиги.

Зарралар таркиби тажрибада олиб борилган ювиш асосида олдиндан айтиб берилади (I капиталлик синф түғонлар учун бажарилиши шарт) ёки ўхшаш ва ҳар хил тахминий усуллардан фойдаданилади. Бундай усуллардан бири қуидагидан иборат. Майдың фракциялар ювиб ташланғандан сўнг иншоотга қоладиган энг майда грунт зарраси белгиланади, масалан $d_{min} = 0,005$ мм (2.37-расмда С нуқта), карьер материалы зарралар таркиби эгри чизиги AB ни A нуқта атрофида C нуқта устига тушгунча бурилади. Шундай йўл билан олинган AC эгри чизиги ювма тўғондаги грунтнинг ўртача таркибини тавсифлайди. CC' вертикаль кесма ювилиш фоизини аниқлайди.

Кейин d_{35} ювилган грунтга мос келадиган D нуқта атрофида DE вертикаль чизигини ўтказамиш. C нуқта атрофида AC эгри чизигини F нуқтаси билан устма-уст тушгунча айлантирамиз ва DE вертикаль чизиги билан материалнинг 85% таркиби мос келадиган ётиқ (горизонтал) чизиқни кесишиши жойида CFM чизигини ҳосил қиласмиш, уни эса тўғон ядроси ўқи бўйича донодорлик таркиби эгри чизиги сифатида қабул қиласмиш. Таянч призмаларнинг ташқи қияликларида грунтнинг донодорлик эгри чизиги A нуқта атрофида AC эгри чизигини K нуқта билан мос тушгунга қадар айлантириб DE вертикаль чизиги билан материал таркибининг 15% га тўғри келадиган горизонтал чизик билан кесишиши ҳосил қилинади.

Грунтни сувга тўкиб барпо этиладиган тўғонлар. Ювма тўғонларнинг айрим турларидан бири сифатида грунтни сувга тўкиб барпо этиладиган тўғонларни айтиш мумкин. Лёссимон кўринишдаги грунтларни сувга тўкиб барпо этиладиган тўғонларни Ўрта Осиёда қўлланилган.


Грунтли тўғонларни барпо этиш учун ва босимли иншоотларнинг фильтрацияга қарши қурилмалар (ядро, экран, понур) ни барпо этишда грунтни сувга тўкиш усули билан амалга ошириш мумкин. Бу усулнинг асосий афзалликлариға қуидагилар киради: бошқа усуллар билан ёмон

ётқизиладиган грунтларни ишлатиш мүмкінлиги; ёмғир ёғаётган вақтда ва қиши фаслларида ишни одатдаги ишлаб чыкарыш технологиялари билан олиб бориши мүмкінлиги. Бунда ётқизиладиган грунт айниңса ядро, экран ва понурларни барпо этишда зичланиш структураси юқори ва фильтрацияга қарши яхши хоссаларга эга бўлиши керак.

Грунтлар ўраб оловчи дамбалар билан тўсилган сунъий ҳовузларга қатлам-қатлам қилиб тўкилади. Иншоотларни барпо этишда тўкиладиган грунт қатлами қалинлигини: қум-гравийлар учун 4 дан 10 м гача; қум ва қумлоқ учун-4 м гача; соғ тупроқлар учун – 2 м гача; оғир соғ тупроқ ва гил учун-1 м гача тайинлаш тавсия этилади.

Грунтни сувга тўкиш усули билан барпо этиладиган иншоотлар алоҳида карталар бўйича бажарилади, уларнинг ўлчамлари жиҳозларнинг унумдорлигига ва белгиланган тўкиладиган грунт ҳажмига кўра аниқланади.

Ҳовуздаги сув чуқурлигини тўкиладиган қатлам баландлигидан кам қилиб белгиланади. Грунт сувга автосамосваллар билан пионер усулида тўкилади (2.38-расм). Ўраб оловчи дамбалар ташқи қиялигини лойиҳада қабул қилинган қиялик коэффициенти бўйича бажарилади.



2.38-расм. Грунтни сувга тўкиш схемаси:

1-тўкиладиган грунт; 2-ҳовуз; 3-ортиқча сувларни чиқариб ташлайдиган насос ёки қувур; 4-қўшини карта; 5-ўраб оловчи дамба.

Картани грунт билан тўлдириш жараёнида ҳовуздаги сув сатҳи доимий ушлаб турилади. Ортиқча сувлар марказдан қочма насослар ёки қувурлар ёки новлар билан қўшни картага ўтказиб юборилади.

Грунтни ивиши ва қўпчиши рўй бермаслиги учун уни сувга юқори жадаллик билан тўкиш керак. Кўрсатилган материалнинг сувга тўйиниши коэффициенти 0,75...0,85 дан катта бўлмаслиги керак, бир вақтнинг ўзида унинг намлиги оқиб кетиш чегарасидаги намлиқдан кичик бўлмаслиги керак.

2.9. Йўналтирилган портлатиш билан барпо этиладиган иншоотлар

Портлатиш йўналиши қирғоқ ёнбағирлари ичида штолъяларда ёки штрекларда жойлашган заряд камераларига ўрнатилган портловчи моддалар (ПМ) билан амалга оширилади. Портлатишдан сўнг грунт массаси берилган йўналишдаги керакли (ҳисобий) масофага силжийди ва белгиланган контур бўйича ётади. Гидротехника қурилишида йўналтирилган портлатиш тўғонларни, дамбаларни, перемичкаларни, тош-тўкма тўғонларда таянч призмаларни барпо этишда, ҳамда каналларни қуришда ишлатилади.


ПМ зарядини икки ярусда жойлаштириш мақсадга мувофиқдир- асосий ва ёрдамчи; охиргисини биринчи бўлиб портлатилади ва асосий зарядга яхши йўналишни таъминлайди.

Йўналтирилган портлатиш билан барпо этиладиган иншоотларнинг афзалликлари: иншоотни барпо этиш қисқа вақт ичида бажарилади; иш минимал механизмлар ва ишчилар сонини талаб қиласи; ишларни йилнинг ҳар қандай вақтида бажариш мумкин; бошқа иншоотларни барпо этишга нисбатан иншоотларнинг нархи арzon; иншоотларни барпо этишда ҳар қандай грунтларни ва тоғ жиснларини ишлатиш мумкин; дарё ўзанини тўсмасдан портлатиш ишларини бажариш мумкин; йўналтирилган портлатиш билан барпо этилган иншоотлар амалий тасдиқланган ва техник ва иқтисодий томондан исботланган.

Йўналтирилган портлатиш билан барпо этиладиган иншоотлар қатор камчиликларга эга: лойихада келтирилган ечимларига нисбатан иш ҳажмларининг кўп бўлиши; ПМ жойлаштириш учун тоғ ишларини бажариш; фильтрацияга қарши қурилмаларини барпо этиш қийин.

Портлатиб ташланадиган тўғонлар бир жинсли ва фильтрацияга қарши қурилмалари билан барпо этилади. Қулай муҳандис-геологик шароитларда, баланд қирғоқлар қояли жиснлардан ташкил топган бўлса, портлатиб-ташлама усули билан барпо этиладиган тўғонларини уларнинг иккала қирғоқларига ПМ зарядларини жойлаштириб барпо этилади.

Бундай ечим кичик Олмаатинка дарёсидаги портлатиб-ташлама усули билан барпо этиладиган тўғонни мисол келтиришимиз мумкин (2.39-расм).




2.39-расм. Олма-Ота түғонини барпо этишда йўналтирилган портлатиш схемаси:

VI...X - ўнг қирғоқдаги зарядлар; 1...10 - гача қирғоқдаги зарядлар

Агар битта қирғоқ қояли жиснлардан, иккинчиси сув ўтказадиган грунтлардан ташкил топган бўлса, портлатиб-ташлаш усули билан барпо этиладиган түғонини фильтрацияга қарши қурилмаларни экранли, понурли бажариш мумкин. Олдин битта қирғоқни портлатиш билан тош уоми ҳосил қилинади, сўнгра бир оз вақтдан сўнг фильтрацияга қарши қурилмалар барпо этилади. Агар шундай шароитлар бўлмаса ва битта қирғоқقا тик қояли массив жойлашган бўлса, портлатиш билан фақат портлатиб ташланган түғон танаси барпо этилади, сув ўтказмайдиган қисмда эса каръердаги кам сув ўтказувчан грунтлар тўкилади.

Портлатиб-ташлаш усули билан барпо этиладиган түғон танаси асосий қисми уюмдан ташкил топади. У портлатишдан кейин ҳосил бўлиб, берилган профилга мос келувчи геометрик кўринишга эга бўлмайди. Буни ҳисобга олиб, сўнгра уюмни лойиҳавий ўлчамларгача келтириш ишлари олиб борилади ва берилган ётиқликдаги қиялик текисликлари планировка қилинади.

Йўналтирилган портлатиш билан барпо этиладиган иншоотларни ёнбағирдаги ҳимоя қилувчи тиргак девор орқасида жинсни олдиндан тўкиб амалга ошириш мумкин. Бу ҳолатни, қайси бир сабабларга кўра одатдаги усуллар билан ёнбағирни портлатишни олиб бориш имкони бўлмаса қўлланилади.



2.40-расм. Ёнбағирда жинсни олдиндан ётқизиб портлатиш билан барпо этиладиган иншоотлар схемаси:

1-қирғоқнинг ёнбағири; 2-зарядни жойлаштириши құвурлари; 3-қояли қирғоқни бўлаклаши заряди; 4-тиргак девор; 5-тош омбори

Бундай ечимга Вахш дарёсидаги Нурек түғони таркибиға киравчи перемичка мисол бўлади (2.40-расм). Портлатишда уюмнинг зичлиги етарли даражада зич бўлади ва ташланган тош учун $2,1 \dots 2,2 \text{ т}/\text{м}^3$ бўлади, түғоннинг чўкиши сезиларсиз.

ПМ қўлланилганда ҳисоблар. ПМ заряд сарфи М.М.Борисков формуласидан аниқланади:

$$Q = qW^3(0,4 - 0,6n^3) \quad (2.14)$$

бунда q -ПМ солиштирма сарфи, тоғли жинснинг ёриқлиги ва қаттиқлигига кўра ўзгаради, $\text{кг}/\text{см}^3$;

$$q = q_0(500/d)^{0,4}; \quad (2.15)$$

d -ПМ эталонли солиштирма сарфи, жинснинг мустаҳкамлиги ва ёриқлигига кўра $q_0 = 0,3 \dots 1,4 \text{ кг}/\text{м}^3$. Кўп портлатишларда $q_0 = 0,0027\gamma_{nop}$; γ_{nop} -жинснинг зичлиги; n -портлатиш таъсири кўрсаткичи, $n = 1 \dots 2$.

Бир ерга тўпланган зарядлар орасидаги масофа:

$$a = 0,5W(n+1). \quad (2.16)$$

ПМ дан портлаш сейсмик таъсирларга олиб келади. У таъсир қиласидиган масофани қуидаги формуладан аниқланади:


$$R_c = 0,0275Q^{0,5}, \quad (2.17)$$

бунда Q -портлатиладиган заряднинг умуий массаси, т.

2.10. Сув омбори иншоотларини жойлаштириш

Ўрта ва юқори босимли гидроузеллар бир неча вазифаларни: ирригация, энергетика, сув транспорти, сув босишига қарши кураш ва бошқаларни бажариш учун хизмат қиласи. Юқори босимли гидроузелларга қуйидагилар мисол бўла олади. Вахш дарёсида қурилган Нурек гидроузели (2.35-расм) узунлиги 70 км, сифими 10,5 млрд. m^3 , шундан 4,5 млрд. m^3 фойдали ҳажм бўлган ўзанли сув омборини ҳосил қилди. Гидроузелни қуришдан мақсад— гидроэлектростанция билан электр энергиясини ишлаб чиқиш ва дарё оқимини ростлаш (мавсумий ва қисман кўп йиллик) орқали суформа дехқончилик эҳтиёжини қондиришдан иборат.

Створда кўп йиллик ўртacha сув оқими 20,5 млрд. m^3 ни, энг катта сув тошқини сарфи – 3900 m^3/s , гидроузелнинг 0,01% лик таъминланганликдаги ҳисобий сув сарфи 5400 m^3/s ни ташкил этади. Дарё жуда кўп чўкиндиларни ташийди: тошқин вақтида ўртacha лойқалик 3,5...4 kg/m^3 ни ташкил этади. Худуднинг сейсмиклиги 9 балл билан баҳоланади.



2.35-расм. Вахш дарёсида Нурек гидроузелини жойлаштириш схемаси:

1-тошиб тупроқли тўғон; 2-тошқин сувларини ташловчии иншоот; 3-қурилиши туннели; 4-ГЭС биноси; 5-ГЭС да келувчи туннел; 6-ГЭС да сув олувчи иншоот.

Гидроузелнинг босимли фронти баландлиги 300 м ва тепаси бўйича узунлиги 704 м бўлган ядроли тош-грунтли тўғон ёрдамида ҳосил қилинади. Фильтрацияга қарши тўсиқ парда ва ядро бетон «пробка» ёрдамида бирлаштирилади, у ядронинг «фундамент» қисмини ташкил этади. Тўғоннинг

замини навбати билан келадиган қум ва алевролит қатламларидан ташкил топган; бу тоғ жинсларининг тектоник майдалангандан зоналари ҳам учраб туради.


Тўғонни қуришда дарё ўзанида сув олиб чиқиб кетувчи иншоот котлованинг айланниб ўтган уч ярусли туннел (кўндаланг кесими 103 m^2) кўринишида қурилган. Қурилиш туннелининг биринчи яруси доимий сув ташловчи иншоот сифатида фойдаланилади. У фойдаланилмайдиган сатҳдан пастда жойлашган портал кўринишидаги кириш қисмига эга. Туннел ер остида жойлашган бинодан затворлар билан ёпилади. Худди шу туннелга бошқа бир туннелнинг юза қисмидаги каллаги орқали сув ташланади.

ГЭС биноси дарёнинг ўнг қирғоғида пастки сув тўсгичда жойлашган. Унда ҳар бирининг қуввати 300 MW дан бўлган 9 та агрегат жойлаштирилган. Диаметри 10 m бўлган учта деревацион туннел сув омборидан бошланади; уларнинг бўсағаси фойдаланилмайдиган ҳажм сатҳидан 40 m чукур жойлаштирилган. Кейинчалик ҳар бир туннел диаметри 6 m дан ва узунлиги 500 m дан бўлган турбинали сув ўтказувчиларга тармоқланади.

Нурек ГЭСи қурилиши икки навбатда олиб борилди. Тўғон баландлиги 140 m га етганда ушбу ўтувчи давр босимлари учун маҳсус тайёрланган уч агрегатдан иборат 1-навбат ишга туширилди. Гидроузел иншоотларини қуриб бориш давомида доимий агрегатлар жойлаштирилди ва фойдаланишга топширилди.

Сув йиғиши учун мўлжалланган Андижон гидроузели Қорадарё дарёсида барпо этилган (2.36-расм). Бу дарё ўлчами $250...300\text{ m}$ гача бўлган чўкиндиларга бой бўлган типик тоғ дарёси ҳисобланади. Унда сув сарфи 70 дан $1800\text{ m}^3/\text{s}$ гача ўзгаради. Ҳудуднинг сейсмиклиги 9 балл.

Тўғон сувни 110 m баландликка димлаб, ҳажми $1,75\text{ млрд. m}^3$, шундан фойдали ҳажми $1,6\text{ млрд. m}^3$ га мўлжалланган сув омборини ҳосил қилди. Топографик шароитларни ҳисобга олиб тўғон баландлигини $111,5\text{ m}$ қабул қилинган. Сувни ростлашдан мақсад-Қорадарё дарёси ва Сирдарё дарёсининг қуи қисмида жойлашган ерларни сув билан таъминлашдан иборат. Гидроузел таркибига тўғондан сўнг қуввати 100 MW бўлган гидроэлектрстанцияси қурилган; турбиналардан ўтган сув ($136\text{ m}^3/\text{s}$ гача) тўғри суғориш каналига тушади.



2.36-расм.Андижон сув омбори иншоотларини жойлашиш схемаси:

1-түғон; 2-сув ташлаши иншооти; 3-сув чиқарии иншооти.

Гидроузелнинг босимли фронтини узунлиги 965 м бўлган бетонли массив контрофорс тўғон ҳосил қиласи; бу турдаги тўғонни қурилиши гравитацион тўғонга нисбатан 30% бетонни иқтисод қилишга имкон берди. Тўғон тектоник ёриқларга (заминдаги ёриқларни тўлдириш учун 110 млн m^3 бетон сарфланган) эга бўлган қояларга (хлоритли сланецлар) тирадан икки қаторли контрофорсли 33 секциядан ташкил топган.

Сув ўтказувчи иншоотлар бетонли тўғон чегарасида жойлашган. Сув ташлаш иншоотлари уч ярусли бешта марказий секцияларда жойлаштирилган: пастки ярусда-учта вақтинчалик ва иккита доимий (курилиш сув сарфини ўтказиш учун) тешниклар, иккинчи ярусда – бешта чуқурлик тешниклари мавжуд. Тўғон тепасининг устида оралиқлари 10 м дан тўғон тепасида затворлари бўлган учта сув ташлаш иншоотлари орқали Қорадарёга 1700 m^3/s сув ташланиши мумкин. Сув сўндиригич қудуғи 109 м узунликка эга.

2.11. Тўғонлар турлари бўйича афзалликлари ва камчиликлари

Грунтли тўғонларнинг асосий ва муҳим афзаллиги шундан иборатки, уларни барпо этишда маҳаллий қурилиш материали грунт ишлатилиди. Бу материални қазиб чиқариш учун каръерлар юзаларини очиш ишларига маблағлар сарфланади ва бу маблағлар иншоот умумий баҳосининг бир қисминигина ташкил этади.

Грунт тўғонларнинг афзалликлари:

- 1) ҳар қандай географик худудларда қуриш мумкинлиги;
- 2) сейсмик худудларда мустаҳкамлик ва устиворликни таъминлаш имконияти борлиги;
- 3) қурилиш худудида мавжуд бўлган ҳар қандай грунтни ишлатиш имконияти мавжудлиги;
- 4) грунтни қайта кўмиш, кўчириш, ётқизиш ва зичлаштириш ишларини механизациялаштириш мумкинлиги;
- 5) вақт мобайнида грунт танасидаги грунтларнинг илгари хоссаларини йўқотмаслиги; 6) бошқа тўғонларга кўра арzonлиги;
- 7) ҳар қандай баландликдаги тўғонни барпо этиш мумкинлиги.

Грунт тўғонларнинг камчиликлари:

- 1) тўғон устидан тошқин сувларини ўтказиб бўлмаслиги;
- 2) тўғон танаси орқали фильтрация сувларининг ўтиши, унинг танасини деформациялашишга шароит яратиб бериши;
- 3) баъзи бир грунтлар учун катта миқдордаги фильтрация сувларининг йўқолиши фильтрацияга қарши маҳсус қурилмаларни қуришни тақозо этади.

Назорат саволлари:

1. Грунтли тўғонлар ҳақида умумий маълумот беринг.
2. Грунтли тўғонларни лойиҳасини тузишда ва уларни қуришда қанақа талаблар инобатга олинади?
3. Сув омборидаги мавжуд сув сатҳларини изоҳланг.
4. Грунтли материаллардан барпо этиладиган тўғонлар таснифини келтиринг.

Тўғон заминида қидирув ва тадқиқот ишлари таркиби нималардан иборат?

5. Тўғонлар қуриш учун мўлжалланган грунтларнинг қанақа физик – механик тавсифларини биласиз?
6. Грунтли тўғонларни барпо этиш учун ишлатиладиган грунтларга қурилиш материали сифатида қанақа талаблар қўйилади?

7. Тўғон створи қандай танланади?
8. Тўғон ўркачининг сатҳ белгиси қандай аниқланади?
9. Тўғон ўркачи сатҳ белгисини аниқлаш схемаларини тушунтиринг.
10. Грунтли кўтарма тўғонлар таснифини келтиринг.
11. Кўндаланг кесими конструкцияси бўйича грунтли кўтарма тўғонларнинг қанақа турларини биласиз?
12. Грунтли тўғонлар заминларидағи фильтрацияга қарши курилмаларни изоҳлаб беринг.
13. Грунтли тўғонлар грунтни ётқизиш усули бўйича қандай турларга бўлинади?
14. Грунтли тўғон кўндаланг профили ўлчамлари нималарга боғлик.
15. Тўғон тепаси конструкциясини тушунтиринг.
16. Тўғон қияликлари қийматлари қандай аниқланади?
17. Бермалар нима вазифани бажаради?
18. Тўғон юқори қиялигини мустаҳкамлашда мақсад нима?
19. Грунтли тўғонлар юқори қияликларини мустаҳкамлашнинг қанақа турлари мавжуд?
20. Тўғон пастки қияликлари қандай мустаҳкамланади?
21. Тўғонларнинг дренаж курилмаларини вазифаси нимадан иборат?
22. Гидротехника иншоотлари амалиётида қанақа дренаж конструкциялари қўлланилади?
23. Дренажларнинг тескари фильтрлари ҳақида маълумот беринг.
24. Грунтли кўтарма тўғонлардаги фильтрацияга қарши курилмаларни қанақа турлари бор?

III. Сув омбори таркибидаги сув чиқариш ва сув ташлаш иншоотининг турлари, вазифалари ва конструктив тузилиши.

3.1. Сув ташловчи иншоот турлари ва уларни қўлланиш шартлари.

Турли мақсадлар учун мўлжалланган ва ўзидан сув ўтказадиган гидротехника иншоотлари *сув ўтказувчи* иншоотлар деб аталади.

Устидан сув ўтказмайдиган грунт тўғонли гидроузеллар таркибида асосан икки турдаги сув ўтказувчи иншоотлар учрайди: *сув ташловчи*, *сув чиқарувчи* (сув бўшатувчи). Бу иншоотлар ўзининг вазифаси, планда ва баландлик бўйича жойлашуви ва конструк-циясининг ўзига хослиги бўйича фарқланади.

Сув омбори гидроузеллари кўп ҳолларда сув йиғиш майдонига келадиган юза оқимларни сиғдира олмайди. Сув омбори НДС сатҳгача тўлганда ортиқча сув тўғон пастки бъефига ёки кулай шароит бўлганда гидрографик тармоқقا (шахобчага) ташланади. Сувни ташлаш кўп ҳолларда сув омборидаги жадаллашган сув сатҳида амалга оширилади, айрим ҳолларда у НДС да ҳам бажарилади.

Устидан сув ўтказмайдиган тўғонлардаги сув ташловчи иншоотлар деганда юқори бъефдан пастки бъефга ҳисобий максимал сув сарфларини қаршиликсиз ўтказувчи иншоотлар мажмуаси тушунилади. Сув омборидан ортиқча сувларни ташлаб юбориш йўли бўйлаб қурилган иншоотлар *сув ташлаш* тракти деб аталади.

Ўзанни тўсиш ва устидан сув ўтказмайдиган тўғонга нисбатан сув ташловчи иншоот тўғон танаси ичида, тўғон танасидан чеккадаги қирғоқда, ёки қайирда жойлашган турларга бўлинади (3.1-расм, а, б, в). Сув ташлаш тури ҳар хил вариантларни техник-иктисодий натижалари асосида танланади.


Улар бош (кириш) қисмининг жойлашуви кўра юза ва чуқур сув ташлагичлар бўлиши мумкин.

Кўндаланг кесимининг конструкцияси бўйича сув ташловчи иншоотлар очиқ, ёпиқ ва комбинациялашган (очиқ ва ёпиқ конструкцияларнинг бирикуви) кўринишида бўлади.

Агар кириш тирқиши юзада жойлашган бўлса, юза сув ташлагичлар деб аталади (3.1-расм, а-в). Чуқур сув ташлагичларда бу тирқиши сувнинг эркин сатҳидан пастда жойлашади (3.1-расм, д, е), сув ташлагичнинг ўтказувчи қисми кўп ҳолларда қувурли ёки туннелли кўринишида бўлади. Агар тирқиши бевосита тубда жойлашган бўлса, унда сув ташлагични тубдаги деб аталади (3.1-расм, е).

Очиқ сув ташлагичлар кўндаланг кесими туташмаган, ёпиқ эса туташган бўлади; комбинациялашган туташган ва туташмаган кесимли участкаларга эга, яъни очиқ ва ёпиқ конструкцияларнинг бирикувидир. Очиқ сув

ташлагичлар сув ташловчи каналлар кўринишида бўлиб, уларнинг чегарасида бъефлар орасидаги сатхлар фарқи тезоқар, кўп поғонали шаршара, консолли шаршара орқали туташтирилади (3.1-расм, а-в). Ёпиқ сув ташлагичлар юза ва чуқур (шунингдек туб) иншоотлар кўринишида бўлади (3.1-расм, г-ж). Юза сув ташлагичларга қувурли, туннелли ва шахтали иншоотлар икради (3.1-расм, ж). Чуқур сув ташлагичлар босимли, босимсиз ва қувурли ва туннелли ярим босимли режимларда ишлайди.



3.1-расм. Қирғокда жойлашган сув ташлагичлар:

a, б ва в-очиқ сув ташлагич, мос равишда тезоқар, кўп поғонали шаршара ва консолли шаршара билан; г, д ва е-мос равишда юза, чуқур ва туб ҳамда затворлар билан бошқариладиган ёпиқ сув ташлагичлар; ж-босимсиз туннелли шахтали сув ташлагич

Кириш (бош) қисмининг конструкцияси бўйича очиқ сув ташлагичлар фронтал, хандакли (*траншеяли*), полигонал, елтигичсимон ва бошқалар; ёпиқ

сув ташлагичлар эса - *хандакли, шахтали, чүмичли* ва бошқа күринишиларда бўлади.

Бошқариш шароитлари бўйича сув ташлагичлар *бошқариладиган* (затворлар билан) ва *бошқарилмайдиган* (затворсиз, автоматик) турларга бўлинади.


Сув чиқаргичлар кўп белгилари бўйича ёпиқ сув ташлагичларга ўхшаш. Уларни ҳар доим табиий грунтларда жойлаштирилади. Юқори бъефда сув сатҳи ўзгариши кичик бўлса очиқ ростлагични қўллаш мумкин. Кўп ҳолларда юқори бъефдаги сатҳ ўзгариши сезиларли бўлса ёпиқ сув чиқаргичлар ўрнатилади. Сув чиқаргичлар босимли ва босимсиз режимда ишлаши мумкин.

Конструкцияси бўйича сув чиқаргичлар *қувурли, туннелли* ва *комбинациялашган* (қувурли ва туннелли белгилар бирикмаси) турларга бўлинади.

Ростловчи затворлар жойлашиши бўйича сув чиқаргичлар қўйидаги фарқланади: 1) *сув чиқарувчи тракт бошланишидаги* затворлар билан (асосан қувурли сув чиқаргичлар учун), бу ҳолатда одатда қўйи қисмида *затворлар камераси*, юқорисида эса туташтирувчи механизмли эстакадага эга затворларни *бошқарувчи минора* ўрнатилади; айрим ҳолларда минора ўрнида пастки бъеф томонидан ёки юқори қияликда (ёнбағирда) ётқизилган маҳсус нишаб галерея бўйлаб кириш мумкин бўлган алоҳида хона кўзда тутилади; 2) *сув ташлаш тарктигининг ўрта қисмидаги* затворлар билан; затворларни бундай жойлаштириш бошқариладиган минора ўрнатиб ёки ўрнатмасдан қувурли ҳамда туннелли сув чиқаргичларда мумкин; 3) *сув чиқаргич тарктигининг охирида* затвор билан; затворларни бундай жойлаштириш босимли режимда ишлайдиган сув чиқаргичлар учун, ҳамда галерея ичидаги босимли қувурли туннеллар ва қувурли сув чиқаргичлар учун характерлидир.

3.2. Қирғоқда жойлашган очиқ сув ташловчи иншоотлар.

Қирғоқда жойлашган очиқ сув ташлаш трактини тўғоннинг ён томонидаги қирғоқларда ва водийнинг ёнбағирларида жойлаштирилади. Шу сабабли улар қирғоқда жойлашган сув ташлагичлар деб ном олган (3.2-расм, а). Сув ташлаш трактидан сув гидроузелнинг пастки бъефга ташланади, кулай топографик шароитларда эса қўшни очиқ сув ҳавзасига ёки жойнинг паст участкаларига чиқариш мумкин. Очиқ сув ташлагичларнинг ўзига хос хусусияти шундаки, уларнинг кириш қисмлари баланд сатҳларда жойлашади.



3.2-расм. Юза сув ташлаш трактининг трассаси:
а-тўғри чизиқли; б-бурилиши бурчаги билан; в-трассада эгри чизиқни планда белгилаши.

Сув ташлаш тракти таркибига қуйидаги иншоотлар киради: келувчи канал, ростловчи иншоот, ташлама канал, туташтирувчи иншоот, кетувчи канал, муз ушловчи қурилмалар. Аммо сув ташлаш тракти таркибидаги юқорида келтирилган иншоотларнинг ҳаммаси ҳам бўлмаслиги мумкин. Кўпинча каналлардан бири бўлмаслиги мумкин, масалан келувчи ёки ташлама канал, иккаласининг ҳам бўлмаслиги эҳтимоли бор.

Одатда сув ташлаш тракти иншоотлари орқали сув омборидаги музни тўғоннинг пастки бъефга ташлаш кўзда тутилмайди. Муз қопламаси ҳаракатда бўлмайди ва турган жойида эрийди. Аммо келувчи каналда сув оқими ҳаракати бўлганилиги сабабли, унинг узунлиги бўйича муз ҳаракати бўлиш мумкин. Шамол таъсирида алоҳида муз парчалари сув ташлаш иншоотига яқинлашиши мумкин. Сув ташлаш трактига музларни ўтишига йўл қўймаслик учун келувчи канал бошида ёки шлюз ростлагич олдида муз ўлчовчи қурилмалар ўрнатилади, улар орқали сув эркин ўтади ва сувда оқиб келувчи жисмлар ушлаб қолинади.

Сув ташлаш трассаси деганда жойда ўтказилган унда пикетлар белгиланган иншоотнинг ўқ чизиги тушунилади. У тўғри чизиқли бўлиши ҳам (3.2-расм, а) ва бурилиш бурчаги билан (3.2-расм, б) бўлиши мумкин ва у тўғондан маълум узоқликда ўтади ёки унга қисман ўйиб киради. Трассада бурилиш бурчаклари бўлса сув ташлаш трактида сувни равон ҳаракат қилишини таъминлаш учун, каналдаги сувни қияликлар билан кесишган кенглигини беш баробарига teng бўлган эгри чизиқли радиус ўтказилади.

Бурилиш бурчаги β берилган бўлса, эгри чизиқларни планда белгилашда тангенс қуйидаги формуладан ҳисобланади

$$T = R \operatorname{tg} \frac{\beta}{2} \quad (3.1)$$


ва эгри чизиқ узунлиги

$$l_{\text{зг}} = \frac{\pi R \beta}{180^\circ} . \quad (3.2)$$

Трассани эгри чизиқли участкаларда каналларни, сув ташлаш трактининг бошқа иншоотларини эса тўғри чизиқли участкаларда жойлаштириш тавсия этилади. Трассанинг эгри чизиқли участкаларида иншоот жойлаштирилганда планда эгри чизиқли конструкцияларни бажаришга тўғри келади.

Сув ташлаш трактида ҳамма иншоотларни баландлик бўйича жойлаштириш шундай аниқланадики, унча чуқур бўлмаган қазилмада ва шу билан бирга алоҳида участкаларни кўтармада ўтказишга йўл қўйилади. Шундан келиб чиқсан ҳолда трасса танланади. Унча чуқур бўлмаган қазилмадаги ёки қисман кўтармадаги каналлар ташланадиган сарфларни ўтказишдан олдин қордан осон тозаланади.

Сув ташлаш трактидаги қазилмадаги грунтлар физик-механик таркиби бўйича кўтарма учун ишлатишга яроқли бўлса тўғон танасига ётқизилади. Қазилмадаги грунтни тўғон танасига кўчириш гидроузел харажатларини камайтиради, шу билан бирга чуқур қазилмалардан катта сув сарфларини ўтказишда иншоотни эксплуатация қилишни қийинлатиришини ҳисобга олиш лозим.




3.3 - расм. Очиқ сув ташлаш трактида иншоотларни жойлаштириш схемалари

1-келувчи канал; 2-илюз - ростлагич; 3-ташлама канал; 4-тезоқар; 5-шишара; 6-консолли шишара; 7-кетувчи канал.

Агар сув ташлаш трактида иншоотларни бир жойга жойлаштириш қийин бўлса, уларни бўлиб – бўлиб жойлаштиришга йўл қўйилади, масалан битта туташтирувчи иншоот ўрнига иккита ва ундан кўп бажарилади (3.3-расм).

3.2.1. Фронтал сув ташлагичлар.

Фронтал сув ташлагичлар водосливи планда келувчи канал ўқига перпендикуляр жойлаштирилади ва сув иншоотга перпендикуляр кириб келади (3.4-расм). Бу ҳолда түғон тепаси билан водослив устини кўприк билан бирлаштирилади.




3.4-расм.Кирғокда жойлашган очик фронтал сув ташлагич:

1-келувчи канал; 2-водослив кўринишидаги бош қисм; 3-ташлама канал; 4-туташтирувчи иншоот (тезоқар); 5-кетувчи канал; 6-грунтли түғон; 7-дарё ўзани

Сув ташлаш тракти ўқи (планда) ернинг топографияси ва геологиясини ҳисобга олган ҳолда белгиланади, у планда ва бўйлама кесимларда түғон тепасидан ўтадиган йўл билан боғланган бўлиши керак. Келувчи канал бошланиши түғон танасидан 75...100 м масофада жойлаштирилади, кетувчи каналнинг чиқиши түғон пастки қиялик охиридан камида 100...150 м масофада бўлиши керак.

Келувчи канал водосливга сувни равон келишини таъминлайди. Планда у эгри чизиқли қўринишда ва узунлигибўйича ўзгарувчан кенгликка эгадир. Катта чукурликларда канал туби горизонтал, кичик чукурликларда эса сувнинг янада равон келишини таъминлаш учун канал туби тескари нишабли қилиб ўрнатилади. Қояли грунтларда канал тубига ва қияликларига ҳимоя қопламалари ўрнатилмайди, қоямас грунтларда уларнинг водосливга кириш зоналарида қопламалар ўрнатилади. Келувчи канал кўндаланг кесими трапеция шаклида, қоямас грунтларда уларнинг қияликлари 1.2...2.5, қояли грунтларда 0,5 қабул қилинади

Ростловчи иншоот (кириш қисм) бетон ёки темир-бетонли сув ташловчи тўғондан ташкил топади (3.5-расм). Уни сув ташлаш трактининг тўғри чизиқли участкасида жойлаштирилади, чунки бу иншоот орқали тўғон танасига кўприк ёрдамида йўл ўтказилади.




3.5-расм. Сув ташловчи тўғон:

1-тўғон ўқи; 2-кўприк; 3-шпунт; 4-понур; 5-сув урилма қудуқ; 6-тескари фильтр; 7-рисберма; 8-затвор.

Максимал димланган сатҳ (МДС) ва нормал димланган сатҳлар (НДС) айирмаси $H = \Delta MDC - \Delta HDC > 3\text{m}$ дан катта бўлса водослив остонаси белгиси HDC да жойлаштирилади. Бу ҳолда иншоотда затворлар ўрнатилмайди, водослив автоматик тарзда ишлайди. Агар $H = \Delta MDC - \Delta HDC < 3\text{m}$ дан кичик бўлса, водослив остонаси белгиси HDC дан пастда жойлаштирилади. Бу ҳолда сув ташловчи тўғон затворлар билан жиҳозланади, уларнинг баландлиги 4...5 м оралиғида қабул қилинади.

Сув омборидаги сатҳ шаклланиши имкониятлари чегараланган бўлса, ҳамда створнинг топографик шароитлари водослив остонаси тўғри чизиқли фронтини керакли узунликка кенгайтиришга имкон бўлмаса, қирғокдаги сув ташлагич кириш қисмига планда эгри чизиқли, полигонал ва эгри-буғри чизиқли (зигзал) шакл берилади (3.6-расм).



3.6-расм. Қирғоқда жойлашган очиқ сув ташлагич кириш қисмлари:

а-тораювчи түгэри чизиқли остонали водослив билан; б-доорасимон шакладаги остона билан; в-тепаси эгри-бугрили; г-ажратувчи деворли тезоқар тепаси эгри чизиқли; д-тепаси эгри чизиқли тораювчи ва кучайтирилган гадир-будурли; е-лабиринтли (чалкаш-чулкаш) остонали водослив билан


Сув ташлаш түғоннинг пойдевор плитаси иншоотнинг асосий юк күтариш элементларидан биридир. У асосан монолит бетондан қурилади. Пойдевор узунлиги асоан унинг устига жойлаштириладиган иншоотлар узунлигига tengdir. Пойдевор қалинлиги конструктив қабул қилинади, сўнгра фильтрация ва статик ҳисоблар асосида аниқлаштирилади.

Иншоот кириш қисми кенглиги гидравлик ҳисоблар асосида аниқланади.

Иншоот водосливи кенг остонали ёки амалий профилли бўлиши мумкин. Сув урилма водосливнинг ҳамма оралиқлари учун умумий қабул қилинади. Сув урилма чегарасида қудук ўрнатилади, унинг ўлчамлари гидравлик ҳисоб асосида қабул қилинади. Бундан ташқари сув урилма чегарасида бошқа сўндиригичларни ҳам ўрнатиш мумкин.

Ташлама канал туташтирувчи иншоотга сув оқимини бараварлаштириб келтириш учун хизмат қиласи. Унинг узунлиги сув ташлаш тракти трассасининг топографик шароитларидан келиб чиқсан ҳолда аниқланади. Канал кўндаланг кесим юзаси трапеция шаклида бўлиб, тубининг кенглиги иншоот кенглигига teng қилиб олинади. Канал туби сатҳ белгиси водослив остонаси сатҳ белгисидан пастда жойлаштирилади, чунки бу ҳолда водослив кенг остонали водослив сингари ишлайди. Канал туби ва қияликлари бетон қоплама билан мустаҳкамланади, унинг қалинлигини оқим тезлигига ва геологик шароитларга кўра қабул қилинади.

Тезоқар (туташтирувчи иншоот) нишаблиги критик нишабликдан катта бўлган каналдир. Тезоқар нишаблиги 0,05...0,25 ва ундан катта бўлиши мумкин, масалан мустаҳкам қояли грунтларда. Тезоқар тубининг кенглиги доимий ёки узунлиги бўйча ўзгарувчан (пастки томонга қараб камаяди ёки кенгаяди) бўлиши мумкин (3.7-расм). Тезоқар кенглигини ўзгариши пастки бъефда энергия сўндириш шароитларидан келиб чиқади.




3.7-расм. Тезоқарлар:

а-кенгаювчи (рамчанга гидроузели, Индия); б-тораювчи, мексика туридаги.

Тезоқарнинг характерли схемаси 3.8-расмда келтирилган. Конструктив жиҳатдан тезоқарлар қўндаланг кесими тўғри бурчакли, трапецияли ёки полигонал новлар кўринишида бўлади (12.9-расм, а-г). Уларни қуришда бетон ва темир-бетон ишлатилади. Нов чекка деворлар (тиргак девор) ва плитадан ташкил топади, чекка деворлар билан плиталар деформация чоклари билан ажратилади. Ўлчамлари кичик деворли новлар монолит конструкцияли қилиб бажарилади. Қоямас грунтларда плита қалинлиги 0,3...0,8 м оралиғида қабул қилинади. Нов узунлиги бўйича ҳар 20...25 м дан сўг деформация чоклари ўрнатилади. Мустаҳкам қояли жинсларда қоплама бажарилмайди. Кучсиз қояли ва ярим қояли жинсларда нов чекка деворлари тикилиги 1:0,3...1:0,5 қилиб бажарилади, унинг туби ва қияликлари қалинлиги 0,2...0,3 м ли анкерланган бетон қопламаси билан қопланади.


План



3.8-расм. Қирғызда жойлашган Карлос Мануэл де Сеспендес сув ташлаш гидроузели (Куба, $Q = 3600 \text{ м}^3/\text{s};$)

1-сув чиқарувчи инишоот; 2-грунтли түғон; 3-сув ташлаши инишоот


Одатда тезоқарларга планда тўғри чизиқли кўриниш берилади, аммо баъзи бир ҳолларда нисбатан унча катта бўлмаган сарфларда улар эгри чизиқли бажарилади, бу нов шаклига жиддий таъсир қиласди. Бунда марказдан қочма куч таъсири шароитларда нов нормал ишлашини таъминлаш учун, новнинг қавариқ томонидаги девор ботиқ деворга нисбатан бир оз баландроқ қилиб олинади ва унинг тубига кўндаланг нишаблик берилади (3.9-расм, д). Жойнинг мураккаб рельеф шароитларида планда эгри чизиқли тезоқарларни қўллаш баъзида қурилиш ишлари ҳажмини сезиларли даражада камайтиради.



3.9-расм. Тезоқарлар күндаланг кесими:

a,в-қоямас грунтда; б,г,д-қояда; 1-дренаж; 2-анкерлар.


Тубининг кенглиги катта тезоқарларда, ҳамда туби горизонтал бўлган эгри чизиқли участкалардаги тезоқарларда оқимнинг турғунлигини ошириш ва чуқурликни текисроқ ўзгаришини таъминлаш учун бурилиш жойларида күндаланг йўналишда ажратувчи деворлар ўрнатилади (3.10-расм). Тўғри чизиқли тезоқарларда оқим турғунлигини йўқотмасликка қарши қурашиб учун тўлқинга қарши күндаланг кесимлар қўлланилади (3.11-расм), ёки оқим тезлигини камайтириш мақсадида нов узунлигининг бир қисмига сунъий ғадур будурлик ўрнатилади (3.8-расмга қаранг).



3.10-расм. Ажратувчи деворли тезоқар:

1-ажратувчи девор юқориси; 2-трамплин; 3-цементли тўсиқ парда; 4-қалинлиги 1 м ли плита; 5-дренаж; 6-тескари кўмилган грунт.

Тезоқар трассасида фильтрация оқими депрессия юзасининг юқори ҳолатида плита остида ва унинг деворлари оқасида дренаж ўрнатилади. Бу ерда қувурли дренаж ўрнатиш мақсадга мувофиқдир.




3.11-расм. Тезоқари тўлқинга қарши кўндаланг кесимлар

Қоямас грунтларда тезоқарни пастки бъеф билан сув урилма қудук ёки сув урилма девор ёрдамида туташтирилади. Қояли грунтларда оқимнинг юқори тезликларида тезоқар охирида оқимнинг бир ерга тўплайдиган трамплинлар ва камдан-кам оқимни тарқатиб юборадиган трамплинлар кўлланилади.

Тезоқарларни ва энергия сўндиригичларни гидравлик ҳисоби тезоқарлар катта тезликларида сувнинг аэрациясини оқим чуқурлигига таъсирини ҳисобга олиб 5.3.6 параграфда баён этилган услуб бўйича бажарилади.

Кўп поғонали шаршаралар е рельефи нишаблиги катта ($i > 0,25$) жойларда ва солиштирма сув сарфлари унча катта бўлмаганда ($15\text{m}^3/\text{s}$ гача) қўлланилади. Кўп поғонали шаршара сув урилма қудугининг ўлчамлари бир хил бўлган, кўндаланг ва бўйлама деворлар ҳосил қилган поғоналар шаклида бажарилади (3.12-расм). Қудуқ ўлчамлари ва унинг сув урилма девори баландлигини оқим энергияси тўлиқ сўндириш шароитидан келиб чиқкан ҳолда гидравлик ҳисоб маълумотлари асосида қабул қилинади.



3.12-расм. Кўп поғонали шаршара:

1-гилли бетон; 2-понур; 3-ясси затвор; 4-бўйлама девор; 5-сув урилма девор; 6-сув урилма қудуқ

Поғоналар баландлиги 4...6 м оралиғида қабул қилинади. Поғона узунлигини ундаги сатхлар фарқи баландлигини икки бараваридан кам қабул қилинмайди. Сув энергиясини тўлиқ сўндириш мақсадида сув урилма қудуғи тубига тескари нишаблик берилади. Кўп поғонали шаршарада сув оқим тезлиги тахминан 2...3 м/с ни ташкил этади.

Қоямас ва ярим қояли грунтларда бўйлама ва кўндаланг деворлар сув урилма плитадан вертикал чоклар билан ажратилади. Чоклар уларнинг алоҳида чўкишини таъминлайди. Ҳамма чокларда фильтрацияга қарши

зичлагичлар ўрнатилади. Қояли грунтлардаги шаршаралар қудукларида кўпинча сув урилма плиталар ўрнатилмайди.

Сув урилма плитаси, бўйлама ва қўндаланг деворлар устиворлик ҳисоблари асосида қабул қилинади. Уларнинг тахминий қалинлигини грунтнинг хоссаларига ва қудукнинг баландилигига қўра 3.1-жадвалдан қабул қилинади.

3.1-жадвал

Шаршара элементларининг номланиши	Ўлчами, м
Сув урилма плиталар	0,5...1,0
Бўйлама деворлар:	
юқориси бўйича	0,3...0,7
пасти бўйича	1,0...2,0
Сув урилма деворлар:	
юқориси бўйича	0,5...0,7
пасти бўйича	1,2...2,0

Қояли жиснларда қалинлиги 0,3...0,4 м ли билан текисланадиган қоплама.

Кетувчи канал кенглигини туташтирувчи иншоот кенглигига тенг қилиб олинади. Каналнинг қияликлари ва туби ташлама канал қопламаси сингари бетон қоплама билан мустаҳкамланади. Кетувчи канал туташтирувчи иншоот кенглигидан грунтни ювилишга йўл қўйиладиган тезликни аниқловчи кенгликкача ўзгарувчан кенгликда лойиҳаланади. Бу ҳолда биринчи участка бетонланади, иккинчиси эса мустаҳкамланмайдиган қилиб бажарилади.

3.2.2. Хандакли сув ташлагичлар.


Бундай турдаги сув ташлагичлар водосливи фронтининг бош қисми гидроузел юқори бъефга чиқарилиб сув омбори ҳавзаси қирғоғи чизиги бўйлаб жойлаштирилади.

Хандакли сув ташлагич таркибига қуйидаги иншоотлар киради (3.13-расм): 1) кенг остонали ёки амалий профилли водослив қўринишидаги водосливли қисм; 2) хандак, водослив орқали ташланадиган сув унга тушади; 3) кетувчи канал ва мувофиқ энергия сўндирувчи қурилмали тезоқар, шаршара ёки трамплин қўринишидаги туташтирувчи иншоот

Водослив. Хандакли сув ташлагичлар водосливи бошқариладиган ва бошқарилмайдиган (автоматик) бўлиши мумкин. Бошқариладиган водосливда затворлар ўрнатилиб юқори бъефдаги сув сатхи НДС да ушлаб турилади,

автоматик водослив тепаси НДС да ўрнатилади. Башқариладиган водосливлар иншоот остонасига таъсир қилувчи босим 8 м, сув сарфи 8000 м³/с гача, автоматик ҳолда жадаллашган сув сатҳи қиймати 2 м дан юқори бўлмагандага 600 м³/с сув сарфини ўтказишда қўлланилади. Водослив тепаси одатда хандакка паралел жойлаштирилади. Хандакли сув ташловчи иншоот водосливини қирғоққа жойлаштириш нисбатан оддий. Автоматик тарзда ишлайдиган водослив флютбети текис ёки амалий профилли водослив кўринишида бўлади.

Хандак узунлиги бўйича туби ва чуқурлиги ўзгарувчи каналdir. Хандакли сув ташлагичлар асосан қирғоқлари тик бўлган қояли ва ярим қояли жинслардан ташкил топган, фронтал сув ташлагичларни жойлаштириш қийин бўлган створларда қўлланилади. Қояли грунтларда хандакнинг водослив томонидаги қиялиги эса 1:0,5 га тенг бўлади. Хандакка жўшқин оқимнинг динамик таъсирини ҳисобга олиб, мустаҳкам қояли жинсларда унинг туби ва қияликлари қояга қалинлиги 0,7...1,2 м ли плиталар анкерланиб қопланади. Хандакнинг бетон плитасидаги фильтрация босимини олиб ташлаш учун унинг остида қувурли дренаж ўрнатилади. Хандак мураккаб гидравлик схема бўйича ишлайди, яни унинг узунлиги бўйича сув сарфи ўзгарувчан бўлади ва унда оқим винтсимон ҳаракат қиласи, бу эса оқимнинг режимига ва хандакнинг сув ўтказиш қобилиятига салбий таъсир этади. Хандакда винтсимон ҳаракатга йўл қўймаслик учун ва кетувчи канал кенглиги бўйича сув сарфини текисроқ тарқалишини таъминлаш учун планда эгри чизиқли оралиқ деворлар (3.13-расм, в), планда траншея тубидаги қийшиқ остона (3.13-расм, г), оқимни қарма-қарши томонга оралиқ орқали ўтаётганда айланма ҳаракат берувчи ва ушбу ҳар бир оралиқ билан алмашинувчи водослив транплинлари (3.13-расм, д) ва бошқалар қўлланилади.




3.13-расм. Хандакли сув ташлагичлар:

a, б, в- кириш қисмини жойлашиши варианты; *г, д-* хандакли мос равишда қийшик останали ва алмашинувчи водосливлар уч қисми; 1-қүйрүқ қисми эгри чизиқли оралиқ деворлар; 2-силлиқ шаклдаги девор; 3-остона; 4-түғон; 5- трамплин; 6-хандакли сув ташлагич; 7-планда эгри чизиқли тубдаги останалар.

Хандакнинг дастлабки ўлчамлари ҳисоб бўйича аниқланади, якунийси эса моделдаги тадқиқот натижалари бўйича қабул қилинади.

Хандакли сув ташлагич гидравлик ҳисоби бўйича водослив узунлиги, хандакнинг ўлчамлари ва туташтирувчи иншоот элементларининг ўлчамлари аниқланади. Водослив ва туташтирувчи иншоот ҳисобларини

берилган сарф Q ва водослив остонасидаги йўл қўярлик босим H қийматлари бўйича 5.3.6 п. баён этилгна услугуб бўйича бажарилади. Хандакнинг гидравлик ҳисоби ҳар хил услублар билан бажарилади, улардан кенг кўлланиладиган чегаравий фарқлар услубидир. Бунда хандак узунлиги бир нечта алоҳида участкаларга бўлинади ва ҳар бир участка учун сарф ва қабул қилинган хандак тубининг кенглиги бўйича иншоот ва оқимнинг параметрлари аниқланади (3.14-расм).



3.14-расм. Узунлиги бўйича доимий тезликка эга бўлган хандакнинг гидравлик ҳисоби схемалари:

1,2,3,4,5-узунлик бўйича ҳисобий кесим рақамлари

Ҳисобни хандак туби ва қияликлари қопламалари материалига йўл қўйиладиган ўзгармайдиган тезлик бўйича қуидаги тартибда олиб борилади:

1) ўзани бетон плиталар билан мустаҳкамланган хандакдаги оқимнинг ўтча йўл қўярлик тезлигини қуидаги формуладан аниқланади

$$\vartheta_{xan} = 0,95\sqrt{2gZ}, \quad (3.3)$$

бунда Z -юқори бъеф ва хандакдаги сув сатҳлари фарқи;

2) ҳар бир ҳисобий кесим учун оқимнинг зарур бўлган жонли кесим юзаси қуидаги формуладан аниқланади:

$$\omega_n = Q_{x,n} / \vartheta_{xan} \quad (3.4)$$

бунда, $Q_{x,n}$ -қаралаётган кесимдаги сув сарфи:

$$Q_{x,n} = mx_n \sqrt{2gH^{3/2}}, \quad (3.5)$$

бунда, m - сарф коэффициенти; x_n - хандак бошидан қаралаётган кесимгача бўлган масофа;

3) кесим бошидаги ва охиридаги хандак тубининг кенглигини b_0 ва b_κ қабул қилиб, ҳар бир кесим учун хандак тубининг кенглиги ва оқим чуқурлиги қуидаги формулалардан ҳисобланади:

$$b_n = b_0 + (b_\kappa - b_0)x_n / L; \quad (3.6)$$

$$h_n = \frac{1}{2m} \left(\sqrt{b_n^2 + 4m\omega_n} - b_n \right), \quad (3.7)$$

бунда, m - ён деворларнинг қиялик коэффициенти;

4) ҳар бир кесим учун гидравлик радиус қуидаги формуладан ҳисобланади

$$R_n = \frac{\omega_n}{b_n + 2h_n \sqrt{1+m^2}} ; \quad (3.8)$$

5) кесимлардаги гидравлик нишаблик ва кесимлар орасидаги унинг ўртача қиймати қуидаги формулалардан аниқланади:

$$J_n = \frac{g_{xan}^2 n^2}{R_n^{4/3}} ; \quad (3.9)$$

$$J_{\bar{y}p} = \frac{J_n + J_{n+1}}{2} ; \quad (3.10)$$

бунда, n - ғадир-будурлик коэффициентини, бетонли траншеялар учун $n = 0,02$;

6) кесимлар орасидаги босим йўқолиш қуидагича аниқланади

$$Z_\omega = J_{\bar{y}p} l_n , \quad (3.11)$$

бунда, l_n - кесимлар орасидаги масофа;

7) ҳар бир кесимда оқим ва хандак тубининг сатҳлари қуидагича ҳисобланади:

$$\left. \begin{aligned} N_n &= N_0 - \sum Z_\omega; \\ N_D &= N_n - h_n; \end{aligned} \right\} \quad (3.12)$$


бунда, N_0 - бошлангич кесимдаги хандак тубининг сатҳи.

3.3. Қирғоқда жойлашган ёпиқ сув ташлагичлар.

Ёпиқ сув ташлагичлар қояли сиқилған створларда барпо этиладиган ўрта ва юқори босимли гидроузелларнинг асосий иншоотлари таркибида жойлаштирилади. Ер ости қувурлари ёки тунеллари орқали қурилиш сувларини ўтказиш ҳисобига уларнинг қўлланилиш устидан сув ўтказмайдиган грунтли ёки бетонли тўғонларни қуришда ишларни кенг кўламда олиб боришга имкон беради, ҳамда бу шароитларда қиммат бўлган очик қирғоққа жойлаштириладиган сув ташлагичлар ўрнига арzonроқ бўлган ёпиқ сув ташлагичларни қўллаш мумкин.

3.3.1. Қувурли -минорали сув ташлагичлар

Баъзи ҳолларда ёпиқ сув ташлагичларни бевосита устидан сув ўтказмайдиган грунтли тўғон танасида жойлаштириладиган қувурли-минорали қилиб бажарилади. Унга катта бўлган сув сарфларда ва босим бир неча метр бўлганда бундай сув ташлагичларнинг оддий конструкциялари қўлланилади. Бунда кўндаланг кесими доимий бўлган минора ва ўзгарувчан гидравлик режимда ишлашга рухсат этиладиган сув ташлагич киради (3.15-расм, а). Бундай сув ташлагичларнинг ҳар хил конструкциялари бир қатор мелиоратив гидроузелларда кенг қўлланилган. Катта босимларда катта сув сарфларини ўтказиш учун қурилган Мингечаур (Россия) ва Ирил Эмда (Жазоир) гидроузеллар сув ташлагичлари киради (3.15-расм, б, в). Бу сув ташлагичлар босимсиз режимда ишлаш учун лойиҳаланган.



3.15-расм. Құвурли- минорали сув ташлагичлар:


а-унча катта бўлмаган сарфлар ва босимлар учун (намунавий лойиҳа);
б-Мингечаур гидроузели (Россия); в-Ирил Эмда гидроузели (Жазоир); 1-сувда оқиб келувчи жисимларни ушловчи панжара; 2-кўтаргич; 3-темир-бетонли диафрагма;
4-деформация чоки; 5-гидроизоляция; 6-затворлар камераси; 7-шахта; 8-гил;
9-қумтоши; 10-трамплин; 11-кучсиз сланцлар.

Қаралаётган турдаги иншоотларда қувурлар секциялари оралиғидаги ва эҳтимоли бўлган нотекис чўкишни ҳисобга олиб минора ва қувур оралиғидаги деформация чок-ларини зичлашни таъминлаш муҳим аҳамиятга эга. Бетонли қувурлар табиий ёки кўтарма грунт билан туташган текисликларида контактли фильтрация учун йўллар ҳосил бўлмасликка

ҳамма чоралар күрилиши зарур, у хавфли фильтрация деформацияларини ҳосил қиласы. Бунга йўл қўймаслик учун қувурлар туташган жойларда вертикал элементлар қурилади (3.15-расм, б), ҳамда маҳсус диафрагмалар ўрнатилади (3.15-расм, а).

3.3.2. Қувурли-чўмичсимон сув ташлагичлар.

Улар кириш қисми чүмич шаклида бўлган ёпиқ сув ташлагичларга киради. Бундай сув ташлагичларнинг ишлаш шароитлари хандакли сув ташлагичларга ўхшаш бўлади (3.16-расм). Будай иншоотларнинг асосий қисмига кириш каллаги ва табиий грунтда ётқизилган қувур киради. Қувурдан сув оқими чиқиши жойида каллаги ўрнатилади, ундан кейин эса кинетик энергияни сўндириш учун сув урилма қудуқ ёки бошқа турдаги сўндиригич ўрнатилади.



12-16-расм. Қувурли чүмичсизмон сув ташлагич:


1-ер сатхы; 2-төмөр-бетонлы құвүрлар; 3-йүл четидаги түсікілар; 4-түғон үқи.

Кириш каллаги чўмич кўринишида бўлиб, унга сув уч томондан олинади. Кириш каллаги қувур билан ўтиш участкаси ёрдамида бирлаштирилади. Ўтиш участкаси кириш каллагининг тўғри бурчакли кесимидан қувурнинг доиравий кесим юзасига равон ўтишини таъминлайди. Заводда ишлаб чиқилган доиравий қувурлар қўлланилади. Қувур узунлиги бўйича фильтрацияга қарши диафрагмалар ўрнатилади. Каллаги вакуумли ва вакуумсиз бўлган босимсиз ва босимли режимда ишлайдиган чўмичсимон сув ташлагичлар мавжуд. Босимсиз чўмичсимон сув ташлагичларда чўмич қиррасини синиқ чизиқли бажарилиб узайтирилади, бу эса сув қўйилиш фронтини оширади.

Кириш каллаги ўлчамлари (водослив фронти) ни оқим қўмилиб ва кўмилмай ўтадиган водослив формуласидан аниқланади.

3.3.3. Шахтали сув ташлагичлар.

Кўлланиш шартлари Шахтали сув ташлагичлар тўғондан ташқарида, соҳилда қурилиб, юза жойлашган доиравий водосливдан, вертикал ёки бир оз ётиқроқ шахтадан ва туннел ёки галерея кўринишидаги сув ўтказувчи трактдан ташкил топади (3.17-расм). Сув ташлагич шахтаси кўндаланг кесими доиравий ва тўлиқ қазилган қояда жойлаширилади. Баъзи бир алоҳида ҳолларда ноқулай топографик ва геологик шароитларда шахтани жойлаширишда унинг юқори қисми минора кўринишида бажарилади. Сув ўтказувчи тракт сифатида қурилиш туннели ёки галереядан фойдаланилади, улар билан шахта туташтирилади. Одатда шахтали сув ташлагичларни қояли заминларда ўрта ва юқори босимли гидроузелларда барпо этилади. Бу турдаги ташлагичлар $5000 \text{ м}^3/\text{с}$ гача сарфни ташлаш мумкин.




3.17-расм. Доиравий водосливли шахтали сув ташлагич ва уни гидроузелда жойлашириш:

1-доиравий водослив; 2-оқимни йўналтирувчи оралиқ деворлар; 3-туннел


Ишиш шароти бўйича шахтали сув ташлагичлар бошқариладиган (тепасида затвор билан) ва **автоматик терзда** ишлайдиган турларга бўлинади. Бошқариладиган шахтали сув ташлагичларда юқори бъефдаги НДС

водослив узунлиги бўйича радиал жойлашган, оралиқ деворларга таянадиган затворлар ёрдамида ушлаб турилади. Автоматик ишлайдиган шахтали сув ташлагичларнинг водослив тепаси НДС да жойлаширилади. Бундай сув ташлагичлар юқори бъефда сув сатҳи ўзгарувчан бўлганда ишлайди. Бошқариладиган сув ташлагичлар сарф $600\ldots700 \text{ м}^3/\text{с}$ дан юқори бўлганда қўлланилади. Уларнинг водослив тепасидаги босим $5\ldots6 \text{ м}$ гача бўлганда йўл кўйилади. Автоматик ишлайдиган сув ташлагичлар босим 2 м дан катта бўлмагандага фақат кичик сафларни ташлашда қўлланилади.

Водослив тепаси кўрининиши планда жойлашуви бўйича доиравий (3.17-расмга қаранг), тўлиқ бўлмаган доиравий (3.18-расм) ва гулбаргсимон (3.19-расм) турларга бўлинади. Конструктив тузилиши ва ишлаш шароити бўйича доиравий ва тўлиқ бўлмаган доиравий водосливлар воронканинг бир хил радиусларида водослив узунлиги бўйича фарқланади.




3.18-расм. Тўлиқ бўлмаган доиравий водосливли шахтали сув ташлашгич



3.19-расм. Гулбаргсимон водосливли шахтали сув ташлагич

Доиравий водосливли шахтали сув ташлагичлар. Доиравий ва тўлиқ бўлмаган доиравий водосливлар одатда вакуумли ёки вакуумсиз кўринишда амалий графилли (3.20-расм, а) ёки кенг остонали (3.20-расм, б) қилиб

бажарилади. Кенг остонали водосливнинг тепаси горизонтал ёки $6\dots9^0$ бурчак остида воронкага йўналган конусли бўлади. Теба қисм кенглиги водосливнинг умумий ўлчамлари ва затвор турлари бўйича аниқланади. Тепанинг текис кенглиги $3,5H \leq B \leq (0,4\dots0,5)R$ оралиғида қабул қилинади, бунда H -водосливдаги босим; R -сув ташлагичнинг кириш воронкаси радиуси.



3.20-расм. Доиравий водосливли шахтали сув ташлагичлар хисобий схемалари:

1-воронка; 2-ўтиши участкаси; 3-доимий кесимли шахта.

Водослив сарф коэффициенти қуидаги формулалардан аниқланади.

$$m_p = \sigma_{\pi} m, \quad (3.13)$$

бунда σ_{π} -тузатиш коэффициенти, гирдобга қарши конструкция турига ва $l/(2R)$ нисбатига боғлиқ, l -қирғоқдаги ковлама узунлиги (3.2-жадвал); m - сарф коэффициенти; амалий профилли водосливлар учун тахминан $m = 0,44\dots0,48$, кенг остонали водосливлар учун $m = 0,36\dots0,38$

3.2-жадвал.

Тузатиши коэффициенти σ_{π} нинг қийматлари

Гирдобга қарши конструкциялар тури	$l/(2R)$ бўлганда σ_{π} нинг қиймати	
	4	8
Тўлиқ бўлмаган доиравий водосливли шахтали сув ташлагич	0,91...0,93	0,93...0,94
Доиравий водосливли шахтали сув ташлагич	0,97...0,98	0,98...0,99
Гулбаргисимон водосливли шахтали сув ташлагич	0,96...0,99	0,97...1,0

Шахтали сув ташлагич сиртига параболик ва жуда кам ҳолларда тузилиши вакуумли профилли бўлганда эллептик шакл берилади.

Водослив воронкасининг қўйилиш қирраси пастга томонга торайган конусли участка ёрдамидан таштирилган (3.20-расм, а га қаранг). Торайиш даражаси сувнинг эркин тушишида оқимнинг узлуксизлигини бузилишига йўл қўймаслик шарти асосида белгиланади.

Доиравий водослив гидравлик ҳисоби А.Н.Ахутин услуби бўйича олиб борилади.

Доиравий водослив воронкаси радиуси қўйидаги формулалардан аниқланади:

а) тепа қисмда оралиқ деворлар бўлмагандан

$$R = \frac{Q}{2\pi m_p \sqrt{2g} H_0^{3/2}}; \quad (3.14)$$

б) тепа қисмда оралиқ деворлар бўлгандан

$$R = \frac{1}{2\pi} \left(\frac{Q}{\varepsilon m_p \sqrt{2g} H_0^{3/2}} + nd \right) \quad (3.15)$$

бунда m_p - сарф коэффициенти; $H_0 = H + g^2 / (2g)$ (бунда H_0 -воронка тепасидаги босим); ε - сиқилиш коэффициенти, ўртача 0,9 га teng; n - оралиқ деворлар сони; d - оралиқ девор қалинлиги.

Пароболик профилдаги воронка шакли юпқа деворли водосливдан кўйиладиган жилғанинг пастки чегараси шакли бўйича қурилади. Оқимнинг марказий ўқи траекторияси қуидаги тенгламалардан ҳисобланади:

а) амалий профилли водослив учун (3.20-расм, в).

$$y_n = \frac{gx_n^2}{2g_r^2} \quad (3.16)$$

бунда g_r -тепа қисмдаги ўртача тезлик, қуидагига тенг

$$g_r = \frac{Q}{2\pi R \cdot 0,75H} \quad (3.17)$$

б) кенг остонали водослив учун (12.20-расм, г)

$$y_n = \frac{gx_n^2}{2g_r^2 \cos \beta} + x_n \tan \beta, \quad (3.18)$$

бунда g_r -остона охиридаги ўртача тезлик (А-А қесим учун), қуидагига тенг

$$g_r = \frac{Q}{2\pi R \cdot 0,65H} \quad (3.19)$$

бунда β -водослив юзасини горизонтга оғиш бурчаги.

Воронканинг ихтиёрий нуқтасидаги оқимнинг ўртача тезлиги g_n ни ва жилғанинг қалинлиги δ_n ни қуидаги формуладан ҳисобланади:

$$g_n = \sqrt{g_r^2 + 2gy_n + 2g_r \sin \beta \sqrt{2gy_n}}; \quad (3.20)$$

$$\delta_n = \frac{Q}{2\pi(R - x_n)g_n}, \quad (3.21)$$

бунда g_r -водослив тепасидаги ўртача тезлик, (3.17) ёки (3.19) ифодаларидан аниқланади.


Оқим ўқига унинг қалинлигини ярми $\delta_n/2$ ни нормал бўйича қўйиб, воронканинг шакли қурилади.

Воронка ва доимий қесимли шахта орасидаги ўтиш участкасининг диаметри (туннел қесимида тенг) қуидаги формуладан ҳисобланади.

$$d_n = \sqrt{\frac{4Q}{\pi g_n}}, \quad (3.22)$$

бунда $\vartheta_n = 0,98\sqrt{2gy_n}$.

Кетувчи туннелнинг диаметри иншоотни эксплуатация қилиш даврида ҳам ва қурилиш сувларини ўтказишда ҳам унинг нормал ишлашини таъминлаш шарти бўйича танланди. Босимсиз туннелларнинг қопламаларини кавитация эрозиясига йўл қўймаслик шарти асосида, уларни юқори босимли йирик сув ташлагичларда кўлланилади.



3.21-расм. Вакуумга қарши ҳаво юборувчи ва поғонали вертикал шахталар кўриниши схемалари:

*а-ўзгарувчан кесимли шахта; б-доимий кесимли шахта; в-қия шахта;
1-бетонли тиқин; 2-ҳаво етказиши; 3-поғона; 4-туннел; 5-тамплин.*

Босимли режимда шахта ва кетувчи канал ўлчамлари қоплама учун йўл қўярлик тезликни ҳисобга олиб, шахтанинг йилиндрик участкаси бошидан ҳисобланадиган ҳисобий сарф ва босим h учун аниқланади. Иншоотдан ҳисобий сарфлар ўтказилганда вертикал шахта ва кетувчи туннел нормал босимли режимда ишлайди. Тошқин сувлар камайган пайтда, ҳисобийдан кичик сарфларда ўтувчи участка билан шахта туташган жойда, ҳамда шахта бурилиш жойининг юқори сиртида вакуум пайдо бўлади. Бу ерда, бундан ташқари, кетувчи туннелда оқимнинг нокулай нотурғун режимлари ҳосил бўлиши мумкин. Вакт бўйича ўзгарадиган сарфларда юқорида келтирилган камчиликларни бартараф этиш учун вертикал шахтали ташлагичга ўзгарувчан кесим (3.21-расм, а) берилади ва унинг бурилиш жойига яқинлашишда вакуумга қарши ҳаво етказадиган поғона (3.21-расм, б) ўрнатилади. Бу ҳолларда кетувчи туннел босимсиз режимда ишлайдиган қилиб лойиҳаланади. Қия шахта ўрнатилганда (3.21-расм, в) шахтанинг бурилиш зоналарига поғона ва ҳаво етказувчи қурилмалар жойлаштирилади, унинг қия қисмида кетувчи туннел сингари босимсиз режим таъминланади. Босимсиз режимда ишлайдиган кетувчи туннелнинг этак қисми порталдан оқимни катта масофага отувчи трамплин кўринишида бажарилади. Фақат


оқимни пастки бъеф билан тубдаги режимда туташтиришда у ёки бу турдаги сұндиригичлар құлланилади.

Гулбаргсимон водосливли шахтали сув ташлагичлар. Бундай турдаги водосливлар шахта параметри бүйича радиал жойлашган шакли ва ўлчамлари бир хил бўлган бир қатор новлар (гулбарглар) кўринишида бўлади (3.19-расмга қаранг). Бундай новнинг юқори қирраси НДС да жойлаштирилади ва юпқа деворли водосливни ифода этади. Олти-етти новли гулбаргсимон водослив узунлиги доиравий водослив узунлигидан 2...2,5 баробар катта, бу эса юқори бъефдаги сув сатхини кичик кўтарилишида шахтали сув ташлагичга сарфни ташлашга имкон яратади.


Иншоотнинг ўлчамлари – унинг ташқи R ва ички радиуслари, ҳамда гулбаргларнинг сони ва шакли берилган сарф ва сув омборидаги йўл қўйиладиган жадаллашган сатҳ бўйича аниқланади. Алоҳида новлар (гулбарглар) кенглиги ва улар орасидаги масофа сувни равон келишини ва димланиш ҳосил бўлмасдан водослив тепасидан эркин қўйилишини таъминлаш керак.

3.3.4. Туннелли сув ташлагичлар.

Туннелли сув ташлагичлар сув қабул қилгич ва сув ўтказувчи тракт вазифасини бажарувчи туннелдан ташкил топади. Туннелли сув ташлашгичлар қояли заминларда барпо этиладиган ўрта ва юқори босимли гидроузелларда құлланилади. **Сув ташлагичини баландлик бўйича жойлашувига** кўра ташлагичлар икки гурӯхга бўлинади: *юза жойлашган сув қабул қилгичли сув ташлагичлар* (3.22-расм, а) ва чуқур жойлашган сув қабул қилгичли сув ташлагичлар (3.22-расм, б). Биринчиси фақат эксплуатация сарфларини ўтказиш, иккинчиси эса бар вақтнинг ўзида сув омборини сувдан бўшатиш ва пастки бъефга чиқариш ролини бажаради. Юқори бъеф сув сатхидан пастда жойлашган чуқур жойлашган сув қабул қилгич тирқиши чуқурлиги затвор ҳаракат қилиши мумкин бўлган, унга йўл қўйиладиган босим билан аниқланади. Катта босимларда яруслар бўйича жойлашган бир нечта чуқур жойлашган тирқишлиар ўрнатилади (3.23-расм).



3.22-расм. Юқори босимли гидроузелнинг туннелли сув ташлагичлари:
а-юзада жойлашган сув қабул қилгич билан; б- чуқур жойлашган сув қабул қилгич билан; 1-қурилиши сарфларини ўтказувчи туннел; 2-затворлар камераси; 3-сув ташлаш туннели; 4- бетонли тиқин; 5-затворларни бошқарадиган шахта.




3.23-расм. Бир нечта сув қабул қилгичли туннелли сув ташлагич:
1-панжара; 2-ҳаво келувчи жсой; 3-қурилиши туннели.

Юздан сув олувчи туннелли сув ташлагич сув қабул қилгичи кўп ҳолларда ясси ёки сегментли затворлар билан тўсиладиган амалий профилли ёки кенг остонали фронтал водослив кўринишда бажарилади. Бундай водосливда босим 20 м ва ундан ортиқни ташкил қилиши мумкин. Баъзи бир алоҳида ҳолларда, асосан тик ёнбағирлар бўлганда, сув ташлагич бош қисмини ён томонга сув олувчи хандакли водослив кўринишда бажарилади (3.24-расм).

Юза жойлашган сув қабул қилгичли туннелли сув ташлагичлар одатда сув ўтказувчи трактнинг умумий узунлиги бўйича босимсиз оқим режимида лойиҳаланади. Чуқур жойлашган сув қабул қилгичли сув ташлагичларда бошқарадиган затворларнинг жойлашувига боғлиқ ҳолда оқим режими босимли ва босимсиз бўлиши мумкин. Затворлар туннелнинг бошида жойлаштирилганда затвор олдидаги туннелнинг учта катта бўлмаган узунлигига оқим босимли, узунлигининг қолган қисмида эса босимсиз режимда бўлади. Агар бошқарадиган затворлар туннелнинг охирида жойлаштирилганда, трассанинг умумий узунлиги бўйича оқим босимли бўлади.

Кулай гидравлик шароитларни таъминлаш учун туннелли сув ташлагичларга, шахтали сингари, одатда планда тўғри чизиқли кўриниш берилади (3.17-расмга қаранг). Бу оқимнинг катта тезликлар шароитида бурилишларда айланиб ўтувчи қурилмаларни ўрнатмасликка имкон яратади. Туннелли сув ташлагичларга сувни фронтал келиши қулай ишлаш шароитлари билан характерланади. Улар битта туннелдан $5\ldots6$ минг $\text{m}^3/\text{с}$ гача сарфларни ўтказишида қўлланилади. Бунда оқим энергиясини сўндириш шахтали сув ташлагичнинг сув ўтказувчи тракти каби амалга оширилади



3.24-расм. Хандакли сув қабул қылғичли түннелли сув ташлагич:

а-сув ташлагич планы ва бўйлама кесими; б-қуишиши қиррасидаги водосливнинг уч қисми.

3.3.5. Сифонли сув ташлагичлар.

Сифонли сув ташлагичлар автоматик тарзда ишлайдиган қувурли сув ташлагичларнинг бир кўринишидир. Улардан сувни гидроузел юқори бъефдан пастки бъефга ташлаш учун фойдаланилади. Сифонлар конструктив жиҳатдан бетонли тўғон танаси ичига ётқизилган, вертикал текисликда букилган (қайирилган) тўғри бурчакли ўзгарувчан кесимли бир қатор қувурлар кўринишида бажарилади (3.25-расм). Уларнинг кириш қисмига тўғри чизиқли конфузор кўриниш берилади. Конфузор кириш кесими баландлиги $a_{кирп}$, сифон тепасидаги қувур баландлиги α дан 1,5...2 марта ортиқ (катта) бўлади.

Киришдаги сифоннинг юқори қирраси (3.25-расм, д) НДС дан маълум қийматда пастда жойлаштирилади.

$$\delta_1 = \frac{g_{кирп}^2}{2g}, \quad (3.23)$$

бунда $g_{кирп}$ - кириш кесимидағи ўртача тезлик

δ_2 - қиймати қуйидаги формуладан аниқланади


$$\delta_2 = a_{кирп} \left(1 - \frac{1}{r_1} \frac{g_{кирп}^2}{2g} \right). \quad (3.24)$$

Сифон тепасига жойлашган, унинг эгри чизиқли қувурли қисмига радиуслар билан чизилган доиравий кўриниш берилади:

$$r_1 = 1,3a; \quad r_2 = 2,3a,$$

бунда a - сифон тепасидаги қувур баландлиги.

Сифон қувури кенлиги b ни (1,5...2,5) аоралиғида қабул қилинади.



3.25-расм. Сифонли сув ташлагичлар:

а,б-киши қисми күмилган сифон; в-ҳаво тұсигини ҳосил қылувчи сифоннинг учи; г-оқимни бурадыган погона схемаси; д-сифонли сув ташлагич киши қисми.

Сифонли сув ташлагичлар тепаси НДС да жойлаштирилади. Юқори бъефдаги сув сатхى 0,2...0,3 м күтарилиганды сифон түлиқ кесим билан ишлай бошлайды. Сифон ичидә вакуум ҳосил қилиш учун сифоннинг чиқиши тирқиши орқали ҳаво келишига йўл қўймаслик керак. Буни бир неча усуслар билан амалга ошириш мумкин: 1) қувур пастки қисми пастки бъеф сув остига туширилади (3.25-расм, а); 2) сифондан чиқишида букилган қувурларни қўллаб, сув тиқинини (пробкасини) ҳосил қилиш (3.25-расм, б); 3) сув ўтказувчи пастки қисм юзасида трамплинни ўрнатиш, бунинг натижасида жилға ундан чиқишида қарама-қарши деворга отиб ташланади ва ҳаво ўтказмайдиган сув плёнкаси ҳосил бўлади (3.25-расм, в,г).

Сифон ишлашини тўхтатиш учун унинг ичига ҳаво юборилади, вакуум йўқолади ва сифон ишлаши тўхтайди. Ҳавони юбориш сифон киши қисмидаги НДС да жойлашган ҳаво қувурлари орқали амалга оширилади.

Сифоннинг сув ўтказиш қобилияти қўйидаги формуладан аниқланади

$$Q = \mu \omega \sqrt{2gZ_0}, \quad (3.25)$$

бунда μ - сарф коэффициенти, 0,75...0,85 га тенг; Z_0 -сув омбори гидроузелдаги сатхлар фарқи.

Сифон ичидаги вакуум 8...8,5 м гача йўл қўйилади, уни ошиши натижасида жилға узлуксизлигини йўқотади ва сифон ишлаши тўхтайди. Сифон ўқи бўйича, ихтиёрий кесимда, $O-O$ таққослаш текислигидан У масофада жойлашган вакуум қиймати қуйидаги формуладан аниқланади.

$$h_{\text{вак}} = p_e - p = y + \frac{g^2}{2g} (1 + \sum \xi) - H \quad (3.26)$$

бунда p_e -атмосфера босими; p - $O-O$ таққослаш текислигидан у баландликда сифон қувуридаги босим; ϑ -сифондаги чиқиш тезлиги; $\sum \xi$ - қаршилик коэффициентлари йигиндиси.

Сув сарфлари катта бўлганда ва катта ўлчамли кўндаланг кесимда бир неча сифонларни ёнма-ён жойлаштириш тавсия этилади. Ҳар бир сифон тепаси ҳар хил сатҳларда ўрнатилади, бу билан пастки бъефда кучли тўлқин ҳосил бўлишига йўл қўймайди. Водосливларни ҳар хил баландлик ҳолати сифонларни ишдан тўхтатишни ҳам кетма-кет олиб боришга имкон беради.

Сифонли сув ташлашгичлар қатор афзалликларга эга, булар жумласига қуйидагиларни киритиш мумкин: 1) сифоннинг сув ўтказиш қобилияти бошқа водосливларнига кўра бир неча марта ортиқ; 2) сифоннинг сув ўтказиш қобилияти катта бўлишига қарамай, унинг ичидаги сувнинг тезлиги сувнинг тезлиги сифон материалига йўл қўйиладиган тезликдан ошмайди; 3) юқори бъефда сув сатҳи унча катта кўтарилимаганда ҳам сифон автоматик тарзда ишлайди.

Сифонларнинг камчиликлари: 1) қиши даврида эксплуатация қилиш қийин; 2) алоҳида қисмларнинг титраши (вибрация); 3) сифонда оқим тезликларини катта бўлиш уларнинг бурилиш ерлари юзаларида босим ва вакуум юқори бўлади; 4) мураккаб қолипларни қўллаш ва деворларни кўп арматуралаш зарурлиги

3.4. Сув ташлаш иншооти турини танлаш.

Сув ташлагич тури қуйидагиларни ҳисобга олган ҳолда танланади: 1) тўғон тури ва ундаги босим; 2) тошқин ва қурилиш давридаги сарфлар; 3) ишларни ташкил қилиш умумий схемаси ва қурилиш сарфларини ўтказиш; 4) гидроузел худудидаги майдоннинг топографик, геологик ва гидрогеологик шароитлари; 5) эксплуатация қилишининг ўзига хос хусусиятлари; 6) техник-иктисодий таққослаш маълумотлари.

Унча баланд бўлмаган грунтли тўғонларда тепаликлар ўртасидаги пастликлар орқали сувларни ташлаб юбориш мумкин. Паст босимли гидроузелларда тезоқар кўринишидаги каналлар кўп қўлланилади. Улар 10 m^3/s гача бўлган сарфларни ташлаш учун мўлжалланган.

Бир хил бошқа шароитларда иншоот тугунида грунтли ёки тош-тўкма тўғон мавжуд бўлса, курилиш сарфларини ўтказиш зарурати вужудга келмаса, ўзандаги қирғоқдаги сув ташлагич афзал. Қирғоқдаги сув ташлагич битта иншоотдан масимал ташланадиган сарфлар $5000 \text{ м}^3/\text{с}$ гача ва уни келувчи ва кетувчи каналлардаги кичик ҳажмли қўпроқ ишларида барпо этиш имкони бўлганда қўлланилади. Кўпинча ташланадиган сарф $10\ldots12 \text{ м}^3/\text{с}$ гача етади.

Хандакли ва шахтали сув ташлагичларни кояли грунтларда ва ёнбағирлари тик қирғоқларда қўллаш мақсадга мувофиқдир.

Сифонли сув ташлагичларни тез келадиган тошқин сувларида ва сув омбори нисбатан унча катта бўлмаган тўплаш (йифиш) қобилияти бўлганда қўллаш мақсадга мувофиқдир.

Шахтали, хандакли ва кетувчи қисми туннел ва шахта қўринишидаги сифонли сув ташлагичларни ташланадиган сарфлар $5000 \text{ м}^3/\text{с}$ гача бўлганда қўлланилади.

Ёпик туннелли ташлагичларни туннел курилиш сарфларини ўтказишида ҳам фойдаланилганда қўллаш мақсадга мувофиқдир.


3.5. Сув чиқарувчи иншоотлар турлари ва уларни қўлланиш шартлари.

3.5.1. Қувурли сув чиқаргичлар.

Сув омборида тўпланадиган сув захираси суғориш, сув таъминоти, яйловларга сув чиқариш ва бошқа мақсадлар учун ишлатилади. Сув омборидан сувни улар ёрдамида олиб ва сув ўтказувчиларга узатиш (қўпроқ каналлар) ва истемолчига етказиб бериш сув чиқарувчи иншоотлар ёрдамида амалга оширилади.

Суғоришга сув чиқариш баҳор - ёз ойларида ва қисман куз даврида амалга оширилади. Бошқа мақсадлар учун, масалан сув таъминоти ва гидроэнергетика учун сув йил давомида тўхтовсиз олинади. Истемолчига бериладиган сув миқдор вақт бўйича ўзгаради. Чиқариладиган сув сарфларининг ўзгариши сутка давомида ҳам рўй беради. Сув чиқариш иншоотида сарфларни ростлаш затворлар билан бошқарилади.

Чиқиша ўрнатилган затворли босимли қувур туридаги сув чиқаргич. Бундай турдаги сув чиқаргичлар унча катта бўлмаган сув омборларида (ҳавзалар) сарф $0,3\ldots0,5 \text{ м}^3/\text{с}$ катта бўлмагандага қўлланилади (3.26-расм).



3.26-расм. Чиқиша ўрнатилган затворли босимли қувур туридаги сув чиқаргич:

1-қувур; 2-диафрагмалар; 3-затвор; 4-сув урилма қудуқ; 5-кетүвчи канал.


Сув чиқаргич заминдаги табиий грунтда тұғон танаси тағида ётқизилган қувурни ифодалайды. Күпроқ заводда ишлаб чиқылған металл, темир-бетон, ҳамда абестоцемент қувурлар қўлланилади. Затвор туридаги задвижка қувурнинг чиқиши қисмида ўрнатилади.

Сув чиқаргич босимда ишлайди, қувурнинг чиқиши кесимидан кейин, сув энергиясини сўндириш учун сув урилма девор ёки бошқа турдаги сўндиригич ўрнатилади. Грунт билан қувур туташган жойда фильтрация сувларига тўсқинлик (қаршилик) қилиш учун, қувур узунлиги бўйича бир нечта диафрагмалар ўрнатилади.

Киришда ўрнатилган затворли босимсиз туридаги қувурли сув чиқаргич. Затворларни қувурнинг чиқиши қисмида ўрнатиш сув чиқариш эксплуатациясини яхшилайды. Бунда гидравлик режим босимсиз белгиланади, бунинг натижасида белгиланган ФХС да сув чиқаргичдан кейин каналда сув сатҳи кўтарилади, демак сугориладиган майдонлардаги ўзи оқар сув сатҳи ошади (3.27-расм).

Сув сарфлари затворлар билан бошқарилади, уларни сув чиқаргичнинг кириш каллагида жойлаштирилади. Затворлар бетон каллакка таянган кўтариб турувчи устунларга ўрнатилган хизмат кўпригидан бошқарилади. Бундай сув ташлагичлар босим 7 м гача бўлганда қўлланилади.

Сув чиқаргич қувурлари заминдаги табиий грунтда ётқизилади. Сув чиқариш сарфи ошганда кириш ва чиқиши шакллари умумий бўлган икки - уч қаторли қувурлар қўлланилади. Энергия чиқиши каллагига зич туташган сув урилма қудуқда сўндирилади.




3.27-расм. Босимсиз қувур туридаги сув чиқаргич:

1-келувчи участка; 2-бетонли каллак; 3-затвор; 4-босимсиз қувур; 5-хизмат күприги.

3.5.2. Қувурли - минорали сув чиқаргичлар.


Бундай турдаги иншоотлар III ва IV синфли грунтли тұғонларда кенг құлланилади. Минорали сув чиқаргич қуидеги асосий қисмларидан ташкил топади: босимли қувур ёки очиқ канал күринишидеги келувчи участка; минора; кетувчи босимсиз қувур; энергия сұндаргичлар; хизмат күприги; минора устидеги қурилган бино (3.28-расм). Минора учта характерлы ҳолатда бўлиши мумкин (3.29-расм): юқори қиялик товони олдида; тахминан унинг ўртасида; тұғон тепаси чети олдида. Шу билан бир қаторда у учта асосийларга нисбатан ихтиёрий оралиқдаги ҳолатда бўлиши мумкин.



3.28-расм. Минорали сув чиқаргич:

1-минора; 2- минорадаги затворлар; 3-босимсиз қувур; 4-сув урилма қудук; 5-кетувчи канал; 6-хизмат күприги; 7-минора устига қурилган бино.

Минора юқори қиялик товони олдида жойлаштирилганда (3.29-расм, а) келувчи канал бўлмайди, сувни чўкиндиларга жуда кам тўйинган сув омборининг юқори қатламларидан олиш мумкин. Бунда миноранинг олди томони бўйича деразалар ўрнатилади ва улар затворлар билан тўсилади. Минорани шандорли девор ўрнатилади, бундай жойлаштиришда узун хизмат кўприги ташлаб қилинади, миноранинг устиворлиги камроқ бўлади, чунки у умумий баландлиги бўйича тўлқин, муз ва шамол таъсири кучлари остида бўлади.



3.29-расм. Минорани жойлаштириш варианatlари:
а-юқори қиялик товони олдида; б-тахминан қияликнинг ўртасида;
в-тўғон тепаси чети олдида.

Минора тўғон тепаси олдида жойлаштирилганда (3.29-расм, в) хизмат кўприги бўлмайди, миноранинг устиворлиги ошади, лекин узун бўлган босимли келувчи участка ҳосил бўлади, сувни чўкиндиларга кўпроқ тўйинган сув омборининг фақат пастки қатламларидан олиш мумкин.

Минора тахминан юқори қиялик ўртасида жойлаштирилганда, кўрсатилган икки ҳолат оралиғида бўлади. Бу схема гидромелиоратив қурилиш амалиётида кўп учрайди (3.30-расм, б).


Минора затворларни бошқариш учун мўлжалланади. Унда иккита затвор ўрнатилади. Биринчиси келувчи участка тирқишини ёпади ва таъмирлаш ва кузатиш ҳолатларида минорани бекитиш учун мўлжалланади, иккинчиси эса миноранинг қарама - қарши деворига ўрнатилади кетувчи сув ўтказадиган тирқиши ёпади, у истемолчига узатиладиган сарфни ростлаш учун ишлатилади. Минорали сув чиқаргичларда ясси затвор қўлланилади, уларнинг пазлари миноранинг ички томонида ўрнатилади. Затворларни очилиб - ёнилиши минорада жойлашган кўтариб - тушириш механизмлари орқали

амалга оширилади. Затворнинг ҳаракатланувчи қисми шарнир ёрдамида металл штанга билан бирлаштирилади. У чигир орқали затворни кўтариш ва туширишни таъминлайди. Минора кесими доиравий, квадрат ва тўғри бурчакли бўлиши мумкин.

Тўғон тепаси сатҳида минора плита билан ёпилади. Миноранинг планда ўлчамлари 3...4 м дан катта бўлса қовурғали ёпмалар қўлланилади. Минора устига плита юқорисига бино қурилади. Ундан хизмат қилиш хоналари сифатида фойдаланилади, унда затворларни бошқарадиган механизмлар жойлаштирилади. Ёпмада қопқоқли туйнук мўлжалланади, затворларга тушиш учун минора деворлари бўйича тутқичлар ўрнатилади. Хизмат қилиш хонаси тўғон тепаси ёки қирғоқ билан кўприк орқали бирлаштирилади.

Минорадан кетувчи водовод (сув ўтказувчи) кесими кўпинча тўғри бурчакли бўлган қувур кўринишида бажарилади. Сув омборидан катта сув сарфлари чиқарилганда қувурлар кўп кўзли қабул қилинади, шу билан бирга ҳар бир тирқиши минорага жойлашган мустақил затвор билан ёпилади. Кетувчи водоводда оқим режими босимсиз ва ундаги тезлик 2...4 м/с қабул қилинади. Эксплуатация шароитлари бўйича қувур баландлигини 1,5 м дан кам қабул қилинмайди. Қувур чиқиши кесимидан кейин энергияни сўндириш учун сув урилма қудук ўрнатилади.

Минорасиз сув чиқаргичлар. Бундай иншоотлар ўрта босимли грунт түғонли гидроузелларда кенг қўлланилади ва уларни затвор камерали сув чиқаргичлар ҳам деб аталади (3.30-расм).



3.30-расм. Минорасиз сув чиқаргич:


1-кириши каллаги; 2-босимли қувур; 3-затвор камераси; 4- туташтирувчи участка; 5- босимсиз қувур; 6-эксплуатация қилиши галереяси.

Ушбу иншоотлар ўрта босимли грунтли түғонларда қўлланилади. Затвор камерасининг кенглиги затворлар сони ва уларнинг ўлчамларига боғлик. 3.30 - расмда затвор камераси түғон танасида жойлашган. Бу ҳолатда сув чиқариш қувури икки участка - босимли узунлиги λ_1 ва босимсиз узунлиги λ_4 . Камера билан босимсиз қувур орасида туташтирувчи участка жойлаштирилади, унда сув энергияси сўндирилади. Сув чиқаргичнинг характерли узунлиги түғон баландлигига, камера жойлашган ўрнига, кириш қаллаги остонаси сатҳ белгисига боғлиқдир. Камеранинг баландлиги унда асосий затворларни кўтарилиб туриш ҳолати ва эксплуатация қилиш галереясининг баландлиги ва жойлашган ўрнига кўра қабул қилинади.

3.5.3. Туннелли сув чиқаргичлар.

Туннел туридаги сув чиқаргичлар шакли ва ишлаш шароити бўйича қувурли сув чиқаргичларга ўхшаш. Кўпинча улар қурилиш ва эксплуатация қилиш сув ташлагичлари вазифаларини бажаради. Туннелли сув чиқаргичларнинг фарқи шундаки, уларни қирғоқлари мустаҳкам қояли грунтларда барпо этилади. Бунда галеря вазифасини қазилган туннел бажаради. Туннелда қувурларни ўрнатиб ва ўрнатмасдан туннелли сув чиқаргичларни бажариш мумкин. Туннел бўйича сувни ўтказишда сув чиқаргич босимли ҳам босимсиз режимда ишлаш мумкин, сувни қувурлардан ўтказишда фақат босимли режимда бўлади.


Сув чиқаргич затворлари туннел олдида жойлашган шахтадан (3.31-расм), ёки жинсни уйиб очилган вертикал шахтадан (3.32-расм), ёки туннелда ўрнатилган маҳсус камерадан бошқарилади.



3.31-расм. Туннелли минорали сув чиқаргич:

1-яssi затвор; 2-кўтариши механизми; 3-ҳаво юборувчи қурилма; 4-сегментли затвор

Туннелнинг шакли ва ўлчамлари эксплуатация талаблари ва уни барпо этишда ишларни бажариш, ускуналарни ўрнатиш ва таъмирлаш шароитлари бўйича қабул қилинади. Туннелнинг минимал баландлиги ва кенглиги 2,5 м.



3.32-расм. Туннелли шахтали сув чиқаргич:

1-затвор; 2-панжара; 3-чиғир; 4-кўтариши механизмлари учун хона; 5-шахта; 6- дросселли затвор.

Қопламани зарурлиги ва тури қоянинг характеристи ва оқимнинг тезлиги бўйича аниқланади. Қоплама кавитация эрозиясига қарши мустаҳкам бўлиши керак.

Туннелли сув чиқаргич трассаси кўпинча планда тўғри чизиқли балгиланади, айниқса улар босимсиз режимда ишласа.

3.6. Сув чиқаргич турини танлаш

У ёки бу турдаги сув чиқаргич тури қуйидагиларни ҳисобга олиб танланади: 1) ҳисобий сарф; 2) тўғон тури ва баландлиги; 3) қурилиш ишларини ташкил қилишнинг умумий схемаси; 4) эксплуатация талаблари; 5) техник-иктисодий кўрсатгичлар ва иншоот синфи.

Сув чиқарувчи иншоот турини танлашда иншоот жойлашадиган заминнинг характеристи жиддий таъсир кўрсатади. Заминнинг кучсиз ва сиқиладиган грунтларида галереяда ётқизиладиган қувурли сув чиқаргич ишончли ҳисобланади. Чунки бу турдаги сув чиқаргични ўрнатиш катта ҳаражатларни талаб қиласи, одатда галереядан аввал қурилиш сувларини ўтказиш учун фойдаланилади.

Замин мустаҳкам қояли жинсларидан ёки кам деформацияланадиган ярим қояли грунтлардан ташкил топган шароитларда сув чиқаргич қувурини бевосита грунта өткизишга йўл қўйилади.

Қирғоқлар қояли бўлган барча ҳолатлар учун сув чиқаргичнинг минорали турини қабул қилиш мақсадга мувофиқдир, у кўп ҳолларда эксплуатацион сув сарфларини ўтказиш учун туннелда қувур өткизишни талаб этмайди.

Унча баланд бўлмаган ва ўрта баландликдаги грунтли тўғонли гидроузелларда эксплуатацияси ишончли бўлган минорали турдаги сув чиқаргич ўрнатилади. Юқори босимли гидроузелларда минорасиз турдаги сув чиқаргич қўлланилади.

Назорат саволлари

1. Сув ўтказувчи иншоотларга таъриф беринг?
2. Сув ташловчи ва сув чиқарувчи иншоотларнинг қанақа турлари мавжуд?
3. Сув чиқаргичлар ростловчи затворлар жойлашиши бўйича қандай таснифланади?
4. Қирғоқда жойлашган очик сув ташловчи иншоотлар қандай жойлаштирилади?
5. Фронтал сув ташлагичлар қай тарзда ишлайди?
6. Тезоқар (туташтирувчи иншоот) қайси ҳолларда қўлланилади?
7. Кўп поғонали шаршаралар ўлчамлари нималарга боғлиқ?
8. Хандакли сув ташлагичлар таркибига нималар киради?
9. Хандакли сув ташлагич гидравлик ҳисоби қандай бажарилади?
10. Қирғоқда жойлашган ёпиқ сув ташлагичларнинг қанақа турларини биласиз?

IV. Бетон ва темирбетон тўғонлар.

4.1. Бетон ва темирбетон тўғоннинг асосий турлари ва уларнинг таснифлари.

ҚМК га кўра бетон ва темирбетон тўғон конструкцияси бўйича қўйидагиларга бўлинади:


1) *гравитацион* - массив (4.1-расм, а), кенгаювчи чоклар билан (4.1 - расм, б), заминдаги бўйлама бўшлиқ билан (4.1 - расм, в), босимли қиррадаги экран билан;

2) *контрфорсли* - массив контрфорсли (4.1 - расм, е), кўп аркали (4.1 - расм, ж) ясси ёпмалар билан;

3) *аркали* - $\beta = b / h \leq 0,35$ бўлганда, бу ерда b - тўғоннинг товони бўйича кенглиги; h - тўғон баландлиги; қисилган товонлар билан (4.1 - расм, и), периметрли чок билан (4.1 - расм, к), уч шарнирли тасма билан (4.1 - расм, м):

4) *аркали гравитацион* - $b / h > 0,35$ бўлганда, бу ерда b - тўғоннинг товони бўйича кенглиги; h - тўғон баландлиги; қисилган товонлар билан (4.1 - расм, и), периметрли чок билан (4.1 - расм, к), уч шарнирли тасма билан (4.1 - расм, м);

Кўпинча бўшлиқларга эга бўлган, грунт билан тўлдирилайдиган катаксимон тўғон (4.2, б; 4.3 - расмлар). Улар ҳам гравитацион (4.2, б; 4.3, а - расмлар), ҳам контрфорсли (4.3 - расм, в; д) бўлиши мумкин.




4.1- расм. Қояли заминлардаги түғонларнинг асосий турлари:

Гравитацион: а - массив; б - кенгаювчи чоклар билан; в - замин яқинидаги бүйлама бүшилиқ билан; г - босимли қиррадаги экран билан; д - анкерланган замин билан; **контрфорсли:** е - массив контрфорсли; ж - күп аркали; з - ясси ёпмалар билан.


Аркали: и - қисилган товонлар билан; к - периметрли чок билан; л - уч шарнирли тасма билан; м - гравитацион юн девор билан; 1 - кенгайян чок; 2 - бүйлама бүшилиқ; 3 - экран; 4 - олдиндан зүриқтирилган анкер; 5 - массив қолламлар; 6 - контрфорслар; 7 - аркали ёпма; 8 - ясси ёпма; 9 - периметрли чок; 10 - уч шарнирли чок; 11 - шарнирлар; 12 - гравитацион юн деворлар.

Бетон ва темирбетон түғонлар массив гравитацион түғонлар билан конструкцияси бүйича фарқланади (4.1, а; 4.2, а -расмлар), улардаги бетон ҳажми қисман камайтирилгани учун күпинча енгиллаштирилган деб аталади.



4.2-расм. Қоямас заминлардаги сув ташловчи түғоннинг асосий турлари:

a-водосливли; б-чукұр жойлашынан сув ташлагач билан; в-икки ярусли



4.3-расм. Катаксимон түғоннинг баъзи бир турлари:

а-қояли заминдаги бўшилиқларга эга бўлган, тош ёки гравий билан юклатилган гравитацион; б-А.М.Сенков таклиф этган тури; в,г-мос равишда қояли ва қоямас заминлардаги контрфорслар орасидаги бўшилиқ балласт билан юкланган; д-реверсивли пойдевор плитали контрфорсли; 1-қум; 2-фильтр.

Технологик вазифаси бўйича тўғонлар қуидагиларга бўлинади:

- 1) *устидан сув ўтказмайдиган* (4.1-расм, а,б,г,д,ж,з), улар орқали сув пастки бъефга ташланмайди;
- 2) *сув ташлайдиган*, улар орқали сув пастки бъефга ташланади. Улар водосливли тирқиши билан (4.1. в,е; 4.2-расмлар), ва икки ярусли (4.2-расм, в) қилиб бажарилади.

Тўғон асосий турларининг умумий тавсифлари. Бетонли ва темир - бетонли тўғонларни ҳар хил табиий шароитларда қояли, ярим қояли ва қоямас заминларда барпо этилади. Улардан гравитацион (устидан сув ўтказмайдиган) ва аркали тўғонлар фақат қояли заминларда, темирбетон ва водосливли гравитацион тўғонлар эса ҳам қояли, ҳам қоямас заминларда қурилади.

Охирги йилларда грунтлар механикаси ва заминларни яхшилаш услубларининг муваффақиятли ривожланиши қоямас заминларда катта босимли бетонли ва темир - бетонли тўғонларни қўллашга имкон берди. Айниқса Свир ва Волга дарёларида йирик тўғонлар қурилди.

Бетонли тўғонлар ҳар қандай иқлим шароитларида, ҳамда юқори сейсмиклик худудларда жойлашган дарёларда мувоффақиятли қўлланиб келинмоқда.

Бундай турдаги тўғонларнинг камчиликлари - уларни барпо этиш учун цементга ва металлга кетадиган харажатлар, уларни етказиб бериш учун транспорт харажатларни талаб қиласи; будан ташқари, бу материаллар баъзи бир шароитларда этишмаслиги ва нисбатан қиммат бўлиши мумкин.

Бетонли тўғонларни арzonлаштиришнинг иккита йўналиши мавжуд:

- 1) имкониятлардан фойдаланиб конструкцияни соддалаштириш (ундаги турли хил сув ўтказувчиларни, тирқишларни ўрнатишдан воз кечиши ёки уларни минимумга олиб келиш; қолиплар сонини камайтирувчи оддий массив гравитацион конструкцияни қўллаш). Бу механизацияни (баланд бўлмаган узун блокларни қатлам – қатлам қилиб токтогул усулда бетонлаш; конвейерларни қўллаш ва шу қабилар) кенг қўлланган ҳолда уларни юқори унумли усулларда барпо этиш; қурилиш чокларини яхлитламаслик (ёки чокларни қисман яхлитлаш); кам цементли шиббаланадиган (топталиб текисланадиган) бетон қоришмаларни қўллаш имкониятларини беради.

- 2) конструкцияни енгиллаштириш-контрфорсли ва контаксимон конструкцияларни қўллаш йўли билан бетон ҳажмини камайтириш,

иншоотни фазовий ишлашини ҳисобга олиш (аркали, секциялар орасидаги чоклар яхлитланган гравитацион түғонлар), анкерлаш ва ҳакозолар.

Хар бир аниқ ҳолат учун, бу шароитларда шу йўналишларнинг қайси бири ҳаммасидан кўра рационал ҳисобланиш масаласи тахлил қилинади. Бунда йўналишларни бирга қўшиш мақсадга мувофиқ бўлиш мумкин - конструкцияни енгиллаштириш (ишлаб чиқаришни сезиларли мураккаблаштиришга олиб келмайдиган) ва уни унумдорлиги юқори индустрисал услублар билан барпо этиш. Масалан, енгиллаштирилган массив контрфорсли Киров түғони ($h = 83\text{м}$) контрфорслари етарли даражада қалин қабул қилинган, уни қатламларга бўлиб барпо этиш мумкин.

Қояли заминлардаги гравитацион түғонлар (4.1-расм, б,г) массив гравитацион түғонларга (4.1-расм, а) нисбатан бетон ҳажми тахминан 8...15% га (баъзида 15% кўп) кам бўлади. Унча баланд бўлмаган анкерли түғонларда (30 м гача) катта миқдордаги бетон 50% тежалиши мумкин (Олт-на-Лейридж, $h = 22,5\text{ м}$). Контрфорсли түғонларни қуйидаги ўлчамларда қўллаш бетонни тежашга имкон беради: массив контрфорсли түғонларда 25...40% (4.1-расм, е), босимли ясси ёпмали түғонларда 25...45% (4.1-расм, з) ва кўп аркали түғонларда 30...60% ва ундан ортиқ (4.1-расм, ж). Қулай геологик ва топографик шароитларда нисбатан тор створларда аркали түғонлар (4.1-расм, и,м) бетон ҳажми ўхшаш шароитларда массив гравитацион түғон бетон ҳажмига нисбатан 50...80% ва ундан ортиқ камаяди. Аркали гравитацион түғонларда бетон ҳажми анча кам (20...30%).

Пул ҳаражатларининг иқтисод қилинган фоизи, табиийки, ишларни олиб боришининг мураккаблиги, бетон синфини оширилиши ва енгиллаштирилган түғонларда қолиб ишларининг ортиши туфайли бетоннинг иқтисод қилинган келтирилган фоизидан кичик. Қийматлар жуда кўпгина маҳаллий шарт-шароитлар: қурилиш сув сарфлари миқдори ва ўтказиб юбориш усули, ишчи кучи ва материаллар нархлари ва шу кабиларга боғлиқ.

Қоямас заминларда массив конструкцияларга (4.2-расм, а) нисбатан бетон сезиларли тежалади (20...45%). Бунга бўшлиқлари грунт билан тўлдирилган ҳар - хил катаксимон түғонларни қўллаш билан эришилади (4.2; 4.3-расмлар).


Массив гравитацион түғонлар (4.1-расм, а) ўзининг оддийлиги сабабли кенг тақалишига сазовор бўлди: кенгаючи чокли түғонлар (4.1-расм, б) баъзи бир ҳолларда муваффақиятли қўлланди, аммо кенг тарқалишига эришилмади; бўйлама бўшлиқли түғонлар (4.1-расм, в) айрим ҳолларда

қўлланилди. Буни шундай тушунтириш мумкинки, бундай турдаги енгиллаштирилган тўғонларда тежалган бетон унча кўп эмас, уларни қурилиш бўйича ишларни олиб бориш массив тўғонларда нисбатан анча мураккаблашади. Босимли қиррадаги экранли тўғонлар (4.1-расм, г) ҳозирча кам қўлланилди.

Анкерланган конструкциялар (4.1-расм, д) баъзи бир ҳолларда 55...60 м гача баландликдаги гравитацион ва аркали тўғонлар қурилишида қўлланилди. Катта баландликларда талаб қилинадиган анкерларни олдидан зўриқтириш самарасини олиш қийинчиликлари вужудга келади, буни ишончли анкерлашни бажаришга имкон берадиган яхши қояли заминда амалга ошириш мумкин.

Ҳар хил турдаги контрфорсли тўғонлардан охирги 30...40 йилларда энг кўп тарқалгани массив - контрфорсли (4.1-расм, е) бўлди, у етарли даражада қалин элементларга эга ва кам арматураланади (1 м^3 бетонга 5...15 кг пўлат ва ундан кам), бу эса улар қурилишини замонавий услубларда олиб бориш ва қаттиқ қишиш шароитларид қўллашга имкон туғдиради. Кўп аркали тўғонлар (4.1-расм, ж) жуда кам қўлланилади, уларни қуриш мураккаб ва кўп арматураланади (1 м^3 бетонга 30...50 кг ва ундан кўп пўлат ишлатилади). Босимли ясси ёпмали тўғонлар (4.1-расм, з) ҳозирги пайтда жуда кам қурилаяпти. Бундай тудаги янги тўғон турлари 1970 й. Малайзияда қурилган Мада тўғони ($h = 32 \text{ м}$) ва АҚШ даги Кордова ($h = 27,4 \text{ м}$, контрфорслар ўқлари орасидаги оралиқлар $l = 12,2 \dots 12,5 \text{ м}$) ларини айтиб ўтиш мумкин. Бу тўғонларнинг конструкцияси нисбатан юпқа деворли бўлганлиги учун замонавий ишлаб чиқариш шароитларига ҳар доим мувофиқ бўлмайди, одатда катта оралиқларни ёпмалар билан ёпиш мақбул бўлмайди.

Массив - контрфорсли тўғонлар кенгаювчи чокли гравитацион тўғонларга нисбатан жуда кўп тарқалган, чунки уларнинг конструкциясига кўшимача жиддий ўзгартиришлар киритмасдан бетонни жуда кўп тежаш мумкин. Контрфорсли тўғонларнинг гравитацион тўғонларга нисбатан ютуғи шундаки, уларнинг босимли қирраси тарафидаги заминда модули бўйича катта вертикал сикувчи кучланишлар σ_y^6 ҳосил бўлади (4.4-расм, а, б), бу эса цементли тўсиқ парда зонасидаги туташтирувчи чокларни очилиб кетмаслигини таъминлайди. Умуман контрфорсли тўғонлар ёнидаги заминда етарлича текис кучланиш эпюрасини олиш мумкин, бу эса уларнинг ютуғи ҳисобланиб, нисбатан паст модулли заминдаги тўғонларда амалга оширилган. Бунга контрфорс пастки қиррасининг пастки қисмини ётиқроқ қилиб эришиш мумкин (4.4-расм, в даги кўтарилиш 1).



4.4-расм. Массив гравитацион түғон заминида вертикал контактли кучланишларни тақсимланиши (а) ва уни яхшилаш усуллари (б-е):

б ва в- контрфорсли түғонга ўтиши; г-анкерлаш; д-вақтингачалик қия чокни ўрнатиш; е-“актив” чокни ўрнатиш; 1-күтарилиши; 2-анкер; 3-анкер бўлмаган ҳолатда түғон пастки қиррасининг талаоб қилинадиган ҳолати; 4-анкер бўлмагандаги профилнинг σ_y эпюраси; 5-худди шундай, анкер бўлганда; 6-яхлитланган қия чок; 7-сув омбори тўлдирилгунча σ_y эпюраси; 8-худди шундай, сув омбори тўлдирилганда; 9-яси домкратли актив чок; 10-сиқилиши бўлмагандаги σ_y эпюраси; 11-худди шундай, сиқилиши бўлганда (σ_y эпюраси замин таъсири ҳисобга олинмаганда берилган)

Умуман контрфорсли түғонлар танасида, массив - контрфорсли түғонлар танасига нисбатан кучланиш текисроқ тақсимланади (4.4-расм, а-в).

Массив гравитацион түғонларнинг кўрсатилган камчилигини (контакт чокда σ_y° модули бўйича кичик) анкерларни кўллаб (4.1, д ва 4.4, г-расмлар), бўйлама бўшлиқни ўрнатиб (4.4-расм, д), ҳамда яси домкратли актив чокни ўрнатиб (4.4-расм, е) йўқотиш ёки камайтириш мумкин.

Бошқа принципиал мухандислик ечим, модули бўйича ҳисобий сиқувчи кучланишлар σ_y° қиймати кичик бўлганда (ҳақиқатда чўзувчи бўлиши мумкин) гравитацион түғонларда туташтирувчи чоклар очилиши мумкинлигини ҳисобга олиб, 4.1-расм, г да кўрсатилганидек ҳосил бўлиши мумкин бўлган чўзувчи кучланишлар зонасидан юқори бъефга бир мунча чиқарилган қисқа понур тагига цементли тўсиқ парда ўрнатилади. Бундай

ечимда понур билан түғон танасини зичлаш жуда маъсулиятли ҳисобланади. Бу ечимни фақат түғон юқори қиррасида чўзувчи кучланишлар бўлишига йўл қўйилган ҳолатда керак бўлади деб ҳисоблаш мумкин. Бу эса ҚМҚ бўйича юқори қирғоқда гидроизоляция бўлганда рухсат этилади. Буни ҳар хил модулли нокулай заминларда кўриб чиқиш ўринли - агар түғон пастки қисм замини остида юқори қисми остига нисбатан кичироқ деформация модулга эга бўлса.

Аркали түғонлар тоғли худудли дунёning қўп мамлакатларида кенг тарқалган ва яхши эксплуатация қилиш билан ўзини кўрсатди. Одатда улар тежамли, чиройли, атрофдаги муҳитга яхши мослашади. Товонлари қисилган (4.1-расм, и), ҳамда периметрли чокли (4.1-расм, к) аркали түғонлар энг қўп тарқалган; қўпинча ён деворли түғонларда ҳам қурилади (4.1-расм, м). Яssi тизим сифатида ишлайдиган чоклар билан алоҳида аркаларга ажратилган (шунингдек уч шарнирли тасмалардан ташкил топган (4.1-расм, л) түғонларни қуриш мураккаброқ. Улар айрим ҳолларда унча катта бўлмаган баландликларда барпо этилади.

Охирги пайтларда вертикал кесими анча қийшайган гумбазсимон ($f/h \geq 0,05$) аркали түғонлар кенг тарқалган. Одатда бундай түғонларда кучланишни яхши тақсимланишига эришилади. Ҳозирги пайтда аркали гравитацион түғонлар нисбатан кам қурилмоқда. Уларни катта босимларда, етарли даражадаги кенг створларда ва түғон танасида сув чиқарувчи тирқишлиар сув ташлагич, гидростанция қувурлари жойлашганда қўлланилади.

Бетонли ва темир-бетонли түғонлар монолит бетондан қурилади. Фақат баъзи бир ҳолларда нисбатан унча катта бўлмаган баландликларга бундай түғонлар тўлиқ йиғма элементлардан бажарилади. Бундай түғонлар оммобоб намунавий иншоотлар ҳисобланмайди ва кўп ҳолларда кичик ва ўртача баландликдаги иншоотларда ҳам самара бермайди.

4.2. Тўғон қирғоқлари ва асосинини мустаҳкамлаш, уларни тиклаш қўйидагиган талаблар.

Тўғон иншоотлари учун заминни тайёрлаш. Бу ишлар берилган тўғон товонини сатҳ белгисигача котловани очиш, қоя юзасига ишлов бериш ва уни тозалаш, бетон ишлари бошлангунга қадар юзани ҳарорат ва бошқа таъсиrlардан ҳимоялаш, тўғоннинг бетон қисми товонини заминдаги жинслар билан боғланишини таъминлашдан иборат.

Қояли заминда котлованнинг ўлчамлари тўғоннинг бетон қисми товонининг шакли ва тўғонни замин ва қирғоқлар билан туташган қояни ўйиб ўрнатиш чуқурлиги бўйича аниқланади; бунда қурилиш операциялари учун автомобил йўллари, кран ости йўллари ва бошқалар ҳисобга олинади.

Қояни ўйиб ўрнатиш чуқурлиги ёки тўғон товонини сатҳ белгисини ўрнатиш техник ва иқтисодий жиҳатдан катта аҳамиятга эга. Юқори босимли тўғон мустаҳкам қояга қурилган бўлиши, барча юкламаларни ўзига ишончли қабул қилиш қобилиятига эга бўлиши лозим. Амалиётда қуйидагилар қилиниши керак: 1) заминдан аллювиал ва делювиал ётқизиқларни олиб ташлаш; 2) портлатиш ишларини қўлламасдан бўлакларга ажralадиган қояни олиб ташлаш; 3) пастда жойлашган массивга нисбатан, бўлакларга ажralмайдиган кучсизроқ бўлган юқори қатламини олиб ташлаш, ҳамда кучсизланган материал жойини олиб ташлаш.


Одатда қояни қазии эксковатор билан бажарилади, шу билан бирга бўлакларга ажralмайдиган қояни олдиндан портлатиш билан бузилади, аммо иншоот товонини лойиҳавий сатҳ белгисидаги қоя юзасини портлатиш ишлари бузилмаслиги керак ва мустаҳкам бўлган ўткир поғоналар бўлиши лозим. Бу талабларни бажариш учун охиргиси (чуқурлик бўйича) 0,5...1 м қояни перфораторли бурғулаш ёрдамида ёки отбойка болғалари билан қўлда, поналар, катта болғалар ёрдамида олиб ташланади.

Агар замин атмосфера таъсирларида қаттиқлиги ва мустаҳкамлиги камаядиган жинслар (сланцлар, опоклар, аргиллитлар) дан тузилган бўлса, бетон қуилишидан олдин заминнинг охирги қатлами кичик участкалар бўйича очилади. Бундай заминларни нурашдан сақлаш учун асфальт қоплама билан қоплаш тавсия этилиши мумкин.

Бетонлашдан олдин қояли замин лойли грунтдан, балчиқдан, ташландиқ нарсалардан, мой ва нефт қолидиқларидан ва шунга ўхшашиб материаллардан тозаланади.

Биринчи қатlam бетонлангандан кейин замин цементланади (4.5-расм). Тўғон товонининг юқори қисмида, айниқса фильтрацияга қарши тўсиқ парда зonasida, товон чокида чўзувчи кучланишлар пайдо бўлиши мумкинлиги сабабли боғловчи цементлаш қилинади. Тўғоннинг ўрта пастки қисмларидағи қояли грунт устига контактли ва мустаҳкамловчи цементлаш қилинади, чунки бу ерда катта сиқувчи кучланишлар содир бўлади ёки тўғон пастки қисми олдида замин бикрлигини ошириш зарурати вужудга келади. Замин ҳар хил жинслар билан туташган жойларда мустаҳкамловчи цементлаш қилинади.

Боғловчи цементлаш қояли замин ва түғон товони ўртасидаги бўшлиқларни тўлдириш учун хизмат қиласди. Бу бўшлиқлар қояли грунт устига ётқизилган бетоннинг қотиш жараёнида содир бўлади.



4.5-расм. Литиен (Эрон) түғони заминини цементлаш:

1-фильтрацияга қарши тўсиқ; 2-боғловчи цементлаши; 3-мустаҳкамловчи цементлаши; 4-заминдаги дренаж

Заминда мустаҳкамловчи цементлашни олиб бориш учун шахмат тарзда ёки квадрат тўр бўйича қудуқлар бурғуланади. Қудуққа металл қувурлар ўрнатилади, улар түғон пойдевор қисмининг бетон қалинлигига тенг бўлган микдорда заминдан юқорига чиқарилади. Цементли қоришма босим остида юборилади, шунга кўра юборилган қоришма натижасида заминдаги жинсларни кўтарилимаслигига қарши юклама ҳосил қилиш мақсадида түғон пойдевор қисмига киравчи, баландлиги 3...5 м ли бетон қатлами олдиндан ётқизилади.

Заминдаги мустаҳкамловчи цементлаш чуқурлиги 7...15 м га етади, боғловчи цементлаш учун эса қудуқлар 3...5 м чуқурликда бурғуланади.

1 м узунликдаги қудуқда, 0,1 МПа (1 атм) босимда, 0,01 л/мин дан кам бўлмаган сув сингдирадиган серёриқ жинсларни цементлаш мумкинлиги амалиётда тасдиқланган.

Заминларни яхшилаш услублари. Қояли заминларнинг нокулай хоссалари, масалан, ножинслилиги (ҳар хил қаттиқликдаги жинсларни мавжудлиги), қаттиқ жинслар орасига кучсиз аралашганда, катта ва нотекис деформацияланиш, тектоник зоналарнинг мавжудлиги, силжишга кам

қаршилик күрсатиши, ҳар хил конструктив - қурилиш тадбирларни ўтказиш натижасида камайтириш ёки умуман йўқ қилиниши мумкин. Юқорида келтирилган ноқулай хоссаларни йўқ қилиш учун замин яхлит цементланади, ёриқлар ва тектоник зоналар бетон билан бекитиб ташланади, массивлар бир - бири билан анкерлар ёрдамида боғланади, қозиқлар ва панжаралар ёрдамида, қатламлар орасига шпонкалар ўрнатилиб замин қаттиқлиги оширилади, кучсиз жинсларни бошқа материал билан алмаштирилади, кучсиз зоналар ёпмалар ёки гумбазлар билан ёпилади, заминда ва қирғоқ билан тулашган жойларда дренажлар ўрнатилади.


Заминни яхлит цементлаш. Заминни ёки унинг қандайдир зonasини яхлит цементлаш, замин деформацияланишини умуман камайтириш (унинг қаттиқлигини ёки деформация модулини ошириш) ҳолларида қўлланилади. Бундай турдаги ишлар асосан аркали ва кўп аркали тўғонлар учун, камдан-кам гравитацион ва массив - контрфорсли тўғонлар таянишини яхшилаш учун бажарилади. Яхлит цементлаш мустаҳкамловчи цементлаш каби, аммо баъзида заминнинг катта чукурликларини ва обласини эгаллайди. Бу цементлаш серёриқ жинсларда, айниқса тектоник ёки нураш натижасида ҳосил бўлган ривожланган серёриқ жинсларда самаралидир. Цементлашнинг самара бериши учун ёриқларда лойли тўлдиргичлар бўлса, у олдиндан ювиб ташланади. Бу бир гурӯх бурғу қудукларга босим остида сув юборилади, бита қолдирилган юувчи қудукдан эса тўлдиргичларни чиқариб юбориш йўли билан бажарилади. Бу кудук ювиб бўлингандан кейин худди шу йўл билан кейингиси ювилади.

Яхлит цементлаш серёриқларнинг геологик тузилиши ва характерига кўра деформация модулини 1,5...3 ва ундан кўпроқ оширади. Цементлашни самара беришини ҳар бир алоҳида ҳолат учун тажриба ишлари бўйича текширилади.

Қаттиқликни оширишдан ташқари яхлит цементлаш заминнинг мустаҳкамлигини ва сув ўтказмаслигини ва бирмунча уни силжишга қаршилик күрсатишини оширади. Қатламли жинсларда яхлит цементация қатламларга нормал йўналган деформация модулини оширади, шу сабабли заминнинг анизотропия даражаси камаяди.

Ёриқлар ва тектоник зонларни бетон билан бекитиши. Бўш материал билан тўлғазилган ёки очилиб қолган йирик ёриқ, тирқишлир ва тектоник зоналар, шунингдек, айрим юпқа кучсиз қатламлар заминни бир жинсликка эга бўлиши, тўғонда кучланишлар тўпланмаслиги, уни устиворлигини таъминлаш мақсадида керак бўладиган чуқурликда ёки узунликда зичланади

ва мустаҳкамланади. Юза томондан очик бўлган йирик ёриқлар ва тектоник зоналарни (4.6-расм) тўлдиргичлардан тозалангандан сўнг (босим остидаги сув оқими билан) ва қояга ишлов берилгандан кейин бетонланади. Мустаҳкам қоя олдида кучланиш тўпланиши ҳосил бўлмаслигига йўл қўймаслик учун вертикал ёки вертикалга яқин тўғон товони $h = (1\dots 1,5)d$ етарли бўлган чуқурликда бекитилади, бунда d - ёриқ кенглиги. Ёриқнинг жуда ётиқроқ қиялигига уни бекитиш чуқурлиги катта бўлиши керак, умуман бекитиш чуқурлиги заминнинг кучланиш ҳолатини тахлил қилиб қўйидаги шарт бўйича аниқланади, агар у изотроп ва области аниқланган бўлса, бунда тирқишининг унча аҳамияти бўлмайди. Йирик кучсиз зоналарда моделлаштириш услубидан фойдаланиш мақсаддага мувофиқдир.




4.6-расм. Йирик тирқишлиар ва тектоник зоналарни бекитиш:

1-қоя; 2-ёриқ; 3-ёриқ деворларини бўлаклаб бетон билан бекитиш; 4-контактлар ва зоналарни цементлаш; 5-юпқа бетон билан ёриқни бекитиш; 6 ва 7-мос равишда ёриқни ёки зонани бекитиш учун темир-бетонли плитада ёки гумбаз.

Ёриқларни бекитиш учун бетон синфига келганда, у деформацияланиши бўйича заминдаги қояли массивнинг ўртacha деформацияланишига тахминан мос келиши лозим.

Гравитацион тўғон замини кучли қояли бўлганда майдаланганди областга ва кучсиз заминга бетон тўлдирилади.


Агар тектоник зона катловонга чиқмаса, уни бетонлаш горизонтал ёки қияроқ ковланган ер ости йўлидан олиб борилади. 4.7 - расмда Варрагам тўғонини қирғоқ билан туташган ичи бўш (ковак) ташқи зонасини бекитиш кўрсатилган. Бу зона катловани очилгандан кейин қирғоқ қиялигининг хавфли деформациялари (юқорида жойлашган жинслар оғирлиги таъсирида) билан хавф туғдириши мумкин эди ва шунинг учун маҳсус шахта орқали олдиндан бекитилган.



4.7-расм. Варрагам түғонидаги тектоник зонани бекитиши:

1-котлован; 2-зонани бекитиши; 3-бетон билан түлдириши; 3-донани бетон билан бекитиши

Айниқса лойлы материаллардан түлгап баъзи бир ёриқлар түғон силжиши учун хавфли йўллар ҳисобланади (агар улар пастки бъефдаги юзага чиқса) (4.8-расм, а).




4.8-расм. Түғон заминини силжишга қаршилигини ошириш учун шпонкаларни жойлашуви:

а-Гранд-Питер түғони (АҚШ); 1-силжииш бўйича хавфли зоналар; 2-бетонли шпонкалар; б-Торрехон түғони (Испания); 1-түғон профили; 2-фильтрацияга қарши тўсиқ парда; 3-дренаж; 4-5-бетонли шпонкалар; 6-ампелитли слани; 7-сланцлар; 8-диабазлар; 9-цементланадиган қудуклар; 10-кузатув галереяси.

Торрехон түғонидаги каби жинслар контакти хавфлидир, бу ерда диабазлар ва сланцлар чегарасида кучсиз ампелитли сланц қатлами ётади

(4.8-расм, б). Агар заминнинг деформация шартлари бўйича ёриқни тўлиқ бекитиши талаб қилинса, унда бу ҳолатларда силжишзга қаршиликни ошириш учун бетонли шпонкалар ўрнатилади. Бундай шпонкалар кучланишини юқори массивдан мустаҳкам бўлган пастки массивга узатади (4.8-расм, б даги детал).

Худди шундай шпонкалар Санта-Евлалия тўғонини қирғоқ билан туташган жойларида ҳам ўрнатилган. Кузатув ва назорат қилиш қурилмалари билан биргаликдаги шпонка детали 4.9- расмда кўрсатилган.




4.9-расм. Санта-Евлалия тўғони (Испания) қирғоқ билан туташган жойида ёриқдаги шпонка:

1-ёрик; 2-бетонли шпонка; 3-дренаж галереяси; 4-айланиб ўтuvчи туннел

Майдада бўлакларга бўлинган қояли заминни ҳар хил бирютирувчилар, қозиқлар ва конструкциялар билан мустаҳкамлаши. Агар қояли замин ёрикларга ажralган бўлса, уни цементлаш етарли бўлмайди ёки уни самараси кам бўлади. Бу ҳолатда замин яхлитлиги пўлат ёки металл анкер кўринишидаги бирютирувчиларни ўрнатиш билан таъминланади.

Масалан, Кастийон тўғони ёнидаги қирғоқ қиялиги яхлитлигини таъминлаш учун бетонли контфорслар (4.10-расм. а,1) ўрнатилган, улар пўлат анкерлар (2) билан қояга қисилган. Пўлат анкерлар диаметри 30 см ли бурғу

кудуқларга жойлаштирилген ва қояға 30...40 м чуқурликда цементланган (3). Анкерлар 9 МН (900 т) зўриқиши билан тортилган.



4.10-расм. Заминни анкерлар ва қозиқлар билан мустаҳкамлаш:

a-Касийон тўғони; б-Авентино тўғони

Лойли қатламланишга эга бўлган кучсиз қояли замин, масалан, Авентино контрфорсли тўғонини қоямас грунтли заминга қозиқли курилмаларни ўрнатиш услуби каби мустаҳкамланади (4.10-расм. б). Авентино тўғон замини диаметри 9,5 см ли қудуқларга цементланган, 24 ва 30 мм ли анкерлар кўринишидаги қозиқлар билан мустаҳкамланган.

Тўғон товони остида унинг юқори томонидан фильтрацияга қарши тўсиқ пардалар ўрантилади (4.5- расмга қаранг), ва водийнинг ёнбағирларига узунликда давом эттирилади. Улар бурғу қудуқлар қатори кўринишида бўлиб, уларга кўпинча цементли қоришма юборилади. У ёриқларни тўлдиради ва кам сув ўтказадиган тўсиқ ҳосил қиласи. Баъзи бир ҳолларда тўсиқ парадалар заминга киритилган бетонли тўсиқ пардан ифодалайди.

Қояли заминларда тўсиқ парданинг чуқурлиги замин юзасидан тирқишининг чуқурлик бўйича тарқалишига боғлиқ: сув ўтказадиган жинс қалинлиги кичик бўлганда тўсиқ парда сув ўтказмайдиган жинс қатламигача етказилади: қалинлиги катта бўлганда - зонагача, бу ерда жинсларнинг серёриклиги шу қадар камаядик, бурғу қудуқнинг солишигарса сув шимувчанилиги 0,01...0,05 л/мин гача камаяди (кичик рақам тўғондаги босим 30 м гача, катта рақам босим 100 м ва ундан юқори бўлганда тааллуқлидир). Амалиётда тўсиқ парда чуқурлиги тўғондаги босимнинг 0,5...0,8 ни ташкил қиласи.

Тўсиқ парда қалинлигини аникловчи қудуқлар бўйлама қаторлари сони шундай белгиланадики, бунда тўсиқ парда орқали ўтувчи (у мутлақ сув ўтказмайдиган бўлиши керак) максимал фильтрация градиенти йўл қўярлик

қийматдан катта бўлмаслиги керак. Йўл қўярлик градиент қиймати 4.1-жадвалдан аниқланади.


4.1-жадвал

Тўсиқ парда заминининг сув ўтказувчанлиги		Йўл қўярлик фильтрация градиенти $J_{\dot{u},k}$
Солиширма сув шимувчанлик, л/мин	Фильтрация коэффициенти, см/с	
0,05	$1 \cdot 10^{-4}$	10
0,03	$6 \cdot 10^{-5}$	15
0,01	$2 \cdot 10^{-6}$	20

Тўсиқ парда танасидаги максимал фильтрация градиенти (унинг юқори кесими) $J_{\dot{u},k}$ тахминан тўсиқ пардадан олдин ва кейин фильтрация оқими босимлари фарқини тўсиқ парда қалинлиги нисбатига тенг. Тўсиқ парда пастки қисми охирида фильтрация градиенти нулга тенг, шунинг учун тўсиқ парда ўзгарувчан қалинликка эга: қудуқлар бир неча қатор бўлганда уларнинг бир қатори тўсиқ парданинг юқорисидан заминнинг цементланадиган қатламини пастки қисмигача етказилади.

Қаторлар орасидаги масофа қоянинг серёриқлик қўрсаткичига боғлиқ, одатда у 1,5...2 дан 3...4 м гача бўлади; тахминан қатордаги қудуқлар орасидаги масофа ҳам худди шундай.

Литиен тўғон остидаги тўсиқ парданинг цементлаш қудуқлари жойлашуви 4.11-расмда қўрсатилган (4.5-расмга қаранг). Мураккаб геологик тузилишда цементлаш қудуқларни заминнинг турлича сув ўтказувчанлигига боғлиқ ҳолда ҳар хил оралиқ масофада жойлаштирилади ва турли хил чуқурликда бўлади.



4.11-расм. Летиен түғони (Эрон) цементли түсік пардаси:

1-дренаж; 2-пастки түсік парда; 3-ГЭС биноси; 4-юқори түсік парда (асосий); замин жинслари; 5-оқ кварцитлар; 6-қизил кварцитлар; 7-сланцлар; 8-сланцлы охактоши; 9-брекчий зонаси; 10-яшил олигооцен; 11-қизил кальций

Қудуқлар одатда тик (вертикал) күринишда бажарилади, аммо тик ёки тик ёриқларга яқын жойлашган бўлса, уларни ёриқларга қия, имконият даражасида перпендикуляр бажарилади. Охирги пайтларда түсік парда қудуқлари юқори бъеф томонга қия қилиб қурилмоқда.

Қудуқ диаметрини 45...76 мм оралиғида қабул қилинади. Унчалик катта бўлмаган цемент қатлами ётқизилгандан кейин қудуқларга цемент қоришимаси босим остида юборилади.

Түсік пардани ўрнатишда пластификаторлы қўшимчалар қўшилган цементли қоришимдан фойдаланилади: гидрофил ёки гидрофоб. Қоя бўшлиғида жинслар карстлардан кейин жойлашган шароитларда бетон ёки цемент - лой қоришимаси ёки битум билан тўлдирилади. Битум юбориб бажариладиган түсік пардалар нисбатан жуда кам қўлланилади: уларни цементли түсік парда агрессив сувлар таъсирида кучли коррозияга учраган ҳолларда қўллаш мақсадга мувофиқdir.

Тўсиқ парда одатда тўғон танаси ичидаги маҳсус галереядан ёки тўғоннинг босимли қирраси олдидағи маҳсус бетонли плитадан бажарилади (4.5-расмга қаранг): қирғоқдаги тўсиқ пардалар ер юзасидан олиб борилади, уларнинг чуқурлиги катта бўлганда – яруслар бўйича жойлашган маҳсус штолня ичидан олиб борилади. Тўсиқ парда қудуғининг охирги участкаси баъзида елпифич кўринишида жойлаштирилади (4.11-расмга қаранг).

Планда қирғоқдаги тўсиқ парданинг узунлиги ва йўналиши қуйидагилар асосида аниқланади: сув ўтказмайдиган жинсларнинг нураш жойи билан, тугонни айланиб ўтувчи фильтрация оқимининг депрессия юзаси ҳолати бўйича, сув омборидан кутиладиган тўғонни айланиб ўтувчи сувнинг йўқолиши, ҳамда қирғоқ қиялигининг силжишига қарши устиворлиги бўйича.


Ўша ҳолатларда, баъзан цементли тўсиқ пардани ўрнатиш қийин (кучсиз қояга, қояли жинслар бўш грунтлар қатлами билан алмашганда босим остида қоришка юборишга йўл қўйилмайди) ёки тежамли бўлмаса, тўсиқ парда бетонли девор ёки комбинациялашган девор кўринишида ўрнатилиб, уларнинг ости цементланади.

Заминдаги ва қирғоқ билан туташган жойдаги дренажлар. Қояли заминдаги дренажлар фильтрация режимини ўзгартирадиган кучли восита ҳисобланади, баъзида хатто тўсиқ парда ёки понурга нисбатан самарали бўлади. Тўсиқ пардани ва дренажни бирга қўллаш максимал самара беради.

Тўғон остидаги дренаж ёки заминдаги қатор қудуқлар, ёки галереялар (штолнялар), ёки тўғон товонидаги бўшликлар, пастки бъеф билан қувурлар, галереялар, дренажлар кўринишидаги қурилмани ифодалайди (4.12-расм).

Диаметри 20...25 см дан кичик бўлмаган қаторда бир - биридан 2...5 м масофадаги дренаж қудуқлар цементли тўсиқ парда орқасида (пасти бъеф томонга) жойлаштирилади. Агар қатордаги масофани l деб қабул қилинса, унда дренаж қудуғи тўсиқ пардадан (2...3) l га teng масофада жойлаштирилади, ҳар эҳтимолга қарши 4 м дан узоқ бўлиши керак. Агар цементли ва дренаж қудуқлар тўғон танасидаги битта галереяга ўрнатилса, унда дренажни вертикал қилинади (4.12-расм, а), ёки униси ҳам буниси ҳам ҳар томонга йўналган қия бажарилади. Лекин дренаж қудуқларини тўғондаги маҳсус галереядан қилиш яхши натижа беради, ундан сув пастки бъефга олиб кетилади (4.12-расм, б). Бу ҳолда дренаж эксплуатация қилиш енгиллашади: унинг ишлашни ростлаш, қудуқларни тозалаш ва бошқалар.

Дренаж ишини кучайтириш учун иккинчи қатор қудуқлар қилинади. Туғон товони тагида, бўйлама ва кўндаланг галереялар тизими билан ҳам дренажни кучайтириш мумкин (4.12-расм, б).




4.12-расм. Түғон остидаги дренаж схемалари:

а-қия түсиқ парда 1 ва дренаж 2; б-aloхіда қисмлардан бажарилған вертикаль түсиқ парда 1 ва дренаж 2; в-қатламланған заминдагы дренаж; 1-2-мос равишида сув үтказмайдыған ва сувли қатламлар; 3-түсиқ парда; 4-дренаж; 5-бұшатувчи құвурлар

Дренаж қудукларининг чуқурлиги заминнинг характеристига боғлиқ. Ёриклар нисбатан бир хил бўлганда бу чуқурлик цементли түсиқ парда чуқурлигини 0,5...0,7 оралиғида бўлади. Қатламли заминларда дренаж қудуклари сувли қатламни кесиб ўтиши керак (4.12-расм, в). Ер ости сувлари оқими жуда кўп бўлса ёки чуқур босимли сувлар мавжуд бўлса, түғон орқасида пастки бъефда бўшатувчи қудуклар бажарилиши керак (4.12-расм, в). Улар фильтрация сувлари босими остида қояннинг юқори сув үтказмайдыған қатламини бузилишдан саклайди.

Түғон билан қояли массив туташган қирғоқдаги дренаж, бевосита түғон пастдаги қияликлар устиворлиги учун катта аҳамиятга эга.

Түғонни қирғоқ билан туташган жойида юқори бъефдан пастки бъефга айланиб ўтувчи фильтрация оқими пайдо бўлади. Пастки бъефга яқин фильтрация градиенти кўпаяди (4.13-расм, а) ва шунинг учун қирғоқдаги $b'bb''a$ массивига тенг таъсир этувчиси W_ϕ бўлган катта ҳажмий гидродинамик куч (ав'в штрихланган) таъсир қиласи (4.13-расм, а), бу куч массивнинг силжишини келтириб чиқариш мумкин. Түсиқ парда 1 ўрнатилганда (4.13-расм, б) бу кучлар камаяди, дренаж ўрнатилганда (4.13-расм, в) деярли йўқолади.



4.13-расм. Пастки бъефга түғонни айланиб ўтувчи фильтрация схемалари: *a*-түсик парда бўлмаганда; *б*-түсик парда 1 бўлганда; *в*-худди шундай, дренаж 2 ўрнатилганда


4.3. Бетонни зоналар бўйича ётқизиш ва түғон қирраларининг ҳимоя қатламлари.

Бетоннинг зоналар бўйича ётқизиш түғонни ишончли ишлашни таъминлаш мақсадида ва ишлаш шароитларига қўра ва түғонни арzonлаштириш учун унинг алоҳида қисмларига ҳар хил сифли бетон ётқизилади, яни түғон зоналарга бўлинади.

Зоналар бўйича бетонни ётқизишнинг афзаликлари: 1) қиммат бўлган бетон ҳажмларини қисқартириш (кавитацияга ва совуққа чидамли ва x.з); 2) ҳар хил мустаҳкамликдаги бетонни бузилишига ва зоналарни узок муддат ишлашига қўйиладиган талабларни қондириш (цемент ҳажмини камайтириш; хусусан арzonроқ бўлган шлакли портландцементларини, пуццолон портлантцементларни қўллаш ва x.з); 3) ётқизилган бетоннинг ҳарорат режимини ростлашда харажатларни камайтириш(кам иссиқлик чиқарадиган цементлардан фойдаланиш); 4) ҳар хил зоналардаги тўлдирувчиларга қўйиладиган талабларни камайтириш.

Зоналарга бўлиб бетонни ётқизишнинг камчиликлари: 1) бетон хўжалиги ҳажмини ошиши ва мураккаблашиши (ҳар хил тўлдирувчилар, қўшимчалар, икки уч хил турдаги цементларнинг мавжудлиги); 2) иш суратини бир оз камайиши.

Зоналарга бўлиб қўлланишнинг иқтисодий самарадорлиги иншоот бўйича умумий бетоннинг тахминан 10...20 % ни ташкил этади. Қурилиш меъёрлари ва қоидаларига кўра тўғон тўртта зонага бўлинади (4.14-расм); I - атмосфера таъсири остида жойлашган, сув оқиб тушмайдиган тўғон ташқи қисмлари ва уларнинг элементлари; II - юқори ва пастки бъефлар сув сатҳлари ўзгариш чегарасидаги тўғон ташқи қисмлари; вақти - вақти билан сув оқиб тушадиган тўғон қисмлари ва элементлари (сув ташлагичлар, сув чиқаргичлар, сув урилма қурилмаларва х.з); III - ташқи, ҳамда тўғон заминга туташган юқори ва пастки бъефлардаги фойдаланиш давридаги минимал сув сатҳидан пастда жойлашган. I-III зоналар билан чегараланганд, IV - тўғон ички қисми (контрфорсли ва енгиллаштирилган гравитацион тўғонлар ёпиқ бўшлиқларига туташган конструкциялар).



4.14-расм. Тўғонларда бетонни зоналар бўйича ётқизиш:
*а-устуда сув ўтказмайдиган; б-сув ташлайдиган; в-Зевск (сув ташлайдиган);
 I, IV - ҚМҚ бўйича ҳар хил синфли бетонлар*

Тўғонда бетоннинг тўрттадан ортиқ синфи бўлмаслиги керак, катта сонли синфлар учун маҳсус асослаш талаб этилади. Профилда зоналар чегарасини бетонланадиган блокларга бўлиш қурилиш режаси асосида белгиланади, аммо ҳар бир зона кенглиги 2 м дан кам бўлмаслиги керак. Амалиётда устунсимон қирқишида совуққа чидамли бетон зonasи қалинлигини блок узунлигига teng қабул қилинади: узун блоклар билан бетонланганда зона қалинлигини 3...4 м дан кам қабул қилинмайди; токтогул услубида бетонланадиган ҳисобий қалинликка жуда аниқ риоя қилиниши керак. Кавитацияга чидамли ва ейилишга чидамли бетонларнинг минимал қалинлиги 0,5...1,0 м бўлиши керак (устунсимон қирқишида у блок узунлигига teng). Ҳар хил зоналардаги деформация модулининг бир хил бўлмаслиги улар туташган жойда кучланганлик ҳолатини яхшилаш учун улар орқали

ўтиш зоналарини ўрнатиш ёки ҳар хил йириклиқдаги тўлдиргичларни қўллаб деформация модулини ростлаш мумкин.

4.2-жадвал.

Хисобий юкламаларга ва эксплуатация шароитларига мувофиқ тўғон ҳар хил зоналари учун мумкин бўлган бетон синфлари

Тўғон зонаси	Бетон синфи	Цементнинг тахминий синфи, кг/м ³
Массив - гравитацион тўғонлар		
Ички	$\begin{cases} B15,W2 \\ B20,W4 \end{cases}$	160 200
Сув остидаги ташқи	$\begin{cases} B20,W8,F100 \\ B25,W8,F100 \end{cases}$	230 250
Сув устидаги ташқи	$\begin{cases} B20,W8,F150 \\ B25,W8,F150 \end{cases}$	240 260
Юқори бъефда ўзгарувчан сув сатҳи	$\begin{cases} B25,W8,F250 \\ B30,W8,F300 \end{cases}$	270 290
Пойдевор қисмлари (замин билан туташтириш)	$\begin{cases} B20,W8,F100 \\ B25,W8,F100 \end{cases}$	240 260
Пастки бъефда ўзгарувчан сув сатҳида	Иқлимий ва эксплуатация шароитларига кўра асослаш талаб қилинади	
Водослив томонларини қоплаш	Мувофиқ тадқиқотларни олиб бориш натижасида оқим тезлигига кўра асослаш талаб қилинади	
Аркали - гравитацион тўғонлар		
Ички	$\begin{cases} B15,W4 \\ B20,W6 \end{cases}$	180 220
Сув остидаги ташқи	$\begin{cases} B20,W10,F100 \\ B25,W10,F100 \end{cases}$	240 260
Сув устидаги ташқи	$\begin{cases} B20,W10,F150 \\ B25,W10,F150 \end{cases}$	250 270
Юқори бъефда ўзгарувчан сув сатҳида	$\begin{cases} B25,W10,F250 \\ B30,W10,F300 \end{cases}$	280 300
Пойдевор қисмлари (замин билан туташтириш)	$\begin{cases} B20,W12,F100 \\ B25,W12,F100 \end{cases}$	250 270
Пастки бъефда ўзгарувчан сув сатҳида	Иқлимий ва эксплуатация шароитларига кўра асослаш талаб қилинади	

Водослив қоплаш	киррасини	Мувофиқ тадқиқотларни олиб бориш натижасида оқим тезлигига кўра асослаш талаб қилинади		
Тўғоннинг ҳамма танаси		Аркали тўғонлар $\left\{ \begin{array}{l} B30, W10, F200 \\ B35, W10, F300 \end{array} \right.$	290 325	

Эслатма. С:Ц қиймати ва маркибни танлаш бўйича маълумотлар курилиши меъёрлари ва қоидаларида келтирилган.

Илгариги вақтларда тўғоннинг ҳар хил зоналарида бир хил турдаги цемент сарфи билан ҳар хил бетон ётқизилган, баъзида цемент сарфини баландлик бўйича камайтирилган: ишлаб чиқаришдаги баъзи бир қийинчиликлари бир қатор тўғонларда зоналаштирилишдан воз кечишига олиб келди (Буюлдер, Днепрогэс тўғонлар). Ҳозирги вақтда тўғоннинг ҳар хил зоналарида қўпинча ҳар хил турдаги цемент ишлатилади (портланцемент, пущдолонли портландцемент, уч компонентли цемент ва бошқалар); бир қатор йирик тўғонларда (айниқса қаттиқ совук иқлим худудларда) ҳар хил зоналарда хоссалари кескин ўзгарувчан бетон ётқизилади, қўп миқдоридаги бетон ётқизилганда зоналар ўлчамлари курилиш блоклари ўлчамлари билан мосланади (боғланади). Унча совук бўлмаган шароитларда кичик сонли бетон синфини ишлатиш мумкин. Бетонни зоналар бўйича тақсимлашда одатда контрфорсли тўғонлар қурилган (Зейск, Киров, Андижан) (4.14-расм, в). Юпқа аркали тўғонларда зоналаштириш жуда кам қўлланилади. Баланд аркали-гравитацион тўғонларда баландлиги бўйича бетонни текис ётқизиш баландлик бўйича зоналаштириш принципига олиб келди. Масалан, Дворжак тўғонида (219 м, 1968...1971 йиллар, АҚШ) бетон синфлари В 21, В 15,5, В 10,5, В 8,5 мос равишда зоналар баландлиги 13, 30, 46 ва 130 м да пастдан юқорига қараб ётқизилган. Баъзида тўғоннинг пастки ва юқори қирраларида, ҳамда контрфорсларнинг ён қирралари бўйича (контрфорсли тўғонларда) бир вақтнинг ўзида қолип вазифасини бажарувчи юқори синфли бетондан тайёрланган йигма ёпмалар ўрнатилди (масалан, массив - контрфорсли Анди-жон тўғони).

Тўғоннинг ҳар хил зоналарида ҳар хил синфли бетоннинг тавсия этиладиган дастлабки қийматлари 4.2-жадвалда келтирилган.


Тўғон қирраларининг ҳимоя қопламалари (4.15-расм). Бу қопламалар қуйидагилар учун: 1) юқори ва пастки бъефлардаги ўзгарувчан сатхларда зоналарни бузилишидан ҳимоя қилиш; 2) ҳаддан ташқари қўп фильтрацияни

олдини олиш (айрим ҳолларда, кичик синфли бетондан қурилган тўғоннинг юқори қиррасида чўзувчи кучланишларга йўл қўймаслик); 3) тўғон танасининг сувнинг агрессив таъсиридан ҳимоялаш ; 4) тўғон пастки қиррасини ва тепасини ҳароратнинг катта фарқидан ҳимоялаш; 5) оқим ҳаракат қилаётган сиртларни кавитация таъсиrlаридан ҳимоялаш; 6) оқим ҳаракат қилаётган сиртларни чўқиндилар туфайли ейилишдан ҳимоя қилиш учун мўлжалланади.

Оддий ҳолларда зоналар бўйича қўйилган бетон асосий ҳимоя қопламаси ҳисобланади. Зоналар бўйича бетонни ётқизишда тўғон қирраларида қўшимча маҳсус тадбирларга йўл қўймаслик керак.

Қаттиқ совуқ иқлимда ўзгарувчан сув сатҳи зоналари жадал бузилишга учрайди. Бу зоналарда бузилишга қарши: 1) бетонни совуққа чидамлилигини ошириш ёки совуққа чидамлилиги юқори бўлган қопламаларни қўллаш; 2) гидроизоляция тўшамаларини ва қопламаларини ўрнатиш (гидроизоляция фақат ўзгарувчан сатҳдаги зоналарда бажарилади, сувга тўйинишини камайтиради, аммо бетонни бузилишига олиб келувчи иссиқлик намлик жараёнини йўқ қила олмайди); 3) иссиқлик гидроизоляцияларни қўллаш (энг самарали, чунки бузилишга олиб келувчи иссиқлик намлик жараёнини камайтиради ёки йўқ қиласди) чора тадбирлар қўйилади.

Босимли қирра гидроизоляцияси. Гидроизоляция сифатида асфальтли сувоқ (иссиқ ёки совуқ), битум билан бўяш, тош кўмир смолали қоплама қўлланилади. Уларнинг камчиликлари: 1) ультрафиолетли нурлар таъсирида бузилади; 2) паст ҳароратларда мўрт; 3) чўзишишга мустаҳкамлиги кам; 4) ранги қора. Битумли-полимерли композиция ёки асфальтполимербетон энг яхши хоссаларга эга. Келажакда полимерли гидроизоляция қопламалари кенг ривожланишга эга (шиша толадан бажарилган арматураловчи қатламли оксидли боғловчи билан), ҳозирча уларни нархи юқори. Комбинациялашган қопламалар ишлаб чиқилган (тошкўмир елимидан ва шиша матодан арматураланадиган эпоксидли); улар анча тежамли, юқори совуққа чидамлиликка, сув ўтказмасликка, чўзишишга етарли мустаҳкамликка, рангни ўзgartириш имкониятига эга; ишларни бажариш об-ҳавога боғлиқ бўлади. НИС Гидропроект маълумотлари бўйича шундай уч қатламли қоплама совуққа чидамлилиги 1000 циклдан юқори, сув ўтиказмаслиги босим 3 МПа гача бўлганда конструкцияда ёриқларнинг очилиши 2 мм гача йўл қўйилади.



4.15-расм. Тўғоннинг ҳимоя қопламалари:

а-гидроизоляцияли асфальтли экран; б,в-полимерли иссиқ гидроизоляцияли қоплама, мос равишида сирпанувчан қолидан кейин қўйиладиган ва ҳимоя девордан кейин қўйиладиган; 1-бетон; 2-қўйиладиган пенопласт; 3-арматураланган эпоксидли гидроизоляция; 4-листли металл; 5-анкер; 6-листли асфальт; 7-тўсувчи девор

Иссиқлик гидроизоляцияси, уни кимёвий воситалар билан зартирилган ёғочдан (хизмат қилиш муддати 20...25 йил), асфальт бетондан, енгил асфальтбетондан (масалан, асфальтокеромзит бетондан), пенопластилин (хусусан, пеноэпоксидли таркиблар ва бошқалардан) бажарилади. НИС Гидропроектда сув ўтказувчанлиги 0,4...0,6 МПа да, иссиқлик ўтказувчанлиги 0,035...0,092 Вт/(M·°C), ҳарорат ўтказувчанлиги 5·10⁻⁴...10·10⁻⁴ м²/с, иссиқлик сифими 0,71...1,34 кДж (кг·°C) ли пеноэпоксид қопламаси олинган. Ўзгарувчан сатҳларда бу зоналарда энг самарали конструктив тадбир-иссиқлик гидроизоляциядир.

Муз таъсирида полимер қопламалар мақсадга мувофиқдир - эпоксидли арматуралаш, муз бўлмагандага – эласто-неопреновли эпоксидно - каучуковийли ва ҳоказолар. Агрессив сувларда сув ости зонасида гидроизоляция экранини иссиқ асфальт қоришимасидан асфальт сувоқли гидроизоляция қилиб бажариш мумкин; совуқ асфальт гидроизоляцияли сувоқ ёки елимланган гидроизоляция; сатҳи ўзгарувчан зоналарда қўшимча ҳимоя қатламлари ўрнатилади. Келажакда полимер материалларни қўллаш кўзда тутилади.

Гравитацион тўғонларнинг пастки қирраларини иссиқлик ҳимоя қилувчи қатламларга эга эмас (аммо уларни эксплуатация деворида иссиқлик кучланиш ҳолатини ростлаш учун қўллаш мумкин). Ҳаво қатлами иссиқлик ҳимоя қилувчи девор ўрнига пенопластларни, енгил бетонларни, пеноэпоксид таркибларни ва бошқаларни қўллаш мумкин.

Назорат саволлари


1. Бетонли ва темир-бетонли түғонлар түғрисида умумий маълумот беринг?
2. Бетонли ва темир-бетонли түғонларни лойиҳалашга қандай талаблар қўйилади?
3. Бетонли ва темир-бетонли түғонларнинг қанақа турлари бор?
4. Түғон асосий турлари қанақа тавсифга эга?
5. Қояли заминларда қуриладиган түғонлар қоямас заминларда қурилганларга нисбатан нима билан фарқланади?
6. Массив Гравитацион түғон заминида вертикал контактли кучланишлар қандай тақсимланади?
7. Гидротехник бетонга қанақа талаблар қўйилади?
8. Гидротехник бетоннинг қандай асосий физик-механик хоссаларини биласиз?
9. Гидротехник бетоннинг марказий сиқилиш ва чўзилишга мустаҳкамлиги бўйича синфларини айтиб беринг?
10. Гидротехник бетоннинг сув ўтказмаслик ва совукқа чидамлилик бўйича қанақа маркалари белгиланган?
11. Бетон конструкцияларини кавитацияга чидамлилиги ва ёйилишга қаршилиги қандай оширилади?
12. Тўғон иншоотлари учун заминни тайёрлаш қай тарзда бажарилади?
13. Заминларни қанақа яхшилаш услублари мавжуд?
14. Бетонни тўғон зоналари бўйича ўтқизишни тушунтириб беринг?
15. Жойлаштириш ва конструкцияси бўйича бетонли тўғонлар қандай талабларга жавоб бериши керак?

V. Қояли заминлардаги устидан сув ўтказмайдиган бетонли массив гравитацион түғонлар

5.1. Массив гравитацион түғоннинг профили

Гравитацион түғоннинг тежамли профилини қуриш принциплари асослари. Силжишга қарши устиворлиги ўз оғирлиги билан таъминланадиган түғонлар гравитацион түғонлар деб аталади. Улар қаторига устидан сув ўтказмайдиган ва сув ўтказувчи түғонларни киритиш мумкин. Бу түғонларда асосий силжитувчи куч бўлиб гидростатик босимнинг горизонтал ташкил этувчиси ҳисобланади. Ушлаб турувчи куч бўлиб эса, доимий фойдали юкламадан ташкил топган ва түғоннинг ўз оғирлигига боғлик бўлган ишқаланишнинг реактив кучи, шунингдек түғоннинг сувга ботган горизонтал қисмiga таъсир қиладиган гидростатик босимни ташкил этувчи кучлари ҳисобланади. Чунки сув томонидан қўйиладиган юк түғонлар устиворлигини оширади, кўндаланг кесимини сувнинг гидростатик босим кучидан максимал фойдаланиладиган қилиб бажарилишини таъминлайди.

Түғоннинг назарий профили учбурчак шаклида қабул қилинади. Учбурчакнинг асоси бўйича кенглиги b , баландлиги h ва қирралар қияликлари ётиқликлари nb ва $(1-n)b$, бунда $n < 1$ (5.1 - расм). Түғонга таъсир этувчи асосий юкламалар, унинг ўз оғирлиги G , сувнинг гидростатик босимлари W_1 , W_2 ва фильтарция босими W_ϕ . Түғоннинг силжишга қаршилиги, унинг оғирлигига пропорционал бўлган уринма кучларни пайдо бўлишига боғлик бўлади, яъни $f_c(G + W_2 - W_\phi)$, бунда f_c - силжишга қаршилик коэффи-циенти, $f + cb/(G + W_2 - W_\phi)$ га teng. Ўз оғирлик босими ва сувнинг гидростатик босими учбурчак шаклидаги эпюра учидан унинг асоси томонига пропорционал равишда ошиб боради. Профилда ҳосил бўладиган кучланишлар, баландлик бўйича ҳамда чизиқли қонуният бўйича ўзгаради (заминга яқин зонадан ташқари). Бу ҳол асосий профил сифатида учбурчак қабул қилинишига сабаб бўлади. Түғоннинг тежамкор профилини қуриш учун берилган баландлик h бўйича асос кенглиги b ни топишдан, бундан замин бўйича силжишга ва мустаҳкамликка устиворлик шарти бажарилиши керак, яъни профилда чўзувчи кучланишлар бўлмаслиги ва сиқувчи кучланишлар йўл қўярлик қийматларгача чегараланган бўлиши керак. Гравитацион түғонлар профилини ҳисоблашда одатда икки ўлчамли масала кўриб чиқилади (икки томони очик деформация чоклари бўлганда), яъни түғон ўки текислигига фақат нормал таъсир этувчи кучлар ҳисобга олинади.



5.1 - расм. Түғон учбұрчаклы профилининг ҳисобий схемаси

Бетонли түғонларнинг асосий мустақамлик шарти - горизонтал ёриқлар-ни пайдо бўлишига сабаб бўладиган, бетондаги фильтрация натижасида горизонтал блоклардаги чоклар очилиб, у суффозия жараёнини ривожлантириб иншоотни узоқ муддат ишлашни камайтирадиган чўзувчи кучларни бўлмаслигидир.

Баъзи бир яқинлашувдан кейин номарказий сиқилиш формуласи бўйича түғон профилидаги кучланиш аниқланади (түғон бир метр узунлигига), чўзувчи кучланишлар бўлмаслиги шартига асосан қўйидаги қўринишда бўлади:

$$\sigma_y = \frac{N}{b} - \frac{6M}{b^2} = 0, \quad (5.1.)$$

бунда $N = G + W_2 - W_\phi$; M - замин профилининг оғирлик марказига нисбатан G , W_2 , W_ϕ куч моментлари.

(5.1.) формулага кучлар қийматларини қўйиб, заминдаги кенгликни аниқлаш мумкин:

$$b = \frac{h}{\sqrt{\frac{\gamma_1}{\gamma}(1-n) + n(2-n) - \alpha_1}}, \quad (5.2.)$$

Бу ерда: γ_1 ва γ - мос равища бетон ва сувнинг ҳажм оғирликлари;

α_1 - фильтрацияга қарши тадбирлар натижасида фильтрация босими пасайиш даражаси.

Амалдаги меъёрлар түғон танасидан чўзувчи кучланишларга йўл қўймасликдан ташқари босимли киррада сиқувчи кучланишларни бир оз захира билан таъминлашни талаб қиласи $\sigma_y = 0,25\gamma H$ (қарши босим ҳисобга олинмаган). Буерда: H - кесимни юқори бъеф сатҳидан пастга тушиши.

Бу ҳолда (14.2.) қўйидаги қўринишда бўлади

$$b = \frac{h}{\sqrt{\frac{\gamma_1}{\gamma} (1-n) + n(2-n) - 0,25}}. \quad (5.3.)$$

Илдиз остидаги ифодани n бўйича диференциаллаб ва ҳосилани нолга тенглаштириб, n нинг қийматига эга бўламиз, бу қийматда b минимал бўлади:

$$n = \left(2 - \frac{\gamma_1}{\gamma} \right) / 2. \quad (5.4.)$$

Бетоннинг ҳажм оғирлиги $\gamma_1 = 2,4 m/m^3$ ва сувнинг $\gamma = 1 m/m^3$ бўлганда $n = -0,2$ қийматга тенг бўлади, яъни профилнинг босимли қирраси юқори бъеф томонга оғиши керак. Ишлаб чиқаришда бундай қияликни ҳосил қилиш қийинчилик туғдиради, шунинг учун $n = 0$ қабул қилинади, яъни босимли қирра вертикал бажарилади.

Силжишга устиворликни қўйидаги кўринишда ёзишимиз мумкин:

$$K_c W_1 = f_c N \quad (5.5.)$$

бунда K_c - устиворлик захира коэффициенти.

Бу ифодага таъсир этувчи кучларни қийматини қўйиб, қўйидагига эга бўламиз.

$$K_c \frac{\gamma h^2}{2} = f_c \frac{bh}{2} (\gamma_1 + \gamma n - \gamma \alpha_1). \quad (5.6.)$$

бунда

$$b = \frac{K_c h}{f_c \left(\frac{\gamma_1}{\gamma} + n - \alpha_1 \right)}. \quad (5.7.)$$

Қояли заминлар учун $f_c = 0,7$ бўлганда; $\gamma_1 = 2,4 m/m^3$; $n = 0$; $\alpha_1 = 0,4$ ва (чегаравий ҳолатда) $K_c = 1$ $b \approx 0,71h$ га эга бўламиз.


(14.2.) ва (14.7.) ифодаларни тенглаштириб, силжиш коэффициенти f_c қийматни аниқлаш мумкин, бу қийматда берилган профил учун мустаҳкамлик ва устиворлик шартлари таъминланади:

$$f_c = K_c \sqrt{\frac{\gamma_1}{\gamma} (1-n) + n(2-n) - \frac{\alpha_1}{\left(\frac{\gamma_1}{\gamma} + n - \alpha_1 \right)}}. \quad (5.8.)$$

(14.8.) ифодага киравчи катталиклар қийматлари юқори қабул қилинса $f_c \approx 0,7$ тенг бўлади. $f_c < 0,7$ бўлганда кучланганлик ҳолати бўйича профил энг қулай, унинг устиворлигини таъминлаш учун кенгайтиришга тўғри келади; $f_c > 0,7$ бўлганда энг қулай профил ортиқча захирага эга бўлади.

Юқорида келтирилган профилни таҳлил қилишда пастки бъефдаги сувнинг юкламаси ва тўғон тепасини кенгайтириш ҳисобга олинмади. Баланд тўғонлар учун бу юклама қиймати жуда кичик ва профилни дастлабки танлашда ҳисобга олмаса ҳам бўлади.

Гравитацион тўғоннинг ҳақиқий профиллари. Юқорида тўғоннинг ўз оғирлиги, гидростатик (шу жумладан фильтрация) босимлари таъсирида назарий профил кўриб чиқилди. Ҳақиқий шароитларда тўғонга бошқа юкламалар ҳам таъсир қиласи: юқори бъефдаги чўкиндилар босими; муз қатлами ning босими; тўлқин босими; сеймик юкламалар ва ҳакозолар. Булар тўғон профилини бир оз ўзгартириш зарурлигига сабаб бўлади. Баъзи бир эксплуатация талаблари ҳам профилни ва тирқишиларни ўрнатишни ўзгаришига сабаб бўлади.




5.2 - расм. Қўшимча таъсир қилувчи кучлар ва эксплуатация шароитларини ҳисобга олинганда тўғон назарий профилини ўзгариши

Демак, чўкиндиларнинг босим кучи W_w ва муз босими W_m ва сеймик кучлар W_s (5.2 - расм, а) тўғон товонини кенгайтириш ва қиялик ҳосил қилишни (тўлиқ ёки қисман, 5.2 - расм, б) талаб қиласи; юқори бъефдаги тўлқин таъсирида (5.2 - расм, в) горизонтал кучларни кўпайишдан ташқари тўғон тепасини Δh қийматга оширишни талаб қиласи, бунга эксплуатация захира баландлиги Δh_1 қўшилади (5.2 - расм, в), бу эса асосий профил устига оғирлиги G_h бўлган устки қаватни қуришни тақозо этади. Устки қаватнинг қурилиши баъзида юқори қиррани қўшимча қиялигини келтириб чиқаришига сабаб бўлади.

Тўғонда водосливни ўрнатилиши тўғон тепаси пасайиши кузатилади, каллакларга ва қўйилиш қирраларига силлиқ, доиравий шакл берилади (5.2 - расм, г) ва бир оз кучларни ва моментларни қайта тақсимланишини келтириб чиқаради; аммо тўғон қанча баланд бўлса, бу қайта тақсимланиш унча катта роль ўйнамайди.

5.2. Тұғон танасидаги фильтрацияга қарши қурилмалар.

Тұғон танасидаги фильтрацияга қарши қурилмалар тұғондаги фильтрация босимини пасайтириш мақсадида ва бетондан ишқор ажралиб чиқиши хавфига йүл қўймаслик учун ўрнатилади. Қарши босимни камайтириш учун тұғон юқори қирраси олдида вертикал дренажларни (5.3-расм), сув ўтказмаслиги юқори бўлган бетонни ётқизиш, юқори қирра асфальт, металл, пластмасса билан қопланади.




5.3 - расм. Барбеллин гравтацион тұғони танасидаги вертикал қувурли дренаж:

1-дренаж қудуқлар; 2-кузатув галереялари; 3-говак бетонли қувур кўринишидаги дренаж.

Тұғон танасидаги вертикал дренаж қувурли вертикал дренажлардан бажарилиб, тұғон босимли қиррасидан ≥ 2 м масофада жойлаштирилади, бунда фильтрация оқимининг йүл қўярлик градиенти $J \leq 20$ шарти бажарилиши керак. Вертикал қувурлар вертикал дренаж қудуқлар кўринишида ($d = 15\ldots 30\text{cm}$; ўқлар орасидаги масофа 2..3 м), ғовакли бетонли қувурдан ёки металл тўрдан иборат бўлади. Дренаждан сув галереяга ўтади.

Галереялар (5.4 - расм) дренаж сувларини йиғиши ва чиқарып ташлаш учун мўлжалланади, дренаж ишлишини ва бетон ҳолатини назорат қиласи, коммункацияларни ўтказиш (электросет, ҳаво йўллари, канализация), назорат ўлчаш аппаратураларни ўрнатиш, ҳамда таъмирлаш – тиклаш ишларини бажариш учун хизмат қиласи. Галереялар бўйлама (тұғон фронти бўйлаб) ва кўндаланг (сувни пастки бъефга чиқарыш учун) ўрнатилади; баъзида кўндаланг галереяларни бўйлама галереядан чиқиши сифатида фойда-

ланилади. Түғон баландлиги бүйича галерейларни ҳар 15...20 см дан кейин жойлаштирилади, уларни лифтлар жойлаштирилган шахталар билан туташтирилади. Ҳар бир пастда жойлашган ярусдан юқорида жойлашганига авария чиқиш жойлари үрнатилади (ҳар бир галереядан иккитадан кам бўлмаган).



5.4 - расм. Түғон танасидаги галерейлар:

а-ҳар хил шаклдаги галерейлар кўндаланг кесимлари; б-секциялар орасидаги чокда галереяни жойлашуви; 1-галерея; 2-вертикал дренажлар; 3-кювет.

Авария чиқиш жойлари орасидаги масофа 300 м дан катта бўлмаслиги керак. Сувни ўзи оқар таъминлаш учун пастдаги галереяни пастки бъеф ёз чилласидаги сув сатҳидан юқори қилиб жойлаштириш лозим.

Галерейнинг минимал ўлчамлари (5.4 - расм, а): кенглиги 1,2 м, баландлиги 2 м. Заминни ёки түғон танасини цементлашни бажариш учун галерейлар кенглиги 3..3,5 м кам бўлмаслиги керак. Баланд түғонларда баъзида махсус назорат қудуқлари үрнатилади.

Галереяда кучланиш бир жойга тўпланганлиги сабабли, ёриқлар ҳосил бўлмаслигини олдини олиш учун уларнинг контури текислигига устунлар орасида ва секциялар орасида чоклар үрнатиш тавсия этилади (5.4 - расм, б).


Вертикал шахталар юк кўтариш қобилияти 200...350 кг пассажир лифтларни ва юк кўтариш қобилияти 1000 кг гача юк лифтларини жойлаштириш учун хизмат қиласди.

5.3. Түғон заминидаги дренажлар

Түғон танасига таъсир этувчи фильтрацияга қарши босимни камайтириш учун унинг заминига қуйидаги турдаги дренажлар қўлланилади: 1) вертикал; 2) қия; 4) горизонтал; 5) комбинациялашган.

Вертикал дренаж түғон товони остида бир ёки икки қаторли қудуқлар кўринишида бажарилади (5.5 - расм, а-в). Қудуқлар одатда пастдаги дренаж-назорат қудуғига чиқади. Дренаж қудуқлар диаметри 20...25 см, түғонга таъсир этувчи босимга ва гидрогеологик шароитларга кўра улар орасидаги масофани 2...5 м қабул қилинади. Дренаж ўқидан цементли тўсиқ пардагача

бўлган масофа (14.5 - расм, а) иложи борича кам бўлиши керак. Тахминан $b \approx (2..3)l$, бунда l -цементли тўсиқ парда қудуғининг қадами. Одатда қудук деворлари мустаҳкамланмайди. Фақат алоҳида ҳолларда уларнинг ўпирилиб тушиш хавфли бўлганда, гравийли фильтрлар билан жиҳозланган ғалвирак қувурлар қўлланилади. Цементли тўсиқ парда иши тугагандан сўнг қудуқлар бажарилади. Дренаж қудуқларнинг чуқурлиги $h_{dp} \approx (0,5..0,75)h_{u,n}$, буерда $h_{u,n}$ (5.5 - расм, а га қаранг) – тўсиқ парда чуқурлиги. Дренаж ишини кучайтириш иккинчи қатор қудуқни куриш билан амалга оширилади (5.5 -расм, в га қаранг). Қатламли заминларда қудуқлар қўп сув ўтказадиган қатламни кесиб ўтиши керак (5.5 - расм, г).



5.5-расм. Тўғон заминидаги дренажлар:

а, б, д - бир қаторли; в - икки қаторли; г - қатламли замин; е – комбинация-лашган (Усть - Илим тўғони); 1 - цементли тўсиқ парда; 2-дренаж қудуқлари; 3-бўшатувчи қудуқлар; 4-горизонтальный дренаж; b - дренаж ўқидан цементли тўсиқ парда пастки қиррасигача бўлган масофа

Кия дренаж. Битта галереядан дренаж ва цементли тўсиқ парда қудуқларини бажариш учун ўрнатилади (5.5 - расм, д). Дренажни эксплуатация қилиш учун цементли тўсиқ парда галереяси билан бирга қўшилмаган, алоҳида дренаж галереяси бўлгани маъкул.

Горизонтал дренаж қуйидаги кўринишларда бажарилади: 1) тўғон фронти бўйича қадами $10..15$ м ли замин юзасида жойлашган горизонтал кўндаланг галереялар; 2) дренажлайдиган материал тўкилган, замин


юзасидаги горизонтал бўйлама эгатлар; 3) горизонтал бўйлама галерейлар. Бундай турдаги дренаж жуда самарали, аммо уни ишлаб чиқариш мураккаб.

Комбинациялашган дренаж тўғон товонига таъсир этувчи фильтрацияга қарши босимини камайтириш, самарасини ошириш учун хизмат қилади. У ҳар хил турдаги дренаж бирикмасини ифодалайди. Вертикал дренаж билан горизонтал дренаж бирикмаси Усть-Илим тўғонида қўлланилган (5.5 - расм, е).

5.4. Гравитацион тўғон чоклари, уларнинг турлари ва конструкцияси.

А. Қурилиш чоклари. Ушбу турдаги чоклар тўғонларни бетонлаш блокларига бўлиш натижасида ҳосил бўлади (5.6 - расм). Ёриқлар хавфини камайтириш мақсадида уларни фойдаланишга топшириш олдидан қисман ёки тўлиқ цемент қоришмаси ёки бетон билан тўлдириб чиқилади.

Тўғонларни устун шаклида зич (цементланган) чоклар билан бўлиш (5.6 - расм, а) дунёдаги энг баланд ҳисобланган Гранд-Диксанс, Буолдер, Гранд-Кули, Шаста, Бхакра, Братск, Красноярск, Богучанск, Уст-Илим тўғонларда қўлланилган. Ушбу усулда тўғонларни қуриш тўғонларнинг жадаллигининг юқорилиги (8...10 м/ой ва ундан ортиқ) ҳисобланса, камчилиги – ўртacha йиллик ҳароратга яқин бўлган шароитларда галереяни цементлаш ва бетонни сунъий совутиш зарурлиги ҳисобланади. Тўғонларни бундай усулда чокларга бўлиш иқлими қулай ва ўртacha бўлган шароитларда қўлланилади; Совуқ иқлим шароитларда бу усулни қўллаш қийинчилик туғдиради ва ўта совуқ мураккаб шароитларда эса амалда бу усулни қўллаб бўлмайди. Блокларни планда жойлаштириш бўйича тавсия этиладиган ўлчамлари 9-16 м, қояга яқин зоналарда баландлиги 1,5...3 м, заминдан узоқ зоналарда эса 3-9 м.



5.6 - расм. Гравитацион тўғонларни қурилиш чокларига бўлишда қўлланиладиган схемалар:

а-устун шаклида цементланадиган чоклар билан; б-устун шаклида бетонланадиган чоклар билан; в-секцияларга бўлиб; г-боглаш; д-аралаш; 1-устунлар; 2-чоклар; 3-узун блоклар.

Тұғонларни устун шклида ҳажмий (бетонланадиган) чоклар билан бўлиш (5.6 - расм, б). Мамакан ва Зейск (массив - контрфорсli) тұғонларда барпо этиладиган контрфорсли ва аркали тұғонларда қўлланилган. Тұғонларни бу усулда булаклаш схемаси алохида устунларни бошқаларга боғлиқ бўлмаган ҳолда барпо этилишини таъминлайди, ҳар қандай иқлим шароитларда қўлласа мумкин имконият мавжуд ва асосий устунлардаги бетон мусбат ва манфий хароратга эга бўлганда ҳам ҳажмий чоклар билан тўлдириб зичлаш имкониятини беради. Тор чокларни (баъзи ҳолларда чуқур кудук кўринишида) бетонлаш мураккаблиги ва қолип юзаларини 30...50% га ортиши ушбу усулнинг камчилиги ҳисобланади. Чоклар кенглиги 1...2 м, чок юзаси штрабали ёки силлиқ бўлиши мумкин. Блокларнинг пландаги ўлчамлари худди устун шаклида зич чоклар билан бўлиш усули синфлари бўлади.


Секцияларга бўлиб бўлаклашда тұғонлар бўйлама чокларсиз узун блокларда бўлиб бўлинади; бу усулда тұғон бутун профили кенглиги бўйича юқори қиррасидан пастки қиррасигача қадар ётқизилади (5.6 - расм, в). Схеманинг афзаллиги: тик бўйлама чоклар бўлмаслиги учун улар цементланмайди, ётқизилган бетоннинг чоклари чегаравий ҳароратга қадар сунъий совутишга ҳолат қолмайди, қолип ишлари ҳажми камаяди, ишларни механизациялашга кенг имкониятлар яратилади. Камчилиги: блокларни сиқилиш зонаси анча кўпаяди, мос равишда режимига бўлган талаб кучаяди, ўз навбатида, ёриқ пайдо бўлишини олдини олиш учун бетонни иссиқдан ҳимоялашга ва бетон қоришимасини музлаб қолишдан сақлашга сарфланадиган ҳароратлар кўпаяди; бир вақтнинг ўзида катта майдонга бетон ётқизилганда бетон ишларини ташкиллаштириш мураккаблашади; бетонлаш вақтидаги танаффуслар катта хавф туғдиради; қояга яқин зоналардаги энг иирик блокларга бетон ётқизиш учун қурилиш бошланган вақтдан бошлаб бетон заводининг қувватидан фойдаланишни ўзлаштириш зарурлиги. Тұғонларни секцияларга бўлиб қуриш усулини иқлими мўтаъдил бўлган худудларда қўллашга рухсат этилади.

Чокларни боғлаш (днепр турида) усулида (5.6 - расм, г) тұғонларни бўлаклаш ўртача ва қулай иқлим шароитларида, баландлиги 50 м гача бўлган тұғонларда мувофақиятли қўлланилган. Схеманинг афзаллиги: қурилиш чокларини қоришка билан тўлдириб зичлаш талаб этилмайди; бетонларни совутиш зарурияти йўқ (бетон совуши табиий равишда иншоотни баландлик бўйича аста-секин кўтарилиши ётқизилган бетонни табиий совушини таъминлайди). Камчилиги жадал суръатда ҳосил бўлиши сабабли ўта совуқ иқлим шароитида қўллаб бўлмаслиги. Блоклар баландлиги 2 м дан 3...4 м гача, пландаги ўлчамлари 12...15 м.

Аралаш турда турдаги бўлаклаш усули (5.6-расм, д) тўғонда устун ва ва секциялаб бўлаклаш усуллари йиғиндиси ҳисобланади. Бу схемани товони ҳаддан ташқари узун бўлган тўғонларда (яъни, жуда баланд тўғонларда) қўллаш мумкин.

Б. Конструктив чоклар. Бу чоклар деформация ёки доимий чоклар деб ҳам аталади ва *вазифасига кўра ҳарорат* – атроф муҳит ҳарорати тебраниб турганда ва бетон совиганда ёриқ ҳосил бўлишини олдини олувчи, **кичрайиш** – ишноот кичрайгандага ёриқ пайдо бўлишини олдини олувчи каби турларга бўлинади. Кўпинча ҳарорат, кичрайиш ва чўкишларни биргалигида барпо этилади. Конструктив тўғон узунлиги бўйича секцияларга бўлинади. Водосливли тўғонларда чоклар оралиқ девор ёки ораликлар ўртасида жойлаштирилади. Секциялар ўлчамлари 7...8 м дан 15...22 м гача бўлади.


Конструкцияси бўйича чоклар текис ва штрабсимон, баъзи ҳолларда штрабали, шарнирлиларга бўлинади (5.7 - расм).



5.7 - расм. Конструктив чокларнинг асосий турлари:
а-яssi; б-штрабасимон; 1-чегарвий зичлаш; 2-мисли лист; 3-мастика; 4-дренаж.

Кўпинча, бажарилишининг оддийлиги, чоклардан сизиб ўтган сувларни ҳеч қандай тўсиқларсиз чиқариб юбориш имконияти борлиги, тўғоннинг ишлашида статик аниқлашга кўра текис чоклар қўлланилади. **Штрабасимон чоклар** онда-сонда қачонки иншоотнинг фазовий ишлаши ишлатилганда қўлланилади. Улар орқали уринма кучланишларни узатиш юклangan секцияларни енгиллаштиради, турли жинсли геологик тузилишга эга бўлган заминларда; айниқса улар нишаб участкаларда тик ёнбағирли тор дара жойларда самара беради. Бу чокларнинг камчилигига: уларни тайёрлаш мураккаблиги, баъзида ёриқлар пайдо бўлишни келтириб чиқарувчи букилган жойларда кучланишлар тўпланиб қолиши, сизиб ўтган сувларнинг чиқариб юборишнинг ёмонлиги киради. Штрабсимон чоклар маҳсус асослангандан сўнг қўлланилади.

Конструктив чоклар сув ўтказмаслик, алоҳида секция бир-бирига боғлиқ бўлмаган ҳолда силжишини етарли кенгликтак, чоклар ишлаши ва зичланишларни таъмирлашни кузатиш имкониятига эга бўлиши лозим.



5.8 - расм. Гравитацион тўғонларнинг конструктив чокларни асосий зичлаш кўринишлари:

a - устидан сув ўтказмайдиган секция; б-водосливли секция; 1- асосий ичдан зичлаш; 2 - контурли ташқи зичлаш; 3 - дренаж; 4 - контурли ичдан зичлаш; 5 - кузатувчи галереяси; 6 ва 7 - мос равишида қалинлиги δ бўлган 0,5...0,1 ва 0,1...0,3 см ли чок

Чокнинг асосий элементлари; 1) сув ўтказмаслигини таъминловчи зичлаш қурилмаси; 2) дренаж қурилмаси - зичланган қатламдан сизиб ўтган ёки уни айланиб ўтган сувларни йиғиб чиқариб юбориш учун (дренажлар, кудуклар); 3) қўшимча қурилмалар - захира шахталари, кузатув кудуклари, асфальт материал ва бошқаларни тўлдириш ва қизитиш қурилмалар ва бошқалар.

Чокларни кенглиги замин геологиясига, иншоот ўлчамларига ва атроф-мухит ҳароратининг тебранишига боғлиқ бўлади. Тахминан чокларнинг кенглигини қуидаги формула орқали ҳисобланади

$$\delta = \alpha \Delta t (l_1 + l_2) / 2, \quad (5.9)$$

Буерда: α - бетоннинг чизиқий кенгайиши коэффициенти;


Δt - қурилиш ва фойдаланиш даврида атроф - мухит ҳароратининг ўзгариши;

l_1 ва l_2 - икки секциялар оралиқлари кенглиги.

Одатда түғон танаси ва қирраси юзасидаги 5 м атрофида узунлик бүйича чоклар кенглигини 5...10 мм, қирқимнинг бошқа қисмларида (харорат ўртача йиллик қийматига яқин жойларда) 1...3 мм қабул қилинади. Чокларни иншоот бүйича түлиқ қирқиб барпо этилади (бу эса қурилиш материалини енгиллаштиради); баъзи ҳолларда марказий қисмларда чоклар цемент қориши маси билан тўлдириб, яхлитланади. Чоклар яхлитланмаганда түғон фазовий конструкциядек ишлайди; тор дара жойларда бу түғоннинг юк кўтариш қобилиятини оширади.

Чокларни зичлаш контурли ташқи, контурли ички, асосий ички каби турларга бўлинади (5.8 - расм).

Шпонка күринишидаги **контурли ташқи зичлаш** чокларни муз, түлқин ва ифлосланишдан ҳимоялаш, ҳамда уларнинг сув сизиб ўтишини пасайтириш мақсадида қўлланилади. Улар бетон, темир-бетон ёки ёғочдан тайёрланадиган бруслар, плита, тиқин, резина тасма, полимерлар бўлиб, асфальт мастика ёки битумли тўшакларга ётқизилади (5.9 - расм).



5.9 - расм. Чокларни контурли ташқи зичлаш:

а-төмөр-бетонлы бруслар билан; б-резинали тасма билан; 1-төмөр-бетонлы брус; 2-битумлы мастика; 3-чок; 4-резинали тасма; 5-пүләт лист; 6-анкер.


Хаво билан алоқада бўлган жойларда контурли зичлагичлар чокларга ёғин-сочин тушишидан ҳимоялайди ва сувни музлашдан сақлайди. Пастки бъеф томонидан бу зичлагичлар ҳамма вақт ҳам бажарилмайди.

Контурли ички зичлагичлар металл, резина ёки пластмасса диафрагмадан тайёрланиб (5.10 - расм, а,в), улар ғовакни кесиб ўтувчи галереяни ва ички бўшлиқларни тўсиб туради. Улар бўшлиқлар юзасидан 0,2...0,5 м масофада жойлаштирилади.

Асосий ички зичлагичлар ўзига босимни қабул қиласы да үлар босимли кирра четидан 1,5...2,0 м масофада жойлаштирилади. Асосий ички зичлагичларни металл, резинали да пластмассали диафрагмалар, асфальт

шпонкалар қўринишида қўлланилади. Ички зичлагичлар инъекцион ҳам бўлиши мумкин.

Металл диафрагмалар баландлиги 200 м гача ва ундан ортиқ бўлган интервалларда қўлланилади. Уларнинг афзалиги-юқори ишончлилик. Металл диафрагмалар (5.10-расм, а): 1) компенсатор туридаги - илгак, Z-шаклида (у конструкцияси бўйича содда, лекин фақат кичик ёнбош силжишлар учун яроқли) ва тўлқинсимон (улар чокларда бўшлиқлар қолдиришни талаб қиласи ва қийин бирлашади, лекин катта эгилувчанликка эга) қўринишида; 2) компенсаторларсиз - ишончлилиги паст бўлади. Металл диафрагмаларни тайёрлаш учун емирилишга чидамли пастлигерланган пўлат ва қотишмалар ҳамда мис ва латун листлар ишлатилади. Диафрагма қалинлиги унинг сувнинг гидростатик босими, қўп марта эглиши, секцияларнинг нотекис чўзишга ҳисоблари бўйича аниқланади



5.10 - расм. Асосий ва контурли ички зичлагичлар:

а-металли компенсаторли илгак билан, Z шаклидаги, тўлқинсимон ва компенсаторларсиз; 1-металл диафрагма (шонка); 2-асфальт; 3-битумли мастика; б-резинали; в – профили тасма қўринишидаги Винклер фирмаси пластинкаларидан.

Резинадан тайёрланган диафрагмалар (5.10 - расм, б) сиқилишга ишлаш имкони бўлган энсиз чокларда қўлланилади. Уларнинг афзалиги катта диформацияланиш бўлса, камчилиги-куёш нурлари ва паст ҳарорат таъсирида эгилувчанлигини йўқотиши ҳамда агрессив сув, ишқор, агрессив сув, ишқор, кислота, ёғлар таъсирида бузилиши мумкинлигидадир.


Тасма күринища чиқарылган пластмассадан тайёрланган диафрагмалар конструкцияси бўйича резинали диафрагмаларга ўхшаш. Уларни тайёрлаш учун қўлланиладиган материал сифатида полиэтилен, поливинилхлорид, винипласт, полиамилар, полизобутелен ва шу кабилардан (5.10 - расм, в) фойдаланилади. Баланд тўғонлардаги тўлиқ қирқилган чокларда эҳтиёткорлик билан қўллаш талаб этилади.

Асфальтли қопламалар шпонкалар ичига асфальт ёки битум аралашмаси тўлдирилган ўлчами 15×5 дан 60×60 см гача бўлган квадрат кесимли қудук кўринишида бажарилади. Мастика таркиби ҳар бир объект учун танланади. Металл, резина ёки пластмасса диафрагмадан тайёрланган юқори ёки пастки тўсиқлар (мастика оқиб чиқиб кетиш олдини олиш учун) шпонканинг муҳим конструктив элементи ҳисобланади. Шпонкалар ишончилигини ошириш учун унга солинадиган мастикани қиздириш ва автоматик равишда уни тўлдириш кўзда тутилади.

Деформация чокларидаги дренаж қурилмалари чок ва бетондан сизиб ўтган сувларни тутиш ва чиқариб юборишни таъминлайди. Тик дренажлар доира диаметри ($15\ldots20$ см) ёки квадрат (20×20 см) шаклида бўлади. Баландлиги 50 м дан катта тўғонларда дренаж сифатида кесими 80×80 см дан кичик бўлмаган кузатиш шахталаридан фойдаланилади. Кузатиш шахталарни қўшимча шпонкаларга айлантирилиши мумкин ва юқори ёки пастки тўсиқ бўлиши мумкин. Дренажларни асосий зичлашдан $1,0\ldots1,5$ м масофада жойлаштирилади ва тўғоннинг дренаж тизими билан бирлаштирилади. Асосий зичланишларни лойиҳалаштирганда бетондаги фильтрация оқим градинет J зичлаш атрофида 20 см дан ошмаслиги лозим. Зичлаш қаторлари сони тўғон баландлиги бўйича турлича босим ҳамда диафрагманинг бетонга киритилиши жойи узунлигига боғлиқ бўлади. Диафрагмаларнинг юқори қиррага яқинроқ жойлаштириш керак, чунки бу ерда сув босими ва сувга бўшлиқнинг сикувчи кучланиши юқори бўлади.

5.5. Сув омбори таркибидаги гидроэлектростанциялар, уларнинг жойлашуви. Сув энергиясидан фойдаланиш схемалари.

Тўғон ёнида барпо этилган гидроэлектростанциялар жойлашиш схемаси. Тўғоннинг силжишга статик ишлаш қобилияти (агар устиворлик ҳисобларида гидроэлектростанция биноси инобатга олинса). Тўғонга нисбатан барпо этиладиган гидроэлектростанциянинг жойлаштирилиши схемасига (5.11 - расм) боғлиқ.




5.11 - расм. Тўғон танасига нисбатан тўғон ёнидаги гидроэлектростанцияни жойлаштириш схемалари:

a-Гранд-Кули тўғони; 1-яssi затвор пази; 2-галереялар; 3- кабеллар галереяси; 4- гидроэлектростанция биноси;5-темир-тебонли панжара қабургаси; 6-хас-чўп ушлаб қолувчи панжара; б-водосливли тўғон ичига қурилган гидроэлектростанция биноси.

Энг кўп характерли жойлаштириш тури 5.11 - расмда кўрсатилган. Бунда тўғри чизиқли сув ўтказувчи иншоот сувни текис келишини таъминлайди (Братск, Красноярск, Бухтарминск ГЭС лари ва бошқалар). Алоҳида ҳолларда, мустаҳкам заминларда гидроэлектростанцияни тўғонга ўйиб ўрнатилади, чунки бу ҳолда товон бўйича кучланишни ошиши маҳсус конструктив тадбирларни талаб қилмайди. Бундай турдаги жойлаштиришда гидроэлектростанцияни тўғон ишига таъсири нисбатан унча катта бўлмайди. Гидроэлектростанцияни тўғон танаси ичига жойлаштирилганда (5.11 - расм, б) тўғон танаси шаклига жиддий равишда таъсир қиласи. Бу ҳолда иншоотни мустаҳкамлиги ва устиворлигини асослаш учун маҳсус тадқиқотлар олиб бориш керак.

Турбинали сув ўтказувчи иншоотни жойлаштириш схемалари. Тўғон ёнида барпо этиладиган гидроэлектростанциялар турбинали сув ўтказувчи иншоотлари чиқарилган ва ичига қурилган бўлиши мумкин (5,12 - расм).




5.12 - расм. Чиқарилган (юқори ва пастки қирраларда) ва ичиға курилган гидроэлектростанциянинг сув ўтказувчи иншоотларини жойлаштириш варианtlари ва уларнинг конструкцияси:

а - сув ўтказувчи иншоотни жойлаштириши схемаси; б - Красноярск ГЭС даги чиқарилган пўлат сув ўтказувчи иншоотларни бетонлаши.

Сув ўтазувчи иншоотларни тўғон танасидан ташқарига жойлаштириш бетонни ётқизишни осонлаштиради, ҳамда тўғоннинг кучланганлик ҳолати ошади аммо қувур ёрилгандан ўта хавфли ва пастки бъефдаги гидроэлектростанцияга қувурнинг ўтиш участкаси ўзайиши ҳисобига тўғон ҳажмини ошишига олиб келади.



Гидроэлектростанциялар сув қабул қилгичлари. Гравитацион түғонлар танасида жойлашган сув қабул қилгичларга қўйидаги талаблар қўйилади: 1) сувни узлуксиз узатиш ва зарур бўлган ҳолларда уни тўхтатиш; 2) сув ўтказувчи иншоотни сувда сузуб юрувчи жисмлар, муз ва муз парчаларидан ҳимоялаш; 3) босим йўқолишилари кичик. Уларнинг ишини автоматлаштириш керак. Сув қабул қилгичнинг асосий элементлари: 1) хас - чўпларни ушлаб қолувчи тозаланмайдиган панжара; 2) таъмирлаш ва авария – таъмирлаш затворлари; 3) кўтарўвчи - транспорт механизмлари; 4) аэрация қувурлари; 5-айланиб ўтувчи қувурлар (байпаслар). Сув қабул қилгичларнинг характерли конструкциялари (5.13 - расмда) кўрсатилган.




5.13 - расм. Түғон танаси ичиға жойлаштирилгандар сув қабул қилгичлари:

а-күтарилаған панжаралар билан; б-доимий панжаралар билан; 1-хас-чүп ушлайдиган панжара; 2-диафрагмали дөвөр; 3-кран; 4-аэрация қувири; 5-авариятағырлаш затвори пази; 6-ясси тағырлаш затвори; 7-гидрокүтәргич; 8-айланиб ўтувчи құвур (байпас).


5.6. Чуқур жойлашган сув ўтказувчи иншоатларни жойлаштиришнинг ўзига хос хусусиятлари.

Юза жойлашган водосливлар билан бир қаторда түғон танасида доимий ва вақтінчалик (қурилиш) сув ўтказувчи иншоатлар мүлжалланиши мумкин: кесими түгри бурчакли ёки доиравий чуқур жойлашган чуқур жойлашган сув ташлагичлар, сув чиқаргичлар, сув бўшатгичлар; уларнинг тирқишилари кенглиги ($0.5\dots0.6$) l дан катта бўлмайди, бунда l -секция кенглиги. Сув ўтказувчи иншоатни контур бўйича арматураланади, юқори босимларда (50 м дан юқори) ва тезликларда $20\dots25$ м/с ва унда юқори бўлганда эса кўпинча пўлат қоплама қўлланилади. Сув ўтказувчи иншоатлар босимли, босимсиз ва қисқа босимли участкаларда қисман босимсиз бўлиши мумкин (5.14 - расм). Алоҳида ҳолларда улар баландлик бўйича икки ва уч ярусли қилиб жойлаштирилади.



5.14 - расм. Гравитацион түғонларда сув ўтказувчи иншоотларни жойлаштириш схемалари:

а-Либби; 1-күпrik; 2-сегментли затвор; 3- затвор камераси; 4-чукур жойлашган сув ташлагич; б-Монтана: 1-панжара; 2-затвор камераси; 3-сув ташлагич чиқиши жойи; 4 ва 5-тиргак ва ажратувчи деворлар; 6-ростловчи затвор.



5.15 - расм. Гравитацион түғонда сифонли сув ташлагични жойлаштириш схемаси


Түғон конструкциясининг ўзига хослиги шундаки затворларни сув ўтказувчини бошида ёки унинг трассаси охирида жойлаштириш мумкин. Чукур жойлашган сув ўтказувчи иншоотлар хас-чўп ушлайдиган панжарали сув қабул қилгичлар каби жиҳозланади. Таъмиrlаш затворларига байпаслар

ўрнатилади. Затвор орқасидаги бўшлиқларига ҳаво юбориш учун (вакуумга қарши қарши курашиш учун) тўғон танасига аэрация шахталари (кувурлар) мўлжалланади. Унча баланд бўлмаган тўғонларда автоматик тарзда ишлайдиган сифонли сув ташлагичлар қўл

5.7. Енгиллаштирилган бетонли гравитацион тўғонлар.

Массив бетонли гравитацион тўғонлар конструкцияси ва бажарилиши оддийлиги билан бир қаторда, қуйидаги камчиликларга эга: 1) тўғон танаси учун кўп ҳажмдаги материал, айниқса цемент кетади, бу эса бошқа турдаги тўғонларга нисбатан нархнинг анча юқори бўлишига олиб келади; 2) ётқизилган бетонда температура ва чўкиш деформацияларининг ҳосил бўлиши натижасида етарлича яхлит бўлмайди; 3) заминга яқин, ҳамда унинг заминида тўғоннинг кучланганлик ҳолатини ноаниқ бўлиши, хусусан фильтрацияга қарши босим қийматини аниқ бўлмаслиги; 4) тўғон баландлиги 100 м кичик бўлганда, тўғонда ишлатиладиган материал бетоннинг мустаҳкамлигидан тўлиб фойдаланиб бўлмаслиги.

Бу камчиликларни бартараф этишга имконият берадиган бир қатор усуллар мавжуд. Уларнинг асосийларидан бири – уларнинг керак бўлган мустаҳкамлигини ва силжишга устиворлигини сақлаб қолган ҳолда гравитацион тўғонларнинг оғирлигини камайтиришdir. Бундай тўғонлар енгиллаштирилган деб аталади. Уларни қуйидаги турларга бўлиш мумкин: 1) кенгайтирилган чокли ва замин яқинида бўйлама бўшлиқли тўғонлар (5,9 - расм, б,в), уларда фильтрацияга қарши босим минимумгача камаяди; 2) анкерли тўғонлар (5.9 - расм, д), уларда ётқизилган бетонни сунъий сиқиш ва унинг заминини анкерлаш орқали тўғон танасидаги чўзувчи кучланишлар олиб ташланади; 3) бўшлиқлари тўлдирилган тўғонлар, уларда тўғон танасида ётқизиладиган тўғоннинг бир қисми тош ёки грунт билан алмаштирилади (кум, шебень, гравий ва бошқалар) (5.9 - расм, г).



5.9 - расм. Қояли заминлардаги бетонли гравитацион түғонларнинг турлари: а-монолит (яхлит); б-кенгаювчи чоклар билан; в-замин яқинидаги бүшлиқ билан; г-бүйлама бүшлиқтар балласт билан тұлдирилган; д-заминда анкерланган.


5.8. Кенгайтирилган (кенг) чокли түғонлар.

Кенгайтирилган (кенг) чокли түғонларнинг (5.10 - расм) босимли вертикал қирраси ва учбұрчак профилли күндаланг кесими массив гравитацион түғонлар профилига үхшаш. Ҳар бир ён томондаги секцияларда умумий кенглиги $2a = (0,15...0,5)l_s$ ва баландлығи Z бўлган ўйилган жой ўрнатилади, бунда l_s -түғон секцияси узунлиғи. Ўйик жой түғон босимли қиррасидан $b_n = (0,4...1,0)l_s$ масофада жойлашади.

Кенгайтирилган чоклар фильтрация ва муаллақ қарши босимни сезиларли даражада камайтиради. Бунинг натижасида түғоннинг кичик оғирлигига унинг устиворлиги таъминланади. Тежалган бетон 7...15% ни, капитал маблағлар эса атига 5...10% ни ташкил этади, чунки қурилиш технологияси мураккаблашади, қолипга бўлган талаб ошади.

Кегайтирилган чокли түғонларда бетонланадиган блокларнинг қизиш даврида уларни совитиш учун яхши шароит яратилади. Уларни ҳар қандай

табиий шароитларда устидан сув ўтказмайдиган, ҳамда устидан сув ўтказадиган қилиб куриш мумкин.



5.10 - расм. Кенгайтирилган чокли тўғонлар:

а-устидан сув ўтказдиган; б-устидан сув ўтказадиган; 1-цементли түсиқ парда; 2- деформация чокларни зичлаш; 3-бўйлама галерея; 4-чок устидаги кўприк; 5- дренаж коллектори; 6-вертикал дренаж; 7 ва 8-мос равишда муаллақ ва фильтрацияга қарши эпюралар.


Бундай тўғонларда қурилиш сарфларини ўтказиш мураккабдир. Одатда бу мақсадлар учун кенгайтирилган чокларга чиқадиган тубдаги тирқишдан фойдаланилади. Ётқизилган бетонда ҳароратнинг кескин ўзгаришига йўл қўймаслик учун, қишида чоклар усти ёпилади. Чокларнинг ички қисми қурилиш ахлатлари билан тўлиб қолмаслиги учун ҳимоя қилинади.

Нисбатан унча катта бўлмаган кенгаядиган чокларда [кенглиги $2a = (0,1 \dots 0,2) l_s$], тўғонлар қарши босимни сезиларли камайишини ҳисобга

олган ҳолда гравитацион түғонлар каби ҳисобланади. Катта кенглиқдаги чокларда, массив контрфорсли түғонлар каби бажарилади.

5.9. Замин яқинидаги бўйлама бўшлиқли түғонлар.

Бўшлиқли түғонларда ҳарорат режимини (пастки қисмда) ростлаш осон, босимли қирра олдида сиқувчи кучланишларни ошириш, дренажлар ва цементли тўсиқ пардаларни ўрнатиш мумкин; йилнинг ҳар қандай пайтида чокларни цементлаш имконияти пайдо бўлади; фильтранган сувларни йифиш ва чиқариб юбориш осон, бир томондан иккинчи томонга ўтиш имконияти бўлади. Гроссер-Мюльдорферзее түғонида (5.11 - расм) массив түғонга нисбатан 10% бетон тежалган. Баъзан олдиндан қўллаб бўшлиқ самарадорлигини зўриқтириш мумкин (Братск ва Богучан түғонлари қирғоқдаги секциялари варианatlари).



5.11 - расм. Гроссер-Мюльдорфрезе (Австрия) замини яқинидаги бўйлама бўшлиқли түғон

Бўшлиқнинг жойлашган ўрни ва унинг шакли түғон кучланганлик ҳолатига жиддий таъсир кўрсатади ва түғон танаси ва заминидаги кучланишни ростлаш воситаси сифатида хизмат қилиш мумкин. Тахминий ҳисобларда түғоннинг юқори қисмини одатда гравитацион түғон, пасти қисмини замин билан бикр туташган массив сифатида қабул қилинади.

5.10. Түғонларда бетонни олдиндан зўриқтириш.

Бўшлиқли түғонларда ҳарорат режимини (пастки қисмда) ростлаш осон, босимли қирра олдида сиқувчи кучланишларни ошириш, дренажлар ва цементли тўсиқ пардаларни ўрнатиш мумкин; йилнинг ҳар қандай пайтида

чокларни цементлаш имконияти пайдо бўлади; фильтранган сувларни йиғиш ва чиқариб юбориш осон, бир томондан иккинчи томонга ўтиш имконияти бўлади. Гроссер-Мюльдорферзее тўғонида (5.11 - расм) массив тўғонга нисбатан 10% бетон тежалган. Баъзан олдиндан қўллаб бўшлиқ самарадорлигини зўриқтириш мумкин (Братск ва Богучан тўғонлари кирғоқдаги секциялари варианлари).


Бўшлиқнинг жойлашган ўрни ва унинг шакли тўғон кучланганлик ҳолатига жиддий таъсир қўрсатади ва тўғон танаси ва заминидаги кучланишни ростлаш воситаси сифатида хизмат қилиш мумкин. Тахминий ҳисобларда тўғоннинг юқори қисмини одатда гравитацион тўғон, пасти қисмини замин билан бикр туташган массив рама сифатида қабул қилинади.

5.11. Катаксимон тўғонлар.

Бу турдаги паст босимли тўғонлар унча кўп қурилмаган: Сенков тури (5.12 - расмга қаранг) ва Гипросельэлектро (Красноярск, Шильск ва бошқалар).

Бир қатор ташкилотлар ишлаб чиқсан лойиҳалар шуни қўрсатдики ўрта ва юқори босимли катаксимон тўғонларнинг қуйидаги конструкцияларини қуриш мумкин: 1) монолит бетондан; 2) йиғма-монолит (5.12 - расм, а) кенг қўлланилаяпти; йиғма (5.12 - расм, б); 3) йиғма элементларни пайвандлаш ва бетон билан туташтириш ёки пайвандлашсиз ва бетонсиз.

Катаклар грунт, тош билан тўлдирилади. Катаклар ўлчамлари $1,5 \times 1,5 \dots 6 \text{ м}$, 1 м^3 бетонга сарфланадиган арматура сарфи $20 \dots 30 \text{ кг}$. Катакларга грунт автосамоваллар ёки транспортерлар билан берилади. Катак деворлари қалинлиги $0,1 \dots 0,8 \text{ м}$, контрфорсларники $0,1 \dots 1,0 \text{ м}$. Ўрта босимлар учун девор қалинлеклари 5.12 - расм, в дан тахминан қабул қилинади.



5.12 - расм. Катаксимон түғон конструкциялари:

а-ийема монолитли; 1-түкилган грунт; 2-дренажлайдиган қатlam; 3-бетон; 4-арматурали каркас; б-хочи блоклардан ташкил топган ийгма; в-катаксимон, деворлари қалинлигини олдиндан аниqlаши графиги; 1-монолит бетондан; 2-ийема монолит бетондан; 3-пайвандлаб биректирилган ийгма элементлардан.

5.12. Гравитацион түғонларни келажақда такомиллаштириш ва арzonлаштириш йўллари

Охирги йилларда гравитацион түғонларни такомиллаштириш ва арzonлаштириш иккита йұналиш бүйича олиб борилаяпты: 1) технологияни соддалаштириш ва қурилишни инсдустрнал услугаларидан фойдаланиш; 2) соддалаштириш, енгиллаштириш ва янги турдаги конструкцияларни ишлаб чикиш.

Технологик тадбирлар: 1) бетонни зоналар бўйича тақсимлаш; 2) бетон хосса-ларини вақт бўйича ўзгаришни хисобга олиш; 3) максимал


ирикликтеги түлдиргичларни ишлатиш, юза - актив құшымчаларини құллаш; 4) қаттың бетон қориши масини ишлатиш; 5) бетонлашда түлиқ механизациялашган усулини құллаш ишларини юқори суръатларда олиб бориши билан бирга ёриқлар ҳосил бўлишини олдини олади. Бетонни ётқизиш “Альпе Жера” усули эътиборга лойик (тўғон қиймати 10...12% га камаяди); Тохтагул усули; таркибида цемент миқдори кам бўлган ва бўйлама цементланмайдиган чокларни қирқиб бетонни узлуксиз ётқизиш усули.

Конструктив тадбирларга қуйидагилар киради:

Экранли тўғонларни қуриш (металл, темир - бетонли ёки полимерли):

- 1) сикилган профилли тўғонларда кучланишларга йўл қўймаслик (Курупсой тўғони лойиҳаси); 2) тўғонда цементланмаган чоклар бўлганда - Альпе Жера, Пуан Палло, Богучан тўғонлари;

Тўғон бир қисмини тош ёки сув билан алмаштириши, бундай усул ишлаб чиқаришни мураккаблаштиради (5.13 - расм, а га қаранг); Солиширма оғирлиги кичик бўлганлиги учун гравий ёки қумни тош билан алмаштириш самара бермайди; агар тўғон учун кучланганлик ҳолати эмас, балки устиворлик шартлари асосий бўлса, у ҳолда кичик қийматларида уни сув билан юклаш мумкин (15.14 - расм, а).



5.13 - расм. Гравитацион тўғонларни такомиллаштириш усуллари:

а-сувни юклайдан фойдаланиш; б-юқори қиялик оғган; в-худди шундай пастки қисмда; г-чокларни ўрнатиш; д-юкни камайтириш тасмалари е-пастки бъефда заминида бикрликни ошириши; ж-юқори қисмни сиқиши ва заминдаги комбинациялашган дренаж; з-вертикал ва горизонтал анкерлар билан сиқиши; 1-кесиклар; 2-зичлагич; 3-юкни камайтириш тасмалари; 4-мустаҳкам қоя; 5-кучсиз қоя; 6-мустаҳкамловчи цементация; 7-дренаж қудуклар; 8-олдиндан кучайтирилган цементланган анкерлар.

Юқори қиррани сиқии, у анкерлашни қўллаш (5.12 - расмга қаранг) ёки мувофиқ чоклар билан кесиш орқали, ҳамда босимли қиррани юқори бъеф томонга 1/7...1/8 нишабликда қия қилиб бажарилади (5.13 - расм, б); баъзан босимли қиррани фақат пастки киррасига тескари нишаблик берилади (5.13 - расм, в).

Кучланганлик ҳолатини ростлаши: 1) чўзувчи кучланишларни йўқотувчи (ёки камайтирувчи) юқори қиррада бир ёки бир нечта қирқим бериш орқали (5.13 - расм, г); пастки бъефда анкерлаш ёки сув омборини бўшатиш вақтида чўзувчи кучланишлар пайдо бўлган ҳолатларда бу қиррада ҳам қирқим бериш мумкин; шуни назарда тутиш керакки, қирқим бериш вақтида тўғоннинг умумий юк кўтариш қобилияти пасайиши мумкин; 2) қирқим бериш ўрнига кичик модулли зоналарни (5.13 - расм, д) барпо этиш орқали (масалан, полимер - бетонлардан тайёрланган); 3) катта кучланишларни камайтирувчи кичик модулли тушамаларни барпо этиш орқали; 4) замини турли модулли массивли бўлганда мустаҳкамловчи цементлашни (5.13 - расм, е) амалга ошириш орқали; 5) тўғоннинг айрим элементларини қиздириш-хусусан ўта совук иқлим шароитларида амалга оширилади.

Тўғоннинг юк кўтариши қобилияти ва устиворлигини ошириши: 1) тўғон товони нишаблигини юқори бъеф томонини буриш ёки тиш барпо этиш орқали (лекин тиш барпо этиш ноқулаш кучланишлар йиғилишини келтириб чиқаради); 2) штрабали кўндаланг чокларни қуриш ёки бетонни тежаш имконини беришни берувчи (бунда чокларда зичлагич мосламалари бўлмайди), уларни яхлит ҳолга келтириш чоксиз тўғон орқали амалга оширилади.

Тўғон танасида гидроэлектростанцияни биносини жойлаштириши. Бунда гидроузел қурилиши учун сарфланадиган бетон тежалади, лекин ишлаб чиқариш мураккаблашади ва арматура сарфи кўпаяди. Бу усул техник-иқтисодий жиҳатдан асослашни талаб этади.

Йигма блоклардан экранли гравитацион тўғонларни қуриши. Бунда йирик сув омборларида ва улардан фойдаланиш ҳали унча кўп бўлмаган пайтда экранларни таъмирлаш мураккаблигини назарда тутиш лозим бўлади.

Енгиллаштиришининг турли усулларининг бирикуви. Бу вақтнинг ўзида енгиллаштиришнинг турли йўллари фойдаланиш мумкин, масалан, анкерлаш фильтрацион босимини камайтириш (5.13 - расм, ж), босим қирраси қисмини эгилтириш, монолит ҳолатга келтирилган арматураларни қўллаш ва сув билан қўшимча юклаш (5.13 - расм, з) ва шу кабилар.

VII. Аркали түғонлар.

6.1. Аркали түғонлар түғрисида умумий маълумотлар ва уларнинг турлари.

Умумий маълумотлар. Горизонтал текисликда ёй шаклида бўлган ва сувнинг босимини бутунлай ёки қисман дара қирғоқларига (баъзан махсус курилган устунларга) берадиган түғонларга *аркали түғонлар* дейилади.

Аркалар ёрдамида дара қирғоқларига бериладиган катта босим фақат мустаҳкам, қаттиқ қояли грунтларга бериши мумкин. Шунинг учун бу түғонлар одатда тоғли ерларда, туби ва қирғоқлар сув ўтказмайдиган мустаҳкам грунтлардан ташкил топган дараларда қурилади (6.1 - расм).



6.1- расм. Аркали түғон

Түғоннинг кесим юзаси унинг баландлиги ва қуриладиган жойга (даранинг шаклига) боғлиқ. Дара қанча кенг бўлса, арка радиуси шунча катта бўлади. Арка радиуси қанча катта бўлса, сувнинг босими қирғоқларга шунчалик кам берилиб, кўп қисми дара тубига узатилади. Дара тубига бериладиган босим ошган сари түғонни оғирлигини ошириш ва унинг тубини кенгайтириш зарурати туғилади ва түғон кесими вазмин түғонлар кесимига ўхшаб кетади. Аксинча, тор дараларда қурилган түғонлар орқали қабул қилинган босимларнинг ҳаммаси қирғоқларга берилади ва арканинг рухсат этилган кучланишларига асосланиб ҳисоблаб топилади, натижада арка жуда ҳам юпқа бўлади.

Аркали түғонларнинг ҳажми гравитацион түғонларникига нисбатан анча кичик бўлади. Бетондан қурилган аркали түғонларнинг ҳажми гравитацион түғонларникига нисбатан 40...50% кам бўлади.

Аркали түғонларнинг конструкциялари эластик хусусиятга эга бўлганлиги учун улар сейсмик кучларга яхши қаршилик қўрсатади. Бундай түғонлар кўпроқ бетондан, камдан-кам темир бетондан қурилади. Аркали түғонлардаги бетонда кучланиш даражаси катта бўлганлиги учун улар юқори маркали бетондан қурилиши шарт. Гравитацион түғонларда чўзувчи кучланиш ҳосил бўлишига йўл қўйилмайди, аркали түғонларда эса, аксинча йўл қўйилади.

Қадим вақтларда аркали түғонларнинг асосан яхлит, мустаҳкам ва сув ўтказмайдиган грунтларда қурилиш талаб қилинган бўлса, ҳозир қояли заминларда қўлланиладиган фильтрацияга қарши кураш чоралари (цементлаш ва бошқалар) туфайли уларни турли геологик шароитларда жуда кўп дарз кетган қояли заминларда, ҳамда дара кесим юзаси симметрик бўлмаган ҳолларда ҳам қуриш мумкин.

Биринчи ғиштдан терилган аркали түғонлар XVI-асрда Испанияда (Элуе ва Алмакуа түғонлар) ва Италияда (Понте Алто түғони) қурилди. Бир оз кейинроқ (XIX-аср) ғиштдан терилган аркали түғон АҚШ ва Францияда барпо этилди.


Бетоннинг ихтиро қилиниши ва уни қурилишда ишлатилиши туфайли бетонли аркали түғонлар қурила бошлади ва XX - асрда уларнинг қурилиши кескин ошди. Аркали түғонлар дунёнинг кўпгина мамлакатлари Россия, Франция, Италия, Швейцария, Португалия, Испания, АҚШ ва ҳакозоларда барпо этилди.

Охирги йилларда аркали түғонлар Хиндистонда (Идикки түғони, баландлиги 168 м), Африка мамлакатларида (Кариба, Пангола, Кабора, Басса түғонлари қурилди. Энг баланд Кавказдаги Ингури түғони, баландлиги 271,5 м (6.2 - расм).

Яқинда қурилган ва қурилаётган аркали түғонларга баландлиги 240 м ли Саяно-Шушенск (Россия), баландлиги 236 м ли Чиркейск (Россия), баландлиги 200 м ли, Кёльнбройн (Австрия), баландлиги 195,5 м ли Худони (Россия), баландлиги 91 м ли, Стронтция Спдингс (АҚШ), баландлиги 106 м ли Вектория (Шри Ланка), баландлиги 86 м ли Миайлинск түғонлари мисол бўла олади. Баландлиги 300 метрли аркали түғонлар лойиҳаси мавжуд.

Аркали түғонлар қўйидаги ютуқларга эга: 1) бетон ҳажми кам; 2) фильтрацияга қарши босим кучи аркали түғонлар ишига таъсир қилмайди; 3) экзотермия ҳодисаси кам миқдорда бўлади, чунки бу ерда бетон массаси анча кам; 4) түғон силжишга ишламайди, чунки сувнинг гидростатик

босимини қабул қилувчи аркалар қирғоқларга таянади; 5) түйонни исталган баландликда қуриш мумкин.



6.2-расм. Аркали сув ташловчи түйонлар:

а-баландлиги 271,5 м ли Ингурин түйони-пастки бъефдан күриниши; 1-контурлы чок; 2-водосливли тиркышлар; 3-чукур жойлашган сув ташловчи тиркышлар; 4-тубда жойлашган қурилиши давридаги тиркышлар; 5-бүйлама чок; б-баландлиги 240 м ли аркали-гравитацион Саяно-Шушенск түйони; 1-эксплуатация сув ташлаши тиркышлари; 2-қурилиши давридаги (вақтинчалик) сув ташловчи тиркышлар; в-баландлиги 95 м ли Сент-Круз түйони; 1-чукур жойлашган сув ташловчи тиркышлар; 2-цементли түсік парда; 3-дренаж (үлчамлар м да).

Ютуқлардан ташқари аркали түғонлар қуйидаги камчиликларга эга:
1) қолиплар тайёрлашнинг мураккаблиги; 2) ишларни бажаришнинг мураккаблиги; 3) фақат қояли грунтларда қўллаш мумкин; 4) түғон қурилиши учун нисбатан тор даралар талаб қилинади.

Асосий турлари. ҚМҚ бўйича қабул қилинган аркали түғонлар таснифи аркали түғонлар қуйидаги турларга бўлинади.

Ихчамлик коэффициенти ёки нисбий қалинлик $\beta = b/h$ бўйича,

Бу ерда: b - түғон тубининг кенглиги;

h - түғон баландлиги (6.2 - расм).

Ихчамлик коэффициенти бўйича аркали түғонлар уч турга бўлинади:
юпқа ($\beta < 0,2$); қалин ($\beta = 0,2...0,35$); аркали - гравитацион ($\beta = 0,35...0,65$)

Кўриниши бўйича (унинг аркали қисми) - “доимий марказий бурчакли” $2\alpha_0$ (6.3 -расм, а), “доимий радиусли” ёки “цилиндрик” (16.3 - расм, б), ва икки хил эгилганлик ёки гумбазли (6.3 - расм, в). Доимий марказий бурчакли түғонлар (ёки унга яқин) учбурчакли даралар учун характерли. Ҳақиқатда улар учун марказий бурчак $2\alpha_0$ баландлик бўйича мутлақо доимий бўлмайди, одатда пастга қараб бир оз камаяди ($2\alpha_0' \approx 2\alpha_0'' > 2\alpha_0'''$ 6,3-расм,а).


Цилиндрик түғонлар, ёки доимий r_H радиусли түғонлар кўпроқ тўғри бурчакли ёки шакли бўйича унга яқин даралар учун характерлидир. Гумбазли түғонлар даранинг шакли турли хил бўлганда қўлланилади.

Баландлиги бўйича аркали түғонларни таснифга бўлиш ўрнатилмаган, аммо бу масала бўйича тахминлар бор: ҚМҚ бўйича 60 м дан катта ва кичик түғонларга бир неча хил талаблар қўйилади.

Шакли ва даранинг нисбий кенглиги бўйича улар қуйидаги турларга бўлинади: 1) учбурчак ёки трапециадал даралардаги аркалар (6.3 - расм, а,б); 2) симметрик ва симметрик бўлмаган; 3) тор створларда ($l/h < 2$), ўртача кенгликдаги $2 \leq l/h \leq 3$ ва кенг створларда ($l/h > 3$), бунда l -түғон тепаси бўйича эгри чизиқнинг икки нуқтасини туташтирувчи тўғри чизик.

Сувни ўтказиши бўйича аркали түғонлар устидан сув ўтказадиган, устидан сув ўтказмайдиган турларга бўлинади.

Қурилиши материаллари бўйича аркали түғонлар ғиштли, бетонли ва темир-бетонли бўлиши мумкин.



6.3- расм. Аркали тўғонларнинг асосий турлари:

а-доимий марказий бурчакли; б-доимий радиусли (цилиндрик); в,г икки хил эгилганлик (гумбазли); 1-ўйиб ўрнатиш чизиги; 2-тиқин; 3-чекка девор; 4-гравитацион арка билан қирғоқни туташтирувчи девор

6.2. Аркали тўғонларни лойиҳалаш ва конструкциясининг ўзига хос хусусиятлари.

Аркали тўғонларнинг асосий ўлчамлари дастлабки лойиҳалаш босқичларида ўхшаш лойиҳалар бўйича ёки тахминий формулалар бўйича белгиланади.

Аркали тўғонлар қуриладиган жой шундай танланадики, планда дара кескин кенгаймаслиги, ўзаннинг кескин бурилишлари, хавфли ўпирилиш участкалари бўлмаслиги керак. Тўғон қуриладиган дара кесими иложи борича симметрик бўлиши лозим, чунки симметрик тўғонни кучланганлик ҳолати носимметрикнига қараганда қулай. Носимметрикликни бўлмасликни йўқотиш учун, одатда бир қатор тадбирлар ўтказилади, уларга қуйидагилар киради:

тор даранинг пастки қисмида тўғонга қараганда қалинроқ бетонли “тиқинларни” ўрнатиш (6.3 - расм, г);

тўғон жойлашган ерда даранинг кўндаланг кесимини қояни қўшимча қазиб текислаш (6.3 - расм, в);

кирғоқда гравитацион чекка деворларни қуриш (6.3 - расм, м);

түғоннинг аркали қисмида носимметрикликни йўқотиш ёки камайтириш учун контурли чокларни ўрнатиш (6.3 - расм, а); одатда $\alpha_{\text{чан}}$ ва $\alpha_{\text{жнг}}$ ўртасидаги фарқ $7...10^0$ дан ошмаслиги керак.


Аркали түғон қояли заминида фильтрацияга қарши ҳамма тадбирларни комплекс, пухталик билан ва түғри лойихалаш керак.

Хозирги пайтда аркали түғонлар айлана аркали, мураккаб шаклдаги параболик, гиперболик, уч марказли ва бошқалар қўлланилмоқда. Арка шаклини танлашда түғонга кучланишининг текис тарқалишини ҳисобга олишимиз керак ва аркани қоя билан туташган жойида маъқул ишлаш шароитларини таъминлаш лозим. Айлана шаклидаги аркалар кўпроқ қурилади. Бундай аркаларнинг кучланиш жараёнларини тахлил қилиш натижасида айлана радиуси қанча кичик ҳамда марказий бурчак катта бўлса, кучланиш шунча кам бўлади. Арканинг марказий бурчаги 2α (6.3 - расм) одатда қўйидагича: түғон тепаси яқинида - $90...130^0$, замин яқинида - $65...85^0$ бўлади.

Устидан сув ўтказмайдиган аркали түғонлар тепаси гравитацион ва контрфорсли түғонлар конструкцияларини кабидир. Агар түғон тепасидан автотранспорт қатнови мўлжалланса, унинг кенглигини меъёрлар бўйича қабул қилинади, Транспорт қатнови бўлмаса, түғон тепаси кенглигини 3...4 м оралиғида белгиланади.

Энг катта сарф коэффициентини олиш учун устидан сув ўтказадиган аркали түғон тепасига шакл берилади. Эркин тушувчи оқимни узокроқ улоқтириб ташлаш учун водосливли түғонлар каллаклари пастки бъеф томонга силжитилади. Водосливли фронт юза тирқишилари оралиқ деворлар билан ораликларига бўлинади. Оралиқ деворлар затворлар учун тиргак вазифасини бажаради, оралиқ деворлар юқорисига эса хизмат ва ўтиш қўприклини оралиқ қурилмалари ётқизилади.


Статик ишлаш шароитига кўра аркали түғонларда деформация чоклари бўлмайди. Шунинг билан бирга уларни қурилиш чокларисиз қуриб бўлмайди. Шу сабабли аркали түғонлар устун бўйича қурилади, қурилган түғонга ажратувчи радиал қурилиш чоклари ўрнатилади (6.4 - расм). Улар бетон кичрайиш жараёни стабиллашгандан кейин, яъни 6..8 ойдан сўнг монолит ҳолга келтирилади.



6.4 - расм. Аркали түғонларда курилиш чокларини жойлашуви ва уларни навбат билан текислаш

I,II,III - чоклар ярусини текислаш; 1-вақтингчалик чоклар; 2-текисланған чоклар яруслари орасидаги өзегаралар

Вақтингчалик радиал чоклар (6.5 - расм, а,б,в) учта асосий түри 9...18 м дан кейин ўрнатиласы, уларнинг учта асосий түри мавжуд: цементланадиган, бетонланадиган, комбинациялашган.



6.5 - расм. Аркали түғонлар чоклари:

а,б,в-вақтингчалик радиал; г-контурли; д,е,ж-икки навбатда (I,II) барпо этиладиган түғон чоклари; 1-металл зичлагич; 2-асфальт зичлагич; 3-цементланадиган құвурлар; 4-темир-бетонлы тиқин (ташқи зичлаш); 5-битумлы зичлайдиган масса; 6-совуқ даврда унча катта бүлмаган мусбат ҳароратда бетонланадиган чок; 7-цементланадиган тизимнинг клапанлари; 8-суркалган битум; 9-ички зичлаш; 10-чокнинг цементланған қисми; 11,12-хар хил навбат оралигіда қурилған чоклар.

Штрабали цементланадиган чоклар ўзининг оддийлиги, арzonлиги ва юқори ишончлилиги учун кўп қўлланилади. Вертикал чокларни цементлаш

чиқарувчи клапанлар ёрдамида бажарилади. Цементлаш сифати гидравлик синаб кўриш ва ультратовуш ёрдамида назорат қилинади.

Бетонланадиган чоклар қўшни устунлар оралиғидаги ўрни кенг ($0,7\ldots1,5$ м) вертикал штрабали кўринишида бўлади ва йилнинг совук даврларида бетонланади.

Комбинациялашган чоклар юқоридаги иккала чокларнинг элементларидан ташкил топган. Вақтинчалик радиал чоклардан ташқари доимий контурли, ҳарорат, бўйлама, горизонтал чоклар, ҳамда чоклар - кесиклар ўрнатилади

Контурли чоклар (6.5 - расм, а) тўғон замини яқинида хавфли чўзувчи кучланишлар ҳосил бўлиши эҳтимолини камайтириш, арматура жойлашган ўрни кенглигини ўзгартириш йўли билан аркани қирғоқлардан қояга бериладиган босимини ростлаш, арканинг ўзини симметриклигига эришиши учун ўрнатилади. Уларни ҳам катта босим остида шундай цементланадики, контурли чок юқори бъеф томондан ичкаридан зичлангунча цементланмаган унча катта участка билан чок - кесикка айланиш керак. Баъзида битумли мастика билан сувалади. Бу чоклар ҳамма контур бўйича ёки чок-кесикларга ўхшаб унинг бир қисми бўйича жойлаштирилади.

Горизонтал ва бўйлама (ўқ бўйича) чоклар қуйидаги ҳолларда бажарилади: аркали тўғонлар бир неча навбатда барпо этилганда (6.5 - расм, д, е, ж); унча қалин бўлмаган аркада, устун бўйича қирқилган гравитацион тўғонлар чокларига ўхшаш; тўғонни кучланганлик ҳолатини бошқариш учун. Улар юзаси махсус металл тўр билан арматуралаш, ҳамда битум қатламларини ҳосил қилиш билан амалга оширилади. Бу чокларда дренаж шахталари, ҳар хил материалдан қилинган контурли ва фильтрацияга қарши шпонкаларни ўрнатиш мумкин.


Тўғоннинг ҳарорат чоклари ва чок - кесиклари гравитацион тўғонлардаги чоклар конструкциясига ўхшаш ва вазифасига бўйича бир хил.

Аркали тўғон танасидаги фильтранган сувларни чиқариб ташлаш учун дренажлар ўрнатилади. Улар гравитацион тўғонларники каби диаметрли $7,5\ldots30,0$ см ва қадами $1,5\ldots4,0$ м бўлган вертикал тирқишлилар кўринишида бажарилади. Тўғон танаси бетонининг сув ўтказувчанлиги юқори бўлганда унинг босимли қиррасини асфальт кўринишидаги қоплама билан гидроизоляция қилинади.

Одатда арматурани маҳаллий қучанишлар ҳосил бўлиши мумкин бўлган жойларда (тўғон танасидаги кузатувчи, сув ташловчи тирқишлилар ва галерялар яқинидан, икки томони очик бўлмаган чоклар охирида); ҳарорат чоклари ўлчамларини чеклаш учун (масалан, 1 м узунликда $2 \phi 20$ мм ёки $3 \phi 16$ мм тўр кўринишида); бир қатор ҳолларда юқоридаги конструктив чоклар

яқинида, масалан, заминнинг ножинслилиги сабабли алоҳида участкаларда кучланишларни тўпланиши туфайли ёриқлар ҳосил бўлишини олдини олиш учун тўғон аркасининг юқорисида ва тўғон товони олдида кучланишларни ўзига қабул қилиш учун ўрнатилади. Аркали тўғонларда арматура сарфи 1 м³ бетонга 4...6 кг дан ошмайди, баъзида 10...14 кг ни ташкил этади.

Аркали тўғонлар қурилиши амалиётида арка билан қирғоқни туташтиришнинг турли хил шакллари қўлланилади (6.6 - расм). Радиал товонлар (6.6 - расм, а,б) арканинг бошланғич ҳисобий схемасига мос келади ва қирғоқقا туташган қояни чуқур силжишга ишлашига жалб қиласди. Аммо водий ўқига тахминан паралел бўлган горизонталларда қояни кўпроқ ўйишга (6.6 - расм, а) тўғри келади, бу эса ушбу шаклнинг камчилиги ҳисобланади. Бу ҳолда қояни ўйишни камайтириш учун кам ўйиладиган ҳар хил шаклдаги товонлар қўлланилади (6.6 - расм, в-е).



6.6- расм. Арка товонларининг кўринишлари:

а,б-радиал; в-погонали; г-юқори бурчакни қирқиши билан (полигонал); д,е-эгри чизиқли; 1-ишига яроқли қоя чегараси; 2-арка ўқи

Товонни погонали қилиб ўрнатишда (6.6 - расм, в) маҳаллий кучланишларни ўзига қабул қилиш учун товонга арматура ўрнатилади.

Катта а-б майдончали полигонал тиргак товонлар (6.6 - расм, г) кенг қўлланилади, баъзи товонга силлиқ шакл берилади (6.6 - расм, д); агар қоядаги кучланишни камайтиришга тўғри келса, товон кенгайтириб ўрнатилади (6.6 - расм, г даги А нуқта).

Қояга туташтириш характеристи арка билан қирғоқлар туташиш шаклига мос келишга кўра қабул қилинади.

Чекка деворлар иккита асосий: тўғон юқори ҳалқалар товонидаги зўриқишлиардан ҳосил бўладиган юкламани ва бевосита чекка девор юқори қиррасига сув босимини қабул қилувчи гравитацион деворлар кўринишидаги тўғри (6.3 - расм, м) ва чекка девор юқори қиррасига таъсир этувчи босимни камайтирувчи арка билан қирғоқни туташтирувчи гравитацион девор (6.3 - расм, г) кўринишида бўлади.

Тўғонни нормал эксплуатация қилиш учун унга ер ости йўллари, ҳамда тўғонда, заминда ва қирғоқларда ҳар хил эксплуатация коммуникациялари


ўрнатилади - тўғон танаси ва қирғоқларда кузатув галереялари (6.2 - расм, а), шахталарда назорат - ўлчаш аппаратлари ва лифтлар, пастки қирғоқда консолли хизмат қўприклари (6.2 - расм, а). Кузатув галереялари дренаж галереялар билан бирга қўшилади, баъзида улар заминга ҳам ўрнатилади. Кузатув галерялари сифатида цементланадиган галереялар ва штолъялардан фойдаланилади.

VII. Контрфорсли тўғонлар.

7.1. Контрфорсли тўғонлар тўғрисида умумий маълумотлар ва уларнинг таснифи.

Умумий маълумотлар. Сувнинг босими ёпмалар орқали қабул қилиниб, контрфорс деб аталадиган тик деворлар орқали заминга бериладиган тўғонлар *контрфорсли тўғонлар* дейилади. (7.1 – расм)

Контрфорсли тўғонларни қояли ва қоямас заминларда қуриш мумкин. Юқори бьеф томонидан ясси плита билан қопланган, 15...20 м сув босими остида бўлган тўғонларни қумоқ қумлоқ ва грунтларда қуриш мумкин. Тўғонинг баландлиги ошган сари, унинг заминидаги грунтга қўйиладиган талаб ҳам ошиб боради. Баланд тўғонлар қояли заминларда курилади.



7.1 - расм. Контрфорсли тўғон турлари:

a,b,c-пойдевор плитасиз (а-массив контрфорсли; б-кўп аркали; в-ясси ёпмали);
г-пойдевор плитали (ясси ёпмали, плитали водослив); 1-тиши; 2-контрфорслар;
3- бикр қирра; 4- аркалар; 5- босимли плиталар; 6- бикр тўсинлар; 7- водослив
плитаси; 8- сув урилма; 9- пойдевор плитаси; 10- дренаж; 11- бўшлиқ; 12- шпунт;
13-понур.

Қояли заминдаги темир-бетонли контрфорсли тўғонлар, сув босими таъсири остида бўладиган плита ёки арксимон ёпма ҳамда учбурчак ёки трапеция шаклдаги вертикал таянч - контрфорсдан иборат бўлади. Тўғоннинг бикрлгини ошириш учун контрфорслар горизонтал темир - бетонли тўсинлар

билан бирлаштирилади. Тўғон тубига фильтрацияни камайтириш мақсадида босим остида ишлайдиган плита билан контрфорснинг юқори бъеф томонини тиш орқали қояга бирлаштирилади ва цементланади. Қоямас грунтларда қуриладиган тўғонлардан заминга тушадиган оғирликни камайтириш мақсадида унинг заминида темир - бетонли плиталардан яхлит пойдевор қурилади. Бу плита тўғоннинг ер ости контурини узайтиради ва фильтрация оқими тезлигини камайтиради. Темир - бетон плита билан контрфорсни, қўпинча юқори бъеф томонида тиш билан тўташтириб қўйилади.

Контрфорсли тўғонлар конструкциясининг мукаммаллиги туфайли дунёда кенг тарқалган. Уларнинг ичидаги Андижон, Киров ва Зейск гидроузел тўғонларининг баландликлари мос равишида 115, 83 ва 111 м ни ташкил этади.


Контрфорсли тўғонлар бошқа тўғонларга нисбатан бир қатор ютуқларга эга, қўпинча улар бетонли гравитацион тўғонлар билан таққосланади.

Контрфорсли тўғонлар қўйидаги ютуқларга эга: 1) фильтрацияга қарши босим сезиларли даражада камаяди, баъзи бир тўғонларда эса у умуман таъсир этмайди; 2) бетон сарфи камаяди, тўғон баландлиги қанча катта бўлса, тежаш сезиларли даражада бўлади; 3) бетон экзотермиясини камайишига қулай шартшароитлар яратилади ва ташки ҳароратнинг ўзгариши тўфайли ҳосил бўладиган ҳарорат кучланиши камаяди; 4) тўғон ҳамма қисмларининг ҳолатини кузатиш имконияти бўлади; 5) кўп ҳолларда контрфорсли тўғон элементлари (яси босимли плитадан ташқари) сиқилишига ишлашини ҳисобга олиб, бетоннинг мустаҳкамлик хоссаларидан фойдаланиш мумкин.

Шу билан бир қаторда контрфорсли тўғонлар баъзи бир камчиликларга эга: 1) қурилиш ишларининг мураккаблиги, асосан эгри чизиқли юзаларни бажаришда; 2) юпқа босимли ёпмалардан сувнинг сизиб ўтиши туфайли паст ҳароратларда (бўшлиқлардаги сув музлаганда) бузилишлар содир бўлиши 3) контрфорсли тўғонларнинг асосий элементлари сиқилишига ишлашига қарамасдан, арматура қўллашга тўғри келади; 4) битумли таркибда бажарилган чоклар гидроизоляциясини етарли даражада ишончли бўлмаслиги; 5) баъзи бир босимли ёпмали водосливли тўғонлар қурилиш ишларини мураккаблиги, масалан кўп аркалида.

Констрфорсли тўғонларнинг таснифи. Улар бир қатор белгиларга кўра таснифга бўлинади: *босимли ёпмалар турига кўра:* массив каллакли ёки массив контрфорсли (7.1 - расм, а); кўп аркали ёки аркали - контрфорсли (7.1 - расм, б); яси ёпмали (7.1 - расм, в.г); *сув ўтказиши усулига кўра:* устидан сув ўтказмайдиган (7.1 - расм, а,б,в); устидан сув ўтказмайдиган (7.1 - расм, г); *контрфорс конструкциясига кўра:* яхлит контрфорслар (7.2 -расм, а); ички бўш контрфорслар (7.2 - расм, б); икки томони очиқ контрфорслар (7.2 - расм, г); массив-контрфорслар (7.1 - расм, а); *материалига кўра:* контрфорсли

түғонлар бетонли, темир-бетонли, пұлатлы, ғиштдан төрилгән ва аралаш (комбинациялашған) бўлиши мумкин; заминнинг характерига кўра: контфорсли түғонлар қояли, ярим қояли ва қоямас заминларда бўлиши мумкин. Қояли заминларда түғонлар пойдевор плитасиз ўрнатилади (7.1 - расм, а-в), қоямас ва қоялида эса – пойдевор плитали (7.1 - расм, г).



7.2- расм. Контфорс конструкциялари:
а-яхлит; б-ичи бўши; в-массив; г-икки томони очиқ

Контфорсли түғонларни қуриш уларнинг баландлиги ва конструкциясига боғлиқ бўлган бетон ва темир - бетон ишларининг ҳажми жиҳатдан гравитацион түғонларнига нисбатан анча арzonга тушади. Лекин қалин ва темир - бетонли конструкцияларни тайёрлаш ҳисобига контфорсли түғон 1 м^3 нинг нархи гравитацион түғонларга нисбатан 5...10% қиммат бўлади. Контфорсли түғонларни қуриш учун темир - бетондан фойдаланиш бу турдаги түғонларнинг тарқалишига кенг йўл очиб беради.


7.2. Босимли яssi ёпмали контфорсли түғонлар.

Босимли яssi ёпмали контфорсли түғонлар илк бор АҚШ да қурилди. Биринчи түғонлар факт қояли заминларда барпо этилди, факт кейинроқ бундай түғонлар конструкциялари қоямас заминларда ишлаб чиқилди.

Кўп ҳолларда қурилган босимли яssi ёпмали контфорсли түғонлар баландлиги 25...30 м дан ошмаган. Баландлиги юқори түғонлар кам учрайди ва 1938 йилда Мексикада қурилган баландлиги 73 м ли битта түғонни кўрсатиш мумкин.

Хозирги вақтда босимли ясси ёпмали контрфорсли түғонлар қурилиши чегараланган, чунки улар билан массив контрфорсли түғонлар рақобатда. Бу шундай тушунтирладики, баланд түғонларни қуришда босимли ясси ёпмали конструкциялар тежамкор эмас, ҳамда қурилиш сарфларини ўтказишида қийинчиликлар учрайди ва қурилиш ишларини бажариш мураккаблашади. Босимли ясси ёпмали түғонларнинг муҳим камчилиги контрфорслар орасидаги масофа кичик бўлишидир.

Босимли ёпмалар таяниш характеристи бўйича қирқилган ва қирқилмаган бўлиши мумкин. Контрфорсли түғонларда кўп қўлланиладиган қирқилган конструкцияда (7.3 - расм, а), ёпмалар каллакларга эркин таянади ва узунлиги бўйича тенг тақсимланган юкламага иккитта таянчдаги тўсин каби ҳисобланади. Ёпмаларни бундай қирқиши катта ҳарорат ва кичрайиш кучланишларини келтириб чиқармайди ва контрфорслар нотекис чўкканда оқибатларга олиб келмайди.



7.3 - расм. Босимли ясси ёпмаларни контролорсларга таяниш:
а-қирқилган; *б*-қирқилмаган.

Қирқилмаган конструкцияларда ёпмалар контролорс бетони билан монолит боғланган (7.3 - расм, б), уларнинг қалинлиги кичик бўлади, аммо улар контролорс нотекис чўкишга таъсирчан. Заминда мустаҳкам қоя бўлганда қирқилмаган ёпмалар қўлланилади. Бу ерда ҳисобий схема тенг тақсимланган юкламали кўп оралиқ тўсин каби бўлади.

Ёпмалар каллакларга таянган жойида чоклар синиқ чизиқлар кўринишида бўлади, шу сабабли уларнинг сув ўтказмаслиги ошади. Контрфорсли түғонлар ёпмалари заминга томон кенгайиб борувчи, ўзгарувчан қалинликда бўлади. Ёпмага юклама бўлмаган түғоннинг юқори қисмида, яъни түғон тепасининг яқинида уларни қалинлигини конструктив 0,4...0,5 м га тенг қилиб қабул қилинади.


Түғон баландлиги 20...40 м чегарсида бўлса, замин яқинида ёпмалар қалинлиги 0,6...1,5 м ни ташкил этади. Вертикал бўйича ёпмалар қалинлиги

тахминан ҳар бир метрга 3 см ошади. Ёпмаларнинг аниқроқ қалинлиги ҳисоблар асосида аниқланади.

Баландлиги бўйича ҳар 15...25 м дан кейин, ташки ҳарорат ўзгарганда ёпмаларни эркин силжишни таъминлаш учун, босимли монолит ёпмаларда горизонтал чоклар ўрнатилади. Чокларнинг ўтказмаслиги таъминлаш учун мисли листлар ва асфальт шпонкали зичлагичлар ўрнатилади. Заминда босимли ёпмалар бетонли тишга таянади, уни нурамаган мустаҳкам қояга уйиб ўрнатилади. Шу билан бир қаторда босимли монолит ёпмалар билан бирга йифма темир - бетонли ёпмаларни қўллаш мумкин.

Якка контрфорслар (7.4 - расм) трапециадал кесимдаги деворни ифодалайди, уларнинг юқориси бўйича $B_{\text{ю}} \text{ ўлчами эксплуатация шароитлари бўйича, пасти эса } B_{\text{п}} \text{ ни ён қирраларнинг ётиқлиги бўйича аниқланади.}$

Барпо этилган контрфорсли тўғонларнинг босимли қиррасини горизонтга оғиш бурчаги $\theta_1 = 45^0$ ни ташкил этади, баъзи бир ҳолларда 60^0 қабул қилинади. Пастки қирранинг оғиш бурчаги 60^0 дан 90^0 гача ўзгаради.



7.4-расм. Якка контрфорс.

Қабул қилинган контрфорслар нишаблигини ҳисобга олиб уларни замин бўйича ўлчами қуидагида бўлади.

$$B_{\text{зам}} = (m_1 + m_2)H_T + b_{TT}, \quad (7.1)$$

бунда m_1 ва m_2 - юқори ва пастки қирралар ётиқлик коэффициентлари.

Кўндаланг кесимда контрфорс пастга қараб ошиб борувчи ўзгарувчан қалинликка эга. Таяниш майдонини ошириш учун контрфорс заминда катта қалинликда бўлади, шу сабабли замин грунтидаги кучланиш камаяди ва контфорсни силжишга устиворлиги таъминланади.


Контрфорс юқориси қалинлиги $d_{\text{ю}}$ ҳисоб қилмасдан конструктив 0,2...0,6 м қабул қилинади. Контрфорс пасти бўйича қалинлиги тахминан эмпирик формула бўйича аниқланади.

$$d_n = 0,1H_T d_{\text{ю}}. \quad (7.2)$$

Сүнгра ҳисобланган d_n қийматини контрфорсларни кучланиш бўйича статик ва устиворлик ҳисоблари бўйича тўғриланади.

Контрфорслар бетондан қурилади, чунки ташқи кучлар таъсирида уларда ҳосил бўладиган кучланиш сиқувчи бўлади. Чўзувчи кучланишлар ҳосил бўлган алоҳида зоналарда арматура қўйилади. Контрфорслар орасидаги масофа 5...6 м дан ошмайди. Бу масофа оширилганда босимли ёпмалар қалинроқ бўлади ва контрфорсли тўғонларни қўллаш фойдали бўлмайди

Қояли заминларда контрфорслар 0,3...0,5 м чуқурликкача киритилади, фақат баъзи бир ҳолларда заминнинг юқори қатлами бузилган бўлса, чуқурлаштириш ошади. Қоямас грунтларда контрфорслар заминида кучланишни камайтириш учун бикр (монолит) боғланган темир - бетонли плита қўлланилади (7.5 - расм). Плитада фильтрацияга қарши босимни камайтириш учун, унинг умумий юзаси бўйича тирқишилар ўрнатилади. Фильтрация оқими бу тирқишилар орқали чиқади, фильтрация деформацияларини олдини олиш учун эса плита остига тескари фильтр ўрнатилади. Тўғонни силжишига устиворлигини ошириш учун пойдевор плитасига фильтрация коэффициенти юқори бўлган грунт тўклилади.



7.5 - расм. Қоямас заминдаги контрфорсли тўғон:


1-контрфорс билан бикр туташтирилган пойдевор плитаси; 2-плитадаги тирқии; 3-плита остидаги тескари фильтр; 4-шпунтли девор; 5-грунтли понур

Контрфорсларда бўйлама эгилиш бўлади. Контрфорснинг пастки қиррасига параллел қилиб, қаторлар бўйича жойлаштириб бикр тўсинлар ўрнатиб бўйлама эгилиш йўқ қилинади. Бикр тўсинлар баланлик бўйига ҳар 4...8 м дан кейин ва горизонтал бўйича ҳар 5...12 м масофада жойлаштирилади. Бу масофаларнинг аниқроқ қиймати, бўйлама эгилишга йўл қўйиладиган параметрлардан келиб чиқиб ҳисоблар бўйича аниқланади.

Бикр тўсинлар контрфорс билан бикр ёки шарнир билан бирлаштирилади. Босимли ёпмаларни кузатиш учун орқа томонда ҳар хил сатҳларда уларнинг танасига тешиклар қолдирилади, улар орасига хизмат кўприклари ўрнатилади.

7.3. Кўп аркали контрфорсли тўғонлар.


Босимли ёпмалар арка кўринишида бажарилган тўғонларни кўп аркали дейилади (7.6 - расм). Контрфорслар тўғонларда аркали ёпмаларни қўлланилиши контрфорслар орасидаги масофани сезиларли даражада оширишга ва яssi ёпмали тўғонларга нисбатан бетонни тежашга эришилади. Кўп аркали тўғонларни қуриш мураккаблиги ва контрфорслар нотекис чўкишини берувчи бошқа грунтларда амалга ошириб бўлмаслиги уларнинг камчилликлари ҳисоланади.



7.6- расм. Арка ёпмали контрфорсли тўғон:
1-ёпма; 2-контрфорс; 3-бикр қирралар

Кўп аркали кўпроқ устидан сув ўтказмайдиган қилиб бажарилади, чунки водосливни ўрнатиш конструктив қийинчиликлар билан боғлиқ. Аммо тўғон қурилиши амалиётида кўп аркали тўғонлар водосливли бажарилгани мавжуд.


Арка шаклини горизонтал кесимларда қалинлиги доимий, марказий бурчак $150\ldots160^0$ чегарасида бўлган доиравий қилиб бажарилади. Баланд тўғонларда вертикал бўйича арка қалинлиги ўзгарувчан бўлади. Юқори қисм қалинлигини конструктив 0,5 м, унинг заминида эса ошади ва ҳисоблар бўйича аниқланади. Босимли қирра томонидан арка қалинлигини пастга қараб оширилади, пастки қирра цилиндрик қолдирилади ва унга марказий бурчак қўйилади. Заминда арка планда худди шундай кўринищдаги тишга таянади. Аркаларнинг замин билан туташтириш вариантлари 7.7 - расмда келтирилган.



7.7 - расм. Аркаларни замин билан туташтириш вариантылари

Күп аркалы түғонлар контрфорслари конструкцияси босимли ёпмали түғонларники кабидир.

Арка билан контрфорсни туташтириш бикр ёки эркин таянган ҳолда бажарилади (7.8.8 - расм). Бикр туташтириш кенг күлланилади, унда арка арматураси контрфорс танасига киргизилади. Бундай туташтиришда контрфорсларнинг нотекис чўкиши сезиларли бўлади, шунинг учун уни заминда мустаҳкам қоя бўлганда күлланилади. Аркаларнинг эркин таяниши контрфорслар нотекис чўкканда қулайроқ ва қурилиш ишларини бажариш соддароқ.



7.8 - расм. Аркаларни контрфорслар билан туташтириш:

a-бикр; б-эркин таяниши; 1-аркалар; 2-даврий кесимли арматура; 3-контрфорслар; 4-чок

Унча баланд бўлмаган түғонларда бикрликни ошириш учун контрфорслар вертикал ёки қия қовурғалар билан кучайтирилади. Шу мақсадларда жуда баланд түғонларда бўйлама деворлардан ташкил топган, бир бири билан темир - бетон диафрагмалар билан туташтирилган ичи бўш контрфорслар ўрнатилади. Контрфорс босимли қирраси ҳолатини босимли ясси түғонларники каби қаул қилинади, яъни уларни силжишга қарши устиворлиги ҳисобга олинади. Лекин контрфорс босимли қирраси бурчагини $45\dots65^0$ чегарасида қабул қилиб қия бажарилади.


Яхлит қалинлигини $d_{\text{ю}} = (1,5\dots2)e_{\text{ю}}$ дан кичик қабул қилинмайди, бунда $e_{\text{ю}}$ -аркани юқориси бўйича қалинлиги, контрфорсларнинг пасти бўйича

қалинлигини тахминан $d_{II} = (0,07 \dots 0,10) H_T d_{II}$ ифода бүйича белгиланади. Контрфорслар орасидаги масофа 50 м гача бўлади, ўртача қийматини 12 дан 25 м га тенг деб қабул қилиш мумкин.

7.4. Массив - контрфорсли тўғонлар.

Бу турдаги тўғонлар бир қатор параллел турган контрфорслардан ташкил топиб, босимли томони бир бири билан зич жойлашган, қалинлашган-каллаклардан иборат бўлиб, юқори бъеф томонидан сув ўтказмайдиган умумий ёпмани ташкил қиласди.

Массив - контрфорсли тўғонлар қояли заминларда барпо этилади, улар устидан сув ўтказмайдиган ва водосливли бўлиши мумкин (7.9 - расм). Массив - контрфорсли тўғонларда қуйиладиган бетон ҳажми камаяди, бетоннинг мустаҳкамлик хоссаларидан рационал фойдаланилади. Массив - контрфорсли тўғонларнинг афзаликларига фильтрация ва фильтрацияга қарши босим кучини камайиши, экзотермик иссиқликни ёйилиши учун қулай шароитлар бўлиши ва эксплуатация даврида тўғон ҳамма элементлари ҳолатини кузатиш учун имконият борлиги киради.




7.9 - расм. Массив-контрфорсли тўғон:
а-устидан сув ўтказмайдиган; б-водосливли; 1-дренаж учун тирқиши; 2-мисли листлар.

Гравитацион тўғонларга нисбатан массив контрфорсли тўғонларнинг тежамкорлиги 40% ва ундан ортиқ бўлади. Тўғон баландлиги ошган сари иқтисодий кўрсатгичлар ошиб боради. Массив - контрфорсли тўғонларнинг ҳамма элементлари сиқилишга ишлайди, фақат баъзи бир ҳолларда чўзувчи кучланишлар пайдо бўладиган жойларга арматура қўйишга тўғри келади.

Контрфорсларнинг жойлашувига кўра тўғонлар якка контрфорсли (7.10-расм, а, б,в) ва қўшалоқ контрфорсли (7.10-расм, г,д) бўлади. Қўшалоқ

контрфорсларни қўлланилиши чоклар сонини камайтиради, бўйлама йўналишдаги конструкциянинг бикрлигини оширади, баъзи бир ҳолатларда бўйлама эгилишни йўқотади. Курилиш нуқтаи назаридан ясси каллак энг оддий ҳисобланади, аммо бу каллакка гидростатик босим таъсирида кучланишлар ҳосил бўлиши мумкин, арматура ишлатмасдан уларни бартараф этиш учун эгри чизиқли ва полигонал каллаклар қўлланилади. Ишлаб чиқариш тажрибасига асосан якка контрфорслар орасидаги масофа 15...18 м қабул қилинади. Қўшалоқ контрфорсли тўғонларда секция ўлчами 22...26 м оралиғида қабул қилинади. Контрфорс ёклари (қирралари) кўп ҳолларда ётиқ лойиҳаланади. Босимли томони қиялиги $m_1 = 0,40...0,55$, пастки қиялиги $m_1 = 0,45...0,8$ қабул қилинади.



7.10 - расм. Массив - контрфорсли тўғонлар каллаклари турлари (горизонтал кесимлар):

a-эгри чизиқли якка; б-полигонал якка; в - ясси якка; г - ясси қўшалоқ; д-эгри чизиқли қўшалоқ.


Массив - контрфорсли тўғонлар босимли ёпмалари каллаклардан ташкил топган, улар босимли қирра яқинида контрфорснинг қалинлашган қисмини ифодалайди. Босимли якка ва қўшалоқ контрфорслар каллакларининг пландаги шакли ясси, полигонал ва эгри чизиқли кўринишда бўлади (7.10 - расм). Каллақдан контрфорсга ўтишда кучланишлар тўпланмаслиги учун, каллак билан контрфорс силлик эгри чизиқлар билан туташтирилади.

Сиқилган каллакли конструкциялар ҳам мавжуд. Бу ҳолда контрфорслар ўртасига кенглиги 1,5...2,0 м ли тирқиши қолдириб, бир биридан мустақил қурилади. Контрфорслар курилиши тугагандан кейин йилнинг совуқ вақтида бу тирқишига зичлагич ўрнатилиб, понасимон бетонли шпонка билан ёпилади. Ҳарорат кўтарилиганда понасимон шпонка кенгаяди ва юқори каллаклар сиқилади, бунинг натижасида уларда чўзувчи кучланишлар ҳосил бўлмайди.

Контрфорс деворлари қалинлигини түғон қурилиши тажрибаларига асосан белгиланади. Дастрлабки уни якка констрфорсларда $d_{\min} = H_T / 15$ қабул қилиш мумкин, аммо 2,5...3 м дан кичик бўлмаслиги керак. Совуқ иқлим шароитларида ва баланд түғонларда бу ўлчам $d_{\min} = 4...5$ м гача ошади. Қабул қилинган контрфорс ўлчамлари сўнгра мустаҳкамлик ва устиворлик ҳисоблари, ҳамда лаборатория тадқиқотлари бўйича аниқлаштирилади. Совуқ иқлим шароитларида контрфорсли түғонларнинг пастки қирраси томонидан бетон қопламаси бўлмаса, материали кам иссиқликни ўтказадиган иссиқликни изоляция қиласидиган девор ўрнатиш тавсия этилади. Керак бўлган ҳолларда, ички ёпиқ текисликлар сунъий иситилади.

Контрфорсларнинг товони соғлом ёки қояга сунъий тадбирлар ўтказиб жойлаштирилади. Юқори кучсиз қатламлар, айникса йирик қум, майдага шағал олиб ташланади. Контрфорсларни ўйиб ўрнатиш силжишга устиворлик шароитлари бўйича ҳам фойдали, чунки ўйилган баландлик чегарасида контрфорсларнинг ён томонларидан қўшимча реактив кучлар пайдо бўлади. Ёриқ қояли заминларда юқори тиш остига цементация ишлари бажарилади: шундай цементация қирғоқларда ҳам бажарилади. Цементли тўсиқ пардаларни тишдан ажралиб кетмаслигига, ҳамда босимли қирра бетонида ёриқлар ҳосил бўлишига йўл қўймаслик учун, бу жойлардаги бош максимал кучланишлар мусбат (сикувчи) бўлиши керак. Массив контрфорсли түғонларни қирғоқлар билан туташтириш гравитацион чекка деворлар билан амалга оширилади. Устидан сув ўтказмайдиган түғонларда бу чекка деворларда сув ташлагичларни жойлаштиришда фойдаланилади.

Контрфорслар бир-биридан деформация чоклари билан ажратилади ва улар мустақил ишлайди, шунинг учун контрфорс түғон заминини бир оз нотекис чўкишига йўл қўйилади. Чоклар маҳсус конструкцияга эга бўлиб, ўз таналари орқали сув ўтказмайдиган хусусиятга эга бўлиши керак. Контрфорслар орасидаги доимий деформация чокини зичлаш 7.11 - расмда келтирилган. Юқори қиррадан зичлагич сув ўтказмайдиган ядросигача бўлган масофа l_1 ни, бетоннинг фаол зонаси қалинлигига мувофик, яъни унинг чегарасида бетонда йил давомида ҳарорат сезиларли даражада ўзгарадиган зонаси бўйича белгиланади. Қояли заминда түғонни нотекис чўкиши бўлмаса, чок кенглиги δ ни тахминан 1 см қабул қилинади.



7.11 - расм. Деформация чокини зичлаш схемаси:

1-түғоннинг юқори қирраси; 2-бетонлы тиқин; 3-битумли мастика билан тұлдірілген чок; 4-металл лист; 5- асфальтлы мастика; 6-дренаж; 7- каллакнинг юқори қирраси.

Түғоннинг юқори каллагини лойихалашда чок узунлигини шундай белгиланады, бу узунлик чегарасыда зичлагич, баъзида дренаж, ҳамда l_1 ва l_2 узунліклар жойлашиши керак. Дренаж бўлганда l_2 пастки томондан бетонни йўл қўйилиши мумкин бўлган музлаш чуқурлигидан қайта масофада бўлиши керак. Унда сув омборидаги сув ҳарорати ва ҳавонинг ташқи ҳарорати ўртасида ўртача ҳарорат ўрнатилади.

Умуман олганда массив контрфорсли түғонларни лойихалашда түғон оғирлиги кам бўлишига ҳаракат қилинади, бунинг учун түғон пастки қисми кенглиги, түғон қирраларининг нишаблиги контрфорслар орасидаги масофа танланади. Контрфорслар ҳосил қилган түғон юқори қиррасини инъекция тўсиқ парда ёрдамида қояли замин билан туташтирилади. Түғонни ҳисоблашда қарши босим ҳисобга олинмайди ёки баъзида каллак чегарасида ҳисобга олинади. Массив - контрфорсли түғонларни ҳар қандай иқлимий зоналарда, мураккаб геологик шароитларда қуриш мумкин.

7.5. Контрфорсли түғонларни конструктив хусусиятлари.

Яхлит контрфорслар пастка қараб ошиб борувчи ўзгарувчан қалинликка эга: баланд бўлмаган түғонлар учун, баъзида ўртача баландликда ҳам қурилиш ишларини соддалаштириш учун доимий қалинликдаги контрфорслар мақсадга мувофиқ бўлади.

Ички бўш, айниқса қўшалоқ қутисимон контрфорслар, баъзида сейсмик шароитларда якка контрфорслардан афзал бўлади. Контрфорсларда ҳарорат-кичрайиш ёриқларини олдини олиш учун нафакат ён юзаларини арматура тўри билан арматуралаш, балки бетонда керакли ҳарорат режимини таъминлаш ва вақтингчалик ҳарорат - кичрайиш чокларини ўрнатиш билан

эришилади. Бу чоклар одатда вертикал ёки сув омбори тўлиқ бўлганда тахминан иккинчи тартибли ёки биринчи тартибли нормал кучланишларнинг траекторияси бўйича ўрнатилади. Статик шартлар ($\tau \approx 0$) бўйича чокларни бош нормал кучланишлар траекториялари бўйича жойлаштириш мақсадга мувофиқдир, аммо ишлаб чиқариш нуқтаи назаридан мураккаб. Йилнинг совуқ вақтларида бу чоклар яхлит ҳолга келтирилади. Кичрайиш чоклари орасидаги масофа 8...12,5 м, баъзида бир оз кўпроқ бўлади.

Бикр элементлар тури ва ўлчамлари маҳаллий шароитлар (тўғон баландлиги, юпқа ёки массив контрфорслар, сейсмикликнинг бўлиши ёки бўлмаслиги ва ҳакозолар) га қўра ўрнатилади. Сейсмик худудларда иншоотни ён томондаги сейсмикликда ишлашдан келиб чиқиб пастки қирра яқинида қўшалоқ контрфорслар ёки бикр диафрагмалар талаб қилиниши мумкин; юпқа контрфорсларда ва нисбатан унча катта бўлмаган оралиқларда бикр тўсинлар ўрнатилади. Констрфорсларни бўйлама эгилишига устиворлиги кўпинча ҳар қандай бикр элементлар (тўсинлар, қирралар ёки деворлар)да таъминланади, массив констрфорсларда эса улар бўлмаслиги ҳам мумкин (айниқса унча баланд бўлмаган тўғонларда - 40...70 м гача).

Констрфорсли тўғонлар алоҳида зоналари учун бетон синфи ўша умумий қоидалар асосида ўрнатилади. Кўпинча қазилма ҳар бир контрфорс остига қурилади, бу қоя ишлари ҳажмини камайтиради ва айниқса катта оралиқларда мақсадга мувофиқдир. Бир қатор ҳолатларда, айниқса констрфорслар ўртасидаги масофа унча катта бўлмагандан кучсиз қояни олиб ташлаш афзалдир.

Назорат саволлари

1. Қояли заминлардаги устидан сув ўтказмайдиган бетонли Гравитацион тўғонларнинг қанақа турлари мавжуд?
2. Массив гравитацион тўғонлар ҳақида маълумот беринг?
3. Массив гравитацион тўғон учбурчакли профилининг ҳисобий схемасини тушунтиринг?
4. Тўғон танасидаги фильтрацияга қурилмаларнинг вазифалари нимадан иборат?
5. Тўғон заминида қанақа турдаги дренажлар қўлланилади?
6. Гравитацион тўғон чоклари қандай ҳосил бўлади ва уларнинг қайси турларини биласиз?
7. Тўғон ёнида барпо этилган гидроэлектростанция гравитацион тўғон конструкцияларига қандай таъсир ўтказади?
8. Гравитацион тўғон танасида сув ўтказувчи иншоотларни жойлаштиришнинг қанақа ўзига хос хусусиятлари бор?

9. Енгиллаштирилган бетонли гравитацион түғонлар массив бетонли гравитацион түғонларга нисбатан қандай афзалликларга эга?

10. Түғонларда бетонли олдиндан зўриқтириш нима учун керак?

11. Гравитацион түғонларни қанақа такомиллаштириш усуллари бор?

12. Қояли заминлардаги гравитацион түғонларни мустаҳкамлик ва устуворлик хисоблари асосий шартлари нималардан ташкил топган?

13. Бетонли сув ташловчи түғонлар қайси ҳолатларда қўлланилади ва уларнинг қанақа конструкциялари мавжуд?

14. Аркали түғонлар ҳақида маълумот беринг?

15. Контрфорсли түғонлар деганда нимани тушунасиз ва уларнинг қандай турларини биласиз?

ҚИСҚАРТМА ИБОРАЛАР ВА АСОСИЙ ТУШУНЧАЛАР

ГТИ	гидротехника иншоотлари
НҮҚ	назорат-ўлчаш қурилмалари
ГЭС	гидроэлектростанция
ЮБСС	юқори бъеф сув сатхи
ПБСС	пастки бъеф сув сатхи
НДС	нормал димлаш сатхи
ЖДС	жадал димлаш сатхи
ФХС	Фойдасиз ҳавуз сатхи
АТНТ	автоматлаштирилган ташхис-назорат тизими
M₁	мезон - 1 кўрсаткичи (потенциал хавфли ҳолат)
M₂	мезон - 2 кўрсаткичи (авария олди ҳолат)

Гидротехника иншоотларида ҳавфсизликнинг умумий тушунчалари:

Гидротехника иншоотлари – уларга тўғонлар, гидроэлектростанциялар бинолари, сув ташлаш, сув бўшатиш, сув ўтказиш ва сув чиқариш иншоотлари, туннеллар, каналлар, насос станциялари, сув омборлари қирғоқларини, дарёлар ва каналлар ўзанларининг қирғоқлари ва тубини тошқин ҳамда емирилишлардан муҳофаза қилиш учун мўлжалланган иншоотлар, саноат ва қишлоқ хўжалиги ташкилотларининг суюқ чиқиндилар сақланадиган жойларини ўраб турувчи иншоотлар (кўтармалар, дамбалар);

Гидротехника иншоотларининг ҳавфсизлиги – гидротехника иншоотларининг одамлар ҳаёти, соғлиғи ва қонуний манфаатларини, табиий атроф-муҳитга ва хўжалик объектларини муҳофаза қилишни таъминлаш имконини берувчи ҳолати;

Гидротехника иншоотининг ҳавфсизлиги декларацияси - гидротехника иншоотининг ҳавфсизлигини асослаб бериладиган хужжат;

Гидротехника иншооти ҳолатининг назорат қилинадиган кўрсаткичлари - техник воситалар ёрдамида ушбу иншоотда ўлчанадиган ёки

ўлчовлар, миқдорий тавсифлар, шунингдек гидротехника иншооти ҳолатининг сифат кўрсаткичлари асосида ҳисобланган кўрсаткичлар;

Гидротехника иншоотининг хавфсизлик мезонлари - гидротехника иншоотдаги авария хавфининг мақбул даражасига мос келадиган ва белгиланган тартибда тасдиқланган гидротехника иншооти ҳолати ва унинг иш шароитларининг миқдорий ва сифат кўрсаткичларининг чегаравий қийматлари ҳисобланади;

Мезон - 1 кўрсаткичи - бу шундай таҳлил кўрсаткичлари қийматини бирламчи (огоҳлантирувчи) даражаси ҳисобланадики, унга эришган тақдирда гидротехника иншооти ва унинг заминининг устуворлиги, механикавий ва фильтрация мустаҳкамлиги, шунингдек, сув ташлаш ва сув ўтказиш иншоотларини сув ўтказиш қобилияти эксплуатациянинг нормал шароитига жавоб беради;

Мезон - 2 кўрсаткичи - таҳлил кўрсатгичлари қийматини иккиламчи (авария олди чегаравий) даражаси бўлиб, уни ошиб бориши билан гидротехника иншоотини лойиҳавий режимда эксплуатация қилиш мумкин эмас;

Ишончлилик деб - белгиланган вакт ичида, эксплуатациянинг ўрнатилган режими ва шароитида талаб қилинадиган функцияларни бажариш қобилиятини тавсифловчи иншоотнинг хоссаларига айтилади;

Иншоот хавфсизлиги деганда - унинг белгиланган вакт интервали ичида берилган шарт-шароитларда талаб қилинадиган функцияларни ажариш қобилияти тушунилади;

Чидамлилик – бу иншоотнинг хизмат қилиш муддати ичида берилган шарт-шароитларда чегаравий ҳолатгача етиб бормаслигидир;

Таъмирланишга яроқлилик деб – иншоотни шундай тиклаш ва ушлаб туриш ҳолатига мослашганлигига айтиладики, бунда техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш ишларини ўтказиш орқали объект талаб қилинадиган функцияларни бажара олади;

Гидротехника объектлари - гидротехника иншоотларининг гидроузеллари, уларнинг конструкциялари, заминлари ва жиҳозлари-иқтисодий, экологик ва ижтимоий нуқтаи-назаридан мураккаб ва масъулиятли муҳандислик объектлари ўртасида энг қўп тарқалган бўлиб, уларнинг соз ва хавфсиз ишлашини таъминлашга дунё бўйича алоҳида эътибор қаратилади;

Чегаравий ҳолат деб – бу ҳолатдан кейин ўз вазифасиг кўра объектни ишлатишг йўл қўйилмаслиги ёки мақсадга мувофиқ эмаслиги нуқтаи-назаридан гидротехника иншоотининг ресурс тугаганлигини белгиловчи ҳолатга айтилади;

Критик ҳолат деганда – объектнинг йўл қўйиб бўлмайдиган салбий ҳолатдан тортиб то авария юз беришига олиб келувчи ҳолат тушунилади;

Фавқулодда вазият – муайян ҳудуддаги аварияга олиб келиши мумкин бўлган, шунингдек, гидротехника иншоотининг аварияси натижасида вужудга келган бўлиб, одамлар қурбон бўлишига, одамлар соғлиғига ёки табиий атроф-муҳитга зарар етказилишига, жиддий моддий талофатларга ва одамларнинг ҳаёт фаолияти шароитлари бузилишига олиб келиши мумкин бўлган ёки олиб келган вазият;

Эксплуатация ташкилоти – тасарруфида (балансида) гидротехника иншооти бўлган корхона, муассаса ва ташкилот;

Агар иншоот меъёрий-техникавий, лойиҳавий ва эксплуатация ҳужжатлари талабларидан энг камида биттасига жавоб бермаган такдирда, бундай иншоот носоз ҳолатда дейилади;

Назорат кўрсаткичлари – қаралаётган иншоотда техникавий воситалар ёрдамида ўлчанаётган ёки ўлчашлар асосида ҳисоблаб чиқилган миқдорий тавсифлар шунингдек гидротехника иншоотлари ҳолатини сифат тавсифлари;

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Айрапетян Р.А.Предотвращение трещинообразования в плотинах из грунтовых материалов. Гидротехническое строительство,1979, № I, с.49-52.
2. Bakiyev M., Majidov I., Nosirov B., Xo'jaqulov R., Rahmatov M. Gidrotexnika inshootlari. 1- jild, darclik. T., "Vangi asr avlodi", 2008.
3. Bakiyev M., Majidov I., Nosirov B., Xo'jaqulov R., Rahmatov M. Gidrotexnika inshootlari. 2- jild, darclik T., "Таълим" 2009.
4. Богословчик П.М. Проектирование и расчеты гидротехнических сооружений. М.2018 г 389 стр.
5. Васильев И.М. Прочность и устойчивость подпорных грунтовых гидротехнических сооружений. – М.: Энергоатомиздат, 1988.-112 с. (Библиотека гидротехника и гидроэнергетика, вып.92).
6. Высоцкий Л.И.Управление бурными потоками на водосбросах. Энергоатомиздат М. 1990г 256 стр.
7. Волков И.М., Кононенко П.Ф., Федичкин И.К. Гидротехнические сооружения. М.:, Колос, 1968.-361 с.
8. Волков И.М. и др. Проектирование гидротехнических сооружений. М., Колос, 1977. 384с.
9. Гидротехнические сооружения. /Под ред.Н.П.Розанова. М., «Стройиздат, 1978. 647. с
10. Гидротехнические сооружения. /Под ред. Н.П.Розанова. М., «Агропромиздат», 1985.432 с.
11. Гидротехнические. Сооружения:. Справочник. Проектировщика. /. Г.В.. Железняков.и.[др.]; под.общ..ред..В.П..Недриги..М.,1983..543.с.
12. Гольдин А.Л. , Рассказов Л.Н., Проектирование грунтовых плотин. М. Изд. АСВ, 2001.
13. Иванов И.А. Технология применения габионов в современном строительстве. М. Инфра-инженерия. 2016
14. Кириенко И.И., Химерик Ю.Л. Гидротехнические сооружения. Проектирование и расчет. К., Высшая школа, 1987.
15. Круглов Г.Г. Гидротехнические сооружения. Практикум. М., 2017 г. 390 стр.

16. Ляпичев Ю.П Гидротехнические сооружения. (Учебное пособие). – М., Изд. РУДН, 2008. – 302 с.
17. Мажидов И.У., Файзиев Х.,Хусанхаджаев Ў.И., Рахматов Н. Гидротехника иншоотлари (1-жилд). Т.: Ижод-Пресс, 2019. – 312 б.
18. Меламут Д.Л. Гидромеханизация в мелиоративном и водохозяйственном строительстве. Учебное пособие для вузов. М.: Стройиздат, 1981. -303 с.
19. Мелентьев В.А., Колпашников Н.П., Волнин Б.А. Намывные гидротехнические сооружения.М.: Энергия,, 1973.-248с.
20. Моисеев С.Н., Моисеев И.С. Каменно-земляные плотины.- М.: Энергия, 1977. 274 с.
21. Нестеров М.В. Т. Н. Ткачева. Гидротехнические сооружения лабора-торный практикум.– Горки : БГСХА, 2012. – 89 с.
22. Нестеров.М.В. Гидротехнические сооружения.М. ИНФРАМ. 2018 г, 600стр.
23. Нестеров М.В., Мажидов И.У., Файзиев Х., Эшев С.С. Гидротехнические сооружения. Учебное пособие. - Т., 2020. 665 с.
24. Ничипорович А.А. Плотины из местных материалов. М., Стройиздат, 1973.
25. Рассказов Л.Н. и др. Гидротехнические сооружения, в 2 частях. Учебник.-М. Изд. АСВ., 2011.
26. Рекомендации по расчету обратных фильтров плотин из грунтовых материалов. М., ВНИИ ВОДГЕО, 1992.
27. Рекомендации по проектированию обратных фильтров гидротехнических сооружений (П92-80), Л. ВНИИГ. 1996.
28. Розанов Н.Н. Плотины из грунтовых материалов. –М.: Стройиздат, 1983.- 296с.
29. Румянцев И. С., Мацея В. Ф. Гидротехнические сооружения. М., «Агропромиздат», 1988.430с.
30. Саинов М.П. Расчет и проектирование бетонной водосливной плотины на нескольком основании. М. 2018 г, 482 стр
31. Слисский С.М. Гидравлические расчеты высоконапорных гидротехнических сооружений. М.: Энергоатомиздат, 1986 -336с.
32. Справочник по гидравлическим расчетам/ Под ред. П.Г. Киселева.- Эколит. М. 2011.3 10 с.
33. Справочное пособие по гидравлическим расчетам водосбросных

- сооружений. Энергоатомиздат. М.1986 г 520 стр.
34. Справочник «Мелиорация и водное хозяйство. Сооружения». Под ред. П. А. Полад-заде. М., «Агропромиздат», 1987
35. Справочник проектировщика бетонных сооружений гидроэлектростанций. М. Энергоатомиздат, 1985.
36. Соболь, С.В. Сооружения речных гидроузлов [Электронный ресурс]: учеб. Пос. для студентов вузов– Нижний Новгород: ННГАСУ, 2016.
37. Тейтельбаум А.И., Мельник В.Г., Саввина В.А. Трещинообразование в ядрах и экранах каменно-земляных плотин. М.:Стройиздат. 1975.166 с.
38. Файзиев Х. Гидротехника иншоотларини фильтрация ҳисоби.1-қисм Ўқув қўлланма,ТАҚИ 2002 й.
39. Файзиев Х. Гидротехника иншоотларини фильтрация ҳисоби 2-қисм Ўқув қўлланма, ТАҚИ 2004 й.
40. Файзиев Х., Хусанхўжаев Ў.И. Гидротехника иншоотлари.Ўқув қўлланма, 1-қисм. ТАҚИ 2007й.-1276.
41. Ходзинская А.Г.Инженерная гидрология.М.2012г,416стр
42. Xusanxo‘jayev Z. X. Gidrotexnika inshootlari. T., «O‘qituvchi», 1968.
43. Хусанходжаев З.Х Сув омборларидағи гидротехника иншоотлари. Т; Мехнат, 1986.
44. Чугаев Р.Р. Гидротехнические сооружения. Ч.1.Глухие плотины. М.,1985. 318 с.
45. Чугаев Р.Р. Гидротехнические сооружения.Ч.2. Водосливные плотины. М.,1985,352с.
46. Чугаев Р.Р. Подземный контур гидротехнических сооружений. Л.,1974.237 с.
47. ШНК 2.06.11 - 04 Зилзилавий худудларда қурилиш.Т., 2004.
48. Қоямас заминларда паст босимли сув оқизма тўғонларни лойихалаш. Ўқув қўлланма. ТАҚИ, Тошкент, 1995.
49. ҚМҚ 2.02.02-98. Гидротехника иншоотларининг заминлари. Т., 1998.
50. КМК-2.06.01-97 Гидротехника иншоотларини лойихалаштиришнинг асосий низомлари. Т. 1998.
51. ҚМҚ 2.06.05-98 Тупроқ тўғонлар. Т.,1998.
52. КМК, 2.0.6.06 – 98 Бетон ва темир-бетон тўғонлар. Т. 1999.

53. Leonards G., Narain J. Flexibility of clay and cracking of earth dams. Journal of Soil Mech. And Found. Division, Proc. ASCE, 1963, Vol.89, No.SM2, March, part 1, p.47-97.
54. John Gerrard. FUNDAMENTALS OF HYDROLOGY. London and New York. 2012.
55. Melvyn Kay (Practical Hudraulacs), 2010.
56. Saeid Eslamian.Handbook of Engineering Hydrology, 2014.
57. Tim Davie, FUNDAMENTALS OF HYDROLOGY. 2008.
58. Ljubomir Tanchev. Dams and Appurtenant. 2010. 1096 p.Hydraulic Structures
59. Novak P., Moffat A.I.B. and Nalluri C., Narayanan R.. Hydraulic Structures. Fourth Edition. 2012. P.725.
60. World Bank (2011). Water Resources Management. Available at: <http://water.worldbank.org/water/topics/water-resources-management>.
61. Zare, S., and A. Bruland (2007). Progress of drill and blast tunneling efficiency with relation to excavation time and cost. In: 33rd ITA World Tunnel Congress, Prague, Czech Republic, 5-10 May 2007, pp. 805-809.

МУНДАРИЖА

№	Мавзулар номи	бет
1	2	3
	Кириш	4
I	Сув омборлари ва уларнинг ривожланиш тарихи	5
II	Тўғонлар, уларнинг турлари, конструктив элементларига қўйиладиган талаблар	7
2.1	Грунтдан барпо этиладиган тўғон тўғрисида умумий маълумотлар	7
2.2	Тўғонларнинг синфини белгилаш тартиби	11
2.3	Грунт тўғонлар заминларига қўйиладиган талаблар ва уларнинг створини танлаш	12
2.4	Тўғон ўркачи отметкасини аниқлаш	13
2.5	Грунтли тўғонларнинг таснифи ва конструктив элементлари	18
2.5.1	Тўғоннинг кўндаланг профили ва унинг қияликларини белгилашга қўйиладиган талаблар	21
2.5.2	Тўғон танасидаги фильтрацияга қарши элементлар	29
2.5.3	Тўғонлардаги дренаж тармоқлари ва уларнинг конструкциялари	34
2.6	Тош - тўкма (тош) тўғонлар	38
2.7	Тош - грунтли тўғонлар	41
2.8	Ювма тўғонлар	44
2.9	Йўналтирилган портлатиш билан барпо этиладиган иншоотлар	56
2.10	Сув омбори иншоотларини жойлаштириш	59
2.11	Тўғонларнинг турлари бўйича афзалликлари ва камчиликлари	61
III	Сув омбори таркибидаги сув чиқариш ва сув ташлаш иншоотининг турлари, вазифалари ва конструктив тузилиши	63
3.1	Сув ташловчи иншоот турлари ва уларни қўлланиш шартлари	63
3.2	Қирғоқда жойлашган очик сув ташловчи иншоотлар	66
3.2.1	Фронтал сув ташлагичлар	69
3.2.2	Хандакли сув ташлагичлар	77
3.3	Қирғоқда жойлашган ёпиқ сув ташлагичлар	82
3.3.1	Қувурли -минорали сув ташлагичлар	82
3.3.2	Қувурли-чўмичсимон сув ташлагичлар	84
3.3.3	Шахтали сув ташлагичлар	85
3.3.4	Туннелли сув ташлагичлар	91
3.3.5	Сифонли сув ташлагичлар	94
3.4	Сув ташлагич иншоотларни турини танлаш	96
3.5	Сув чиқарувчи иншоотлар турлари ва уларни қўлланиш шартлари	97
3.5.1	Қувурли сув чиқаргичлар	97
3.5.2	Қувурли -минорали сув чиқаргичлар (ташлагичлар)	99
3.5.3	Туннелли сув чиқаргичлар	102
3.6	Сув чиқаргич иншоотларни турини танлаш	103
IV	Бетонли ва темир-бетонли тўғонлар	105
4.1	Тўғоннинг асосий турлари ва уларнинг тавсифлари	105

4.2	Түғон қирғоқлари ва асосинини мустаҳкамлаш, уларни тиклаш күйидагиган талаблар	112
4.3	Бетонни зоналар бўйича ётқизиш ва түғон қирраларининг ҳимоя қатламлари	124
V	Қояли заминлардаги устидан сув ўтказмайдиган бетонли гравитацион түғонлар	131
5.1	Массив гравитацион түғонлар	131
5.2	Түғон танасидаги фильтрацияга қарши қурилмалар	135
5.3	Түғон заминидаги дренажлар	136
5.4	Гравитацион түғон чоклари, уларнинг турлари ва конструкцияси.	138
5.5	Сув омбори таркибидаги гидроэлектростанциялар, уларнинг жойлашуви. Сув энергиясидан фойдаланиш схемалари	144
5.6	Чуқур жойлашган сув ўтказувчи иншоотларни жойлаштиришнинг ўзига хос хусусиятлари.	148
5.7	Енгиллаштирилган бетонли гравитацион түғонлар.	150
5.8	Кенгайтирилган (кенг) чокли түғонларнинг	151
5.9	Замин яқинидаги бўйлама бўшлиқли түғонлар.	153
5.10	Түғонларда бетонни олдиндан зўриқтириш.	153
5.11	Катақсимон түғонлар.	154
5.12	Гравитацион түғонларни келажакда такомиллаштириш ва арzonлаштириш йўллари	155
VI	Аркали түғонлар	158
6.1	Аркали түғонлар тўғрисида умумий маълумотлар ва уларнинг турлари	158
6.2	Аркали түғонларни лойиҳалаш ва конструкциясининг ўзига хос хусусиятлари	162
VII	Контрфорсли түғонлар	168
7.1	Контрфорсли түғонлар тўғрисида умумий маълумотлар ва уларнинг таснифи	168
7.2	Босимли ясси ёпмали контрфорсли түғонлар	170
7.3	Кўп аркали контрфорсли түғонлар	174
7.4	Массив - контрфорсли түғонлар	176
7.5	Контрфорсли түғонларни конструктив хусусиятлари	179
	Қисқартирма иборалар ва асосий тушунчалар	182
	Фойдаланилган адабиётлар	185